

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАДИЧА ЧОРИЕВНА ФАЙЗИЕВА

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

(Филология факультетлари бакалаврлари, магистрлари ва
аспирантлари учун қўлланма)

Ўзбек диалектологияси

(қўлланма)

Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2011 йил 28 февралдаги 7- баённомаси билан нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир:

А.Ж.Омонтурдиев,
филология фанлари доктори.

Тақризчилар:

Б.Умуркулов,
филология фанлари номзоди, доцент
Ш.Бобомуродова,
филология фанлари номзоди

СУЗБОШИ

Туркий миллатлар ва элатлар ўзларининг бой халқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма ёдгорликларининг қадимийлиги билан машҳурдир. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича туркий тилларнинг турли лаҳжаларига оид ҳар хил бойликлар, грамматик унсурларни кузатиш мумкин. Бу эса ўзбек тили диалектларини киёсий ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари бу соҳада алоҳида ажралиб туради.

Мазкур қўлланма узоқ йиллик тажрибамиздан келиб чиқиб, шеваларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланиш, талабалар билан олиб борилган ўқув-илмий амалиёт давридаги кузатишлар, йиғилган фактик материаллар натижаси ўлароқ юзага келди.

Диалектологиянинг халқ ва тил тарихи билан узвий алоқада эканлигини ҳисобга олиб қорлук, кипчок, ўғуз лаҳжаларининг фонетик, морфологик, синтактик, лексик хусусиятларининг алоҳида таҳлил этилиши ўқувчида мазкур лаҳжалар ҳақида аниқ тасаввур уйғотади.

“Ўзбек диалектологияси”га бағишланган ушбу қўлланма В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Н.Ражабов, Б.Тўйчибоев, Б.Ҳасанов кабиларнинг дарслик ва қўлланмалари асосида тузилди.

Бакалавр дастури ҳисобга олиниб, маъруза материаллари қисқартирилди, содда шаклда баён этилди, айрим мураккаб ўринлар соддалаштирилди. Мисоллар кўпроқ халқ орасида юриб йиғиб олинган материаллар асосида бойитилди. Чунки шевалар ва тарихий манбалар ўзаро ўхшаш ва бир-бирига яқиндир. Айни пайтда ҳар бир соҳа таҳлил қилинганда, ҳозирги тил, эски ўзбек тили ва бошқа лаҳжалар билан киёсланадики, бу усул ўқувчини мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Ҳар бир мавзу режа асосида ёритилди ва охирида шу мавзунинг асосий моҳиятини акс эттирувчи хулосалар бериб борилди. Талаба шуларга асосланиб амалий машғулотларга ҳозирлик қўради.

Қўлланманинг мақсади воиз билан тингловчининг меҳнатини енгиллаштириш, курсни осонлик билан ўзлаштириш, фанга нисбатан ижодий муносабатда бўлишни таъминлашдан иборатдир.

Муаллиф

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Кириш.
2. Шева, диалект, диалект зонаси, лаҳжа ва диалектал тил тушунчаси ҳақида маълумот.
3. Ўзбек диалектологиясининг асосий вазифаси.
4. Ўзбек тилининг мураккаб диалектал таркиби.
5. Ўзбек диалектологиясининг тилшунослик ва бошқа фанларга алоқадорлиги.
6. Диалектларни ўрганиш методлари ва аспектлари.

Кириш. Туркий халқлар тарихи жуда ҳам қадимийдир. Бу қадимул аввал тарихнинг рақамини ҳеч ким аниқ белгилаб берган эмас. Ўзоқ йиллар мобайнида олиб борилган археологик изланишлар (Тошкент Сўғдиёна – Афросиёб каби) Боботоғ (Сурхондарё, Шеробод тумани), Битикчашма ёдгорлиги, тоғда топилган учкуч (самолёт), ракета қанотлари, унинг учиш майдонлари кабилар аجدодларимизнинг гоёт ишбилармон, фан-техника устаси, дидли бунёдкор, узоқ келажакни тасаввур эта олган кишилар бўлганлигидан далолат беради.

Бу ёдгорликлар қояларда, одамзоднинг кўли етиши мушкул бўлган жойлардагина сақланиб қолган. Ким билади дейсиз, пастликлардаги нодир ёдгорликлар Искандар, Чингизхон каби босқинчилар томонидан ер билан яксон қилиб ташланган бўлиши мумкин. Ўша даврлардан буён орадан қарийб 30 минг йил ўтган деб тахмин қилинади. Эҳтимол, бундан ҳам кўпроқдир. Энг муҳими ана шундай тарихий далиллар, ноёб ёдгорликлар бизнинг она диёримиз, жонажон Ўзбекистон Республикаси заминида бўлганлигидадир.

Тарихнинг, тарих соҳасидаги тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, энг қадимий уруғ-қабилла ҳисобланган скифлар билан туркий халқлар ўртасида бевосита алоқалар бўлган. Уларнинг бир-бирлари билан қавм-қариндош бўлганликларини тарихий ҳақиқатлар исботламоқда. Чунки, уларнинг турмуш тарзида муштарак томонлар жуда кўпдир. Лекин бу ҳақиқат ҳамон сир сақланиб келинмоқда. Қандай бўлмасин, қанчалик сир сақланмасин, қандай шаклда тадқиқ этилмасин, барибир тарих тилга кириши муқаррардир.

Парфия, Амазонка ва Бактрия кабилар скифлар номи билан узвий боғлиқдир. Бактрия замини эса ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон сингари юртларни ўз ичига олган. Бу ҳақда “Авесто” китобида ҳам маълумотлар бор.

Демак, тарихда учрайдиган Таргитой, Билка Ҳокон-Қоон, Култагин каби шахзодаларнинг барчаси скифмассагетлар, қадимги туркий халқлар аждодлари тарихига бориб тақалади. Бу эса ўз навбатида туркий уруғ-қабилаларнинг қадимги даврда ҳам кенг жойларда, ҳисоб-чегарасиз маконларда яшаганликларини кўрсатади. Бизнинг аждодларимиз ҳозир яшаб турган муқим жойларида, уларнинг айрим қисмлари эса Хитой, Покистон, Афғонистон, Эрон, Иордания, Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, АҚШ ва

бошқа купина чет мамлакатларда, собик СССРнинг турли жойларида ҳаёт кечирмокдалар.

Илгари матбуотда кизик бир факт эълон қилинган эди. Унда айтилишича, филология фанлари доктори Аброр Каримулин қуйдагиларни марок билан хикоя қилиб беради:

“Америка китъасида Сию деган хиндларнинг бир қабиласи бизга тушунарли тилда сўзлашадилар. Улар ҳам “ёш”ни “яш”, “бақа”ни “бақа”, санок сонларни “бир”, “икки”, “уч” деб айтадилар. Уларнинг ҳали тула шаклланмаган луғат фондида 500 дан ошиқ туркий сўзларни учратдик. Туркий тилда сўзловчи элатлар Японияда ҳам, Океанияда ҳам, хуллас, дунёнинг барча китъаларида учрайди”.

Дастлабки ёзма манба сифатида туркий-руник ёки Урхун-Энасой ёзма ёдгорликлари номи билан машҳур бўлган дурдона манба, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” номи билан машҳур бўлган ажойиб асари, шундан сўнгги даврдан Алишер Навоий давригача ёзилган туркий ёзма ёдгорликлар, бобокOLONИзмизнинг умумбашарий мероси, Абулғози Баходирхоннинг ёзган қимматли тадқиқотлари ва нихоят, кейинги даврга хос манбаларнинг барчаси туркий халқлар адабиётлари, тиллари ва лаҳжаларини ўрганиш, мутолаа қилиш ва тадқиқ этишда асосий манбалар ҳисобланади.

Демак, туркий халқлар ҳам, уларнинг тиллари ҳам энг қадимги тарихга эга. Ҳозирги вақтда скиф-туркий тилида 200 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Бу тил хитой, ҳинд, инглиз ва араб тилларидан кейинги ўринни эгаллайди. Шунга қараб, скиф-туркий тилининг бошқа тилларга таъсири, уларнинг луғат бойлигида тутган ўрни салмоклидир.

Рус тили луғат бойлигининг катта қисмини ҳам туркий сўзлар ташкил этади. Бу ҳолни “Игорь жангномаси”, “Жонли рус тилининг изохли луғати” каби ёзма ёдгорликлар: “Туркий лаҳжалар тадқиқотидан тажрибалар” (В.В.Радлов), “Ёкут тили луғати” (Э.К.Пекарский, 1907, 1930), “Чуваш тили луғати” (Н.И.Ашмарин, 1928-1950) каби “туркологиянинг олтин фондиди ташкил этувчи” (А.Н.Кононов) ажойиб луғатлар ҳам исботлаб турибди. Мен, шахсан Э.В.Севортяннинг кўп жилдли “Туркий тилларнинг этимологик луғати” ни (1978-1989) ҳам шулар қаторига қўшиб санашни истардим.

Энди сибирлик ўзбеклар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтсак. Тошлардаги битикларнинг далолат беришича, туркий тилларнинг ҳукмрон ҳолатга эга бўлиши V-VI асрлар билан боғлиқ. Ундан олдинги тарихи ҳақида аниқ маълумот йўқ ёки бундай ёзма манба бизгача етиб келмаган. Ҳар ҳолда, эраизгача бўлган IV-III асрларда Сибирь ва унинг атрофларида туркий халқлар ўтрок ҳолда ҳаёт кечириб келганлар. Улар турли тарихий даврларда “Сабр турки” деб аталган, ҳозирги “Тюмен” деган ном ҳам туркий сўз бўлса ажаб эмас. “Тюмень” билан бир қаторда, Тобольск шаҳрида ва Сибирнинг бошқа жойларида ўзбекларнинг ҳам яшаб келаётганликларини биламиз. Бу эса узок тарихни эслатади. Чунки XVI асрда Т.Ермак Сибирни босиб олиб (1582 йил октябрь ойи), унинг пойтахти Кашликни эгаллаганда, у ерлар Эскер (Аскар) номи билан машҳур бўлган туркий давлатга бирлашган бўлиб, унинг давлат бошқарувчиси бухоролик Муртазохоннинг ўғли Кучимхон эди. Кучимхон дастлаб Т.Ермакдан енгилган бўлса ҳам, қайтадан куч тўплаб, у

билан шиддатли жанг қилади ва душман аскарларини кириб ташлайди. Россиядан канча ёрдан келмасин Т.Ермак ўзини ўнглаб ололмайди ва камалда қолиб, кичик гуруҳдаги кучлар билан денгизга чуқиб кетади (1585).

Худди ана шу даврларда (XV-XVI асрлар) Сибирга – Тюмень, Тобольск ва бошқа жойларга ўзбекларнинг кўчиб бориши кўпайган ва улар ўтrockлашиб қолган бўлишлари табиийдир. Бу аجدодларимизнинг, яъни туркий халкларнинг умумий ва ажралмасликларини курсатади. Уларнинг турли халқлар ва миллатлар бўлиб шаклланишлари эса нисбатан сўнгги даврнинг махсулидир. Бу кўп қиррали чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Туркий тиллардаги ноёб қадимий ёзма ёдгорликларнинг ўн қиррасидан бир қиррасигина очилган ҳолос. Бу эса олий мактабларимизда уларни махсус фан сифатида, махсус ихтисос курси ва амалиёт сифатида чуқур ўргатиш, уларнинг мағзини талабаларга сингдириш, улардан келгуси тадқиқотчиларни тайёрлаб етказишни тақозо этади. Тарихий ёзма ёдгорликларга талабаларнинг кизиқишини орттириш: уларни мустақил равишда мутолаа қилишга одатлантириб бориш ҳар бир филологнинг, ҳар бир туркологнинг муқаддас бурчи деб қарашлари даркор.

Туркий тилларни ўрганиш ва тадқиқ этишнинг сўнгги бир асрлик тарихий босқичида машҳур туркологлар Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Мамедов, Шералиев, Улуғ Турсунов, Самит оға Кенесбоев, З.Н.Ғажиева, А.К.Кононов, Пайғам Азимов, Н.А.Басхаков, А.Р.Тенишев, Алибек Рустамов, Фарҳод Зайналов, Мухаммад Исаев, Бозор Ўринбоев, Ҳамид Неъматов, Иристой Кўчқортоев каби олимларнинг қаламига мансуб асарлар илмий тадқиқотлар яратишда, дасрлик ва қўлланмалар ёзишда қўл келмоқда.

Шундай қилиб, туркий халкларнинг тарихи, келиб чиқиши, томири умумийдир. Бунга қадимий ёзувларимиз, ёзма ёдгорликларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, туркиялик кардошларимиз қадимги Сирдарё воҳасида яшаганликлари билан фахрланадилар. Улар Туркистонни, Ўзбекистонни ота юртимиз, она ватанимиз деб атайдилар. Айтишларича, уларнинг халоскори, устози ва дохйиси Мустафо Ота Турк ўзининг қабр ёдгорлигига “Менинг ватаним Туркистондир” деб ёзиб қуйишни васият қилган экан.

Маълумки, ўзбек тилининг кипчоқ лаҳжаси козок, қорақалпоқ, қирғиз, татар каби тиллар билан алоқадор бўлса, унинг ўғуз лаҳжаси туркман, озарбайжон ва турк сингари тиллар билан умумий томонларга эга. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси эса бевосита уйғур тилига яқиндир. Бугина эмас, ҳатто у ёки бу туркий тил таркибида уруғ-қабиланинг қисмлари мавжуд. Масалан, найманлар номи билан юритилувчи катта тоифа козок халқининг асосини ташкил этган ҳолда, ўзбекларнинг ҳам катта таркибий қисми ҳисобланади. Қорақалпоқлар номи билан айтилувчи аҳоли мазкур республикадан ташқари, яна Фарғона, Самарқанд каби вилоятларда ҳам кенг тарқалган. Туркман миллатининг асосини ташкил этувчи чандирлар Қашқадарё, Самарқанд каби вилоятларда ҳам ҳаёт кечирадилар. Қўнғиротлар ўзбеклар ва қрим татарларининг таркибини ташкил этади. Бундай далилларни истаганча келтириш мумкин.

Маълумки, аجدодларимиз дастлабки даврларда гуруҳ-гуруҳ, уруғ-уруғ бўлиб яшаганлар. Булардан қабилалар ва қabila иттифоқлари, сунг эса халқ ва миллатлар пайдо бўлган. Ҳар бир халқ ёки элатнинг ўзига хос тиллари мавжуд эди. Шеваларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши уруғ ҳамда қабилаларнинг, миллий тилларнинг юзага келиши ва таракқиёти эса қабилалар ҳамда қабila иттифоқлари ва халқларнинг аниқ тарихи билан изоҳланади.

Туркий тилларнинг тарихий таракқиёт йўлларини белгилашда, ўтмишдаги уруғ, қабila ва қабila иттифоқи тилларини ўрганишда Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолни у ўз асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатган: “Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор, мен булардан асосийсини ёздим, шаҳобчаларни тахладим”¹.

Кейинчалик эса қабилаларнинг бир-бири билан аралашиб, қўшилиб кетишлари натижасида, уларнинг тиллари ҳам аралашиб, қоришиб кетган. Бундай бирлашишлар қариндош қабилаларнинг ўзаро қўшилувидан иборат бўлади ва қабila иттифоқларининг аъзолари учун умумий бўлган тиллари ҳам вужудга келади. Қабилалар ўзларини ташки душмандан ҳимоя қилиш учун бирлашар эдилар. Жамиятнинг шундан сўнгги таракқиёт босқичидан қабилалар ва қабila иттифоқлари ўзаро бирлашиш жараёнини ўз бошидан кечира бошладилар. Шунга қараб, уларнинг тиллари ҳам бир-бирларига яқинлашиб, қўшилиб борди. Натижада, ўзбек халқи ва халқ тили келиб чикди.

Ана шу туркий қабилалар ва қабila иттифоқларидан ўзбек, козок, кирғиз, қорақалпоқ халқлари ва уларнинг тиллари пайдо бўлган ва ривожланиб, ҳозирги ҳолатга етиб келган. Шунинг учун, Урхун — Энасой дарёлари ёқасидан топилган ёзма ёдгорликлар бошқа туркий халқлар тиллари билан бир қаторда, ўзбек тилининг ҳам энг қадимги ёзма манбаларидан деб қаралади. Чунки маълум бир заминда бир қанча қабila бирлашмалари юзага келади. Ана шу қабila иттифоқларининг бирлашиши ўз навбатида халқ ва халқ тилининг вужудга келишига сабаб бўлади. Синфий жамиятнинг шундан кейинги таракқиётида маданий ва савдо маркази сифатида шаҳарларнинг аҳамияти оша борали. халқларнинг шаклланиши давом этади, феодал ерлари ва феодал давлати пайдо бўлади.

IX-X асрлар давомида ва ундан кейин ҳам Марказий Осиёда туркий тилда сўзлашувчи ўтроқ ва кўчманчи халқлар яшаган. Хусусан, Ўзбекистон шаҳарларидаги аҳоли қадимдан, асосан, туркий тилда сўзлашади. Улар кўчманчи туркий ҳамда ўтроқ эрон тилида сўзлашувчи халқлар (хусусан, тожиклар) билан доимий алоқада бўлган. IX-XI асрларда ўтроқ туркий тилда сўзлашувчи халқлар асосида ўзбек халқи ва тили шаклланади.

Ўзбеклар халқ бўлиб шаклланаётган бир вақтда турли хил туркий ва туркий бўлмаган қабila иттифоқлари аралаш ҳолда яшар эди. Бинобарин, ўзбекларнинг халқ бўлиб шаклланишида ҳозирги Ўзбекистон ерларидаги туркий халқлардан ташқари, эрон қавмлари ҳам туркий халқлар билан бир хил иқтисодий шароитда ҳаёт кечирган, ташқи душманларга қарши

¹ М.Кошғарий.Девону луғотит турк, 1 жилд.—Тошкент,Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1960, 64-бет.

биргаликда кураш олиб борган эдилар. Улар ўзбекларнинг урф-одати, маданияти ва тилини қабул қилиб, биргаликда яшай бошладилар. Бошқача қилиб айтганда, эроний кавмлардан бўлган сўғдийларнинг ўзбеклашуви, муғулларни ўзбекларнинг таркибий қисмига айланиб кетиши, улардаги этнографик бирлик сақланиб қолмаганлиги кабиларни айтиш мумкин.

Туркий тилларнинг таснифи. Ер шарида 30 дан ортиқ туркий тили миллиатлар ва элатлар мавжуд бўлиб, 70-йилнинг бошларида уларнинг умумий сони собиқ Иттифокда 70 миллионга яқин ҳисобланарди. Айрим манбаларда эса туркий тилларнинг микдори 51 та деб курсатилади. Бунда қорахоний – уйғур тили, қоразм – қарлук тили, мумлук-қипчоқ тили, X-XI асрлардаги уғўз тили, Урхун-Энасой ёзувлари тили, турклар тили, қуросон туркий тили, қиғатой тили, уйғур тили, сариқ уйғур тили, қадимги уйғур тили кабилар алоҳида туркий тиллар номлари билан берилади. Буларни ҳозирги вақтда аҳолида туркий халқлар тиллари деб ажратиш ўринли бўлмаса қерак.

Масалан, уйғур тилини қадимги уйғур тили ва қорахоний – уйғур тили деб ажратишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Бунинг устига «сариқ уйғур» деб ишлатилиши ортиқчадир. Буларнинг ҳаммаси ҳам уйғур тилининг турли босқичларидаги кўринишларидир. «Қиғатой тили» дейиш эса умуман маъқул эмас. Чунки бундай тилнинг ўзи бўлмаган. Лингвистик адабиётларда «Қиғатой тили» атамасининг пайдо бўлиши Херман Вамберининг «Қиғатой тили дасрлиги» (1867) чиқишидан бошлаб расмий тусга кириб қолди (қиғатой адабиёти каби). Бу атама Н.И.Ильминский (1822-1891) ва бошқа туркологларда ҳам ишлатилади. У Сулаймон Бухорийнинг (1921-1882) луғатида ҳам қўлланилган. Бу луғатда ўзбек уруғлари ва шевалари 92 та деб кўрсатиб ўтилади. Ғози Олим Юнусовнинг “Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бар тажриба” (1935) тадқиқотида ҳам ўзбек уруғ-кабилалари ва уларнинг тиллари 92 та деб қайд этилади. Халқимиз таркиби ва ҳар бир таркибий қисмнинг тиллари – шевалари ҳақидаги рақамлар 92 та деб белгиланиши турли шажаралар ва сўнгги айрим тафсилотларда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Туркий халқлардан 12 таси (қатар, қозоқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, қўмик, қрим-қатар, қорачой, балқар, олтой, нўғай, қарайм) 15 миллиондан кўпроқ бўлиб, улар қипчоқ гуруҳи туркий тилларни ташкил этади. Туркий тиллардан 11 таси (турк, озарбайжон, туркман, афшар, қашқар, Эроннинг жануби-шарқидаги туркий халқлар, шахсевон, гагауз, қарапарах, қаджор, қримчак) 37 миллион кишини ўз ичига олган бўлиб, туркий тилларнинг ўғуз гуруҳига қиради. 55 миллионли турклар (Туркия) ҳам ўғуз гуруҳига тааллуқлидир.

5 халқ (ўзбек, уйғур, салар, сариқ уйғур, ҳутан) 15 миллиондан ортиқдир. Булар туркий тилларнинг қарлук гуруҳини ўз ичига олади. Чувашлар (1,7 миллион) булғор гуруҳини ва 8 халқ (ёкут, тува, хақас, тоғли олтойликлар, шўр-шор, дўлган, қўк қўлутанлар, тоғалар-қарағас) Сибирь гуруҳи (0,6 миллион) деб юритилади.

Булар 1980 йилгача бўлган маълумотлардир (123,3 млн). Орадан 15 йилча вақт ўтгач, туркий халқлар қарийб 200 миллион киши деб ҳисобланмоқда. Аҳолининг бунчалик тез кўпайишининг сабаби, бир томондан, аҳолининг ўсиши ва иккинчи томондан, чет эллардаги туркий халқлар

хақидаги маълумотларнинг аниқланиб бориши билан боғлиқдир. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар 13млн. ни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб 19 миллиондан ошди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 22 млн дан кўпроқ киши яшайди. Маълумки, туркий халқларнинг ярмидан ортиғи собиқ Иттифок ҳудудида ҳаёт кечиради. Уларнинг сони 100 миллионга яқиндир. Туркий халқларнинг 100 миллиондан кўпроғи чет мамлакатларда яшайди.

Демак, туркий халқларнинг умумий сонини 200 млн. ва ундан ҳам кўпроқ деб белгилашга тўғри келади. Уларнинг 19 миллиондан кўпроғини ўзбеклар ташкил этади. Ўзбекларнинг ўзлари сингари тилларининг тарихи ҳам қадимийдир. Уларнинг ёзувлари қўп асрлик тарихга эга. Бу тарихни камида 2400-2500 йил деб белгилаш мумкин.

Ёзувларнинг энг қадимийси сўғд ёзувидир. У бир қанча қўринишларга эга бўлиб, тарихан оромий ёзувлари белгилари билан бевосита алоқадордир. Сўғд ёзувининг моний ва сурёний турлари туркий халқларда кенг ишлатилиб келинганлиги тарихдан маълумдир. Улар эраизгача бўлган V-IV асрларга бориб тақалади. Хоразм ёзуви ва дулбаржин ёзувларининг аҳамияти ҳам каттадир. Буларни шартли равишда ёзувларни қўллашдаги биринчи давр дейиш мумкин. Иккинчи давр араб ва уйғур ёзувлари билан боғланиб кетади. Ниҳоят, лотин ёзуви ва амалдаги кирилл ёзувидан фойдаланишни учинчи давр деб юритиш ўринлидир. Булар шартлидир, албатта.

Туркий тилларни ўрганиш соҳасида Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Мамед оға Шералиев, Смит оға Кенесбоев, Айюб Ғуломов, А.Н.Кононов, Солиҳ Муталлибов, Олим Усмонов, Н.А.Баскаков, Дилора Тумашева, Фарҳод Зайналов, Муҳаммад Исаев, Ғани Абдурахмонов, Алибек Рустамов, Ҳамид Неъматов, Бозор Ўринбоев, Иристой Кўчқортоев, Эргаш Ғозилов ва бошқа кўпгина тилшунос олимларнинг ўзларига яраша хизматлари бор. Уларнинг айримлари мавжуд туркология манбаларига асосланган ҳолда ўз таснифларини ҳам тақдим этмоқдалар. Бу жиҳатдан озарбайжонлик профессор Фарҳод Зайналовнинг хизмати алоҳида кўзга ташланиб туради.

Туркий тилларни қуйидагича таснифларга ажратиш мумкин: Маҳмуд Кошғарий таснифи; Н.А.Баскаков таснифи; Фарҳод Зайналов таснифи; Муҳаммад Исаев таснифи; Олим Усмон таснифи; Улуғ Турсунов таснифи; Ғани Абдурахмонов таснифи; Ҳамид Неъматов таснифи.

Муҳаммад Кошғарий таснифи. Маълумки, Маҳмуд Кошғарий яшаган XI асрда туркий қабилалар ва қабилалар иттифоқи ўзаро бирлашиб, халқни шакллантира бошлаган давр эди. Олимнинг тўлиқ исми Маҳмуд Ибнулхусайн ибн Муҳаммадил Кошғарийдир. У тил, маданият, тарих ва адабиёт каби турли соҳаларга оид кўплаб қимматли илмий асарлар яратган буюк олим эди. Унинг («Туркий тилларнинг наҳв қоидалари») ва «Девону луғотит турк» («Туркий тилларнинг луғатлари қомуси») асарлари мавжуд. Афсуски, мазкур илмий асарларнинг биринчиси авлодларимизга етиб келмаган. 1960 йилнинг бошига келиб Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари араб алифбоси ва араб тилининг билимдони Солиҳ Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Тажриба жараёнида олимнинг «XI аср ёзма

ёдгорликларида феъл категорияси» (1955), «Лексика ва морфология тарихидан қисқача очерк» (1959) каби бир қанча илмий асарлари юзага келди.

«Девону луғотит турк» нинг илмий қиммати бекиёсдир. Чунки, «Девон» ни яратиш учун муаллиф узок йиллар давомида туркий халқлар яшайдиган шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб чикди, материаллар тўплади ва уларни чуқур киёсий таҳлил қилди. «Мен бу ишларни, — деб ёзади Махмуд Кошғарий, — тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим...» (44-бет)

Махмуд Кошғарий туркий тиллар ва лаҳжаларини йигирмата қабиллага мансуб деб кўрсатиб, улардан ҳар бирининг сон-саноксиз уруғлари борлигини қайд этади. Демак, йигирмата қабил ва кўплаб уруғларнинг тиллари ҳам сақланиб қолган. «Девон» да ана шу йигирмата тил бирма-бир санаб ўтилади: **бэжэнэк, қипчок, ўғуз, йэмэк, башғирт, басмыыл, қай, йабаку, татар, кирғиз, чигил, тухси, йағма ыграк, йарук, йумул (баъзан чумул ва жумул шаклларида ҳам учрайди), уйғур, тунгут, хитой, табғач** (64-бет).

Яна китобнинг турли саҳифаларида юқоридаги йигирмата туркий тиллар ва лаҳжалар ҳисобига киритилмаган бошқа қабилалар тиллари ҳам тилга олинади: **прамут (157-бет), булғор (68-91- бетлар), булак (360- бет), канжак (66- бет), суворлар (67-68- бетлар), қарлуқ (86-43- бетлар), аргу (488- бет), турк (484- бет)** каби.

Махмуд Кошғарий айрим ҳолларда туркий қабилаларнинг яшайдиган жойларини ҳам аниқ кўрсатади. Масалан, чигилларнинг Барсаған қуйисидаги Қуйас шаҳарчасида, Тироз яқинидаги шаҳарчада ва Кошғардаги бир қанча қишлоқларда яшашларини кўрсатиб ўтган. (374- бет).

«Девон»да ўғуз қабиласи туркларнинг бир қабиласи деб таъкидланади. Сўнгра, шу ўғуз қабиласининг таркибида 22 та уруғ борлиги айтилади, уларнинг номлари ва молларига қўйилган тамғалар бирма-бир санаб ўтилади (89-91- бетлар).

Биринчи турколог, хусусан луғатшунос, этнограф ва халқ оғзаки ижодчиси, тарихчи ва жуғрофия билимдони Махмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асари билан туркологияга асос солди. У биринчи бўлиб туркий тилларнинг қоидаларини яратади. Бу асар туркий тилларнинг киёсий грамматикасини ўрганишда ягона манба бўлиши билан диққатга сазовордир. Махмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» номли кўп қиррали асарида туркий тилларнинг дастлабки таснифини берган. У туркий тиллар ва лаҳжаларини тасниф қилганда, икки илм-фан қоидаларига асосланиб иш кўрган: 1) қабилалар ва қабил иттифоқлари тилларининг софлигига (тўғрилигига) кўра; 2) қабилалар ва қабил иттифоқлари тилларидаги фонетик ва морфологик фарқларга кўра.

Махмуд Кошғарий тилларнинг софлиги тушунчаси деганда, туркий бўлмаган тилларнинг таъсир даражасини тушунади, шунга кўра, туркий тилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганади: а) соф туркий тил; б) аралаш туркий қабил тиллари.

Соф туркий тилда форс ва бошқа ўлкалар билан алоқа қилмайдиган яғмо, тухси ва итл (Волга), ямар (Иртиш) дарёлари бўйларидан бошлаб, уйғур шаҳарларигача бўлган заминларда яшовчи қабилалар ва «Хоконий туркчаси» тилини киритади. Бундан ташқари, кирғиз, ўғуз, чигил, ирок,

жарук, булғор, сувор, печенег кабиларининг тилида ҳам туркий бўлмаган тилларнинг таъсири сезилмайди (ДЛТ, I, 66-бет).

Аралашган туркий кабила тилларини Махмуд Кошғарий ўз навбатида икки гуруҳга бўлади:

1.1 Бу гуруҳга сўғд тили таъсирида сугдак, канжак, аргу қабилаларининг тилини киритади. Бундан ташқари, Болосоғун, Тироз, Мадинатулбайзо шаҳарлари аҳолиси тили киритилади.

1.2. Икки тили бўлган турклашган хитой-тибет халклари: хутанликлар, тибетликлар (тубут) ва тангутлар тиллари бу гуруҳга киритилади (ДЛТ, I, 165-бет). Улар туркий тилини яхши тушунадилар. Лекин эркин гаплаша олмайдилар. Махмуд Кошғарийнинг туркий тилларнинг бошқа тиллар таъсири даражасига кўра таснифи асослари ҳозир ҳам шевалар таснифларида қўлланилади.

У туркий тилларни фонетик ва морфологик фарқларига кўра тасниф қилишда тилларнинг жуғрофий тарқалиш асосларини ҳам кўзда тутди. У фонетик ва морфологик асосларни ҳисобга олиб, туркий тилларни икки гуруҳга бўлади:

1. Чигил, яғмо, тухси, қарлуқ, уйғурлардан бошлаб, юкори Чингача (Мочин-Чингача) бўлган кабилалар тиллари.

2. Ўғуз, аргу, кипчок, татар, ямак, сувор ва русдан Византиягача (Римгача) жойлашган кабилалар тиллари.

Шарқли равишда биринчи гуруҳни шарқий тиллар, иккинчи гуруҳни эса ғарбий тиллар деб ағаш мумкин. Шарқий ва ғарбий туркий қабилалар тиллари орасида бир катор фонетик ҳамда морфологик фарқлар мавжуд. Бу шаклда тасниф қилиш 1969 йилда тилишунос олим Ҳамид Неъматов томонидан тавсия этилган эди. Шундан сўнгги нашрларда унинг мулоҳазалари асос қилиб олинди.

Фонетик жиҳатдан шарқий турклар тилида сўз бошида жарангсиз т товуши келса, ғарбий турклар тилида д товуши келади; тағ-дағ, туя-дуя каби. Шарқий турклар тилида н товуши келса, ғарбий турклар тилида ж товуши билан и товуши жуфт қўлланилади: йинжу-жинжу, йелкин-жэлкин каби.

Шарқий турклар тилида лаб-тиш в товуши келса, ғарбий турклар тилида лаб-лаб в (w) товуши келади: товар-towar каби.

Махмуд Кошғарий маълумотига кўра, шарқий гуруҳ тиллари учун тор унлилар (бардим, сэн, тэвай), ғарбий гуруҳ тиллари учун эса кенг унлилар ҳосдир (бардим, сан, тавай). Махмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, айрим шарқий турклар тилида сўз охирида й товуши келса, ғарбий турклар таркибига кирувчи аргулар тилида н келади: қой-қон, йиғай-йиған (ДЛТ, I, 67).

Морфологик жиҳатдан шарқий ва ғарбий турклар тилидаги қуйидаги фарқлар кўрсатилади:

1. Замон, макон ва қурол номи шарқий гуруҳ тилларида – ғу,-гу,-қу,-ку қўшимчаси билан ясалса, ғарбий гуруҳ тилларида –аси, - эси қўшимчаси билан ясалади: баргу-барасы, кэлгу-кэлэси (ДЛТ, I, 69; II, 71).

2. Шахе оти шарқий турклар тилларида, -ғучы, -гучи, -кучы, -кучи қўшимчаси билан ясалса, ғарбий гуруҳларда -дачы, -дәги, -тачи, -тәчи,

қўшимчаси билан ясалади: барғучи – бардачы, турғучи – турдэчи каби (ДПТ, II, 56-58).

3. Шарқий тиллардаги –ган, –гэн, –кан, –кэн сифатдош шаклига ғарбий гуруҳларда –(й) ан, –(й) эн шакли мувофиқ келади: барган-баран каби (ДПТ, II, 57-58).

Шарқий гуруҳ тилларида ўтган замон -ди ва шахс-сон кўрсаткичлари билан ясалса, ғарбий гуруҳдаги турли шахсларда сифатдошнинг -дук, -дук шакли билан аралаш тарзда келади: мэн йай қурдум – бэн йай қурдук.

Шундай қилиб, ахмуд Кошғарий XI асрдаги туркий тиллар ва лаҳжалар таснифи учун 6 фонетик ва 4 морфологик хусусиятни асос қилиб олган. Бу эса машҳур туркологнинг туркий тилларнинг асосий хусусиятларини, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни яхши тушуна олганлигидан далолат беради.

Маълумки, Махмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарининг учала китобида ҳам луғатшунослик асосий ўринни эгаллайди.

«Девон» да тиллар ва лаҳжаларга оид сўзлар аниқ айтилиб, баъзан уларнинг қайси манбага тааллуқлилиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Демак, она тилимизнинг ҳозирги ҳолати учун уни такрор-такрор ўрганиш фойдалидир. Айниқса, тил тарихи, шевашунослик, эгимологик ва умуман филологик луғат тарзи учун мазкур асарнинг қиммати ғоят каттадир.

Асарнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Ҳатто, олимнинг биргина ф, х ундошларига доир мулоҳазалари, феълнинг ўзаги тўғрисидаги аниқ фикри, XI асрда тилда фаол ишлатиладиган луғат қатлами ҳақида айтганлари, умуман, тилни унинг хусусиятларига қараб, учга бўлиб ўрганишга доир тавсияларининг ўзи ҳам буни очик-ойдин исботлаб турибди. Биз ўз навбатида бу дурдонани ўрганиш, мутолаа қилиш орқали қуйидагича гуруҳларга бўлиб, тасниф этиб қўришга ҳаракат қилдик: қарлук-чигил-уйғур гуруҳи, кипчок гуруҳи, ўғуз гуруҳи.

1. Қарлук-чигил-уйғур гуруҳига кирувчи тиллар ва лаҳжалар: чигил (чигил/жигил), яғмо, игрок, жарук/йарук, тўхси (туркларнинг бир тоифаси), тунгут, уйғур, қарлук, арғу, арамут, тавғач, бархан, тубут, кашғар, барсағон, турк, кўчат, тат, суғдак, уч айғир.

Намуналар: эзиш/экиш, халач, урзуланиб, йуксак тағын оғлақ, чатар, уйғур танын йуфға алып йумғын сатар. – Тоғ тепасига жойлашиб, ҳар вақт эчки боласини кўзига бирлаштиради, яъни у чўпон бўлгани ҳолда уйғурларга босқинчилик қилади. Улардан бир нарсалар олиб сотади (II, 340-341).

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Чин, яъни Хитой уч қисмдан иборат эканлиги қайд этилган: Юқори Чин, Ўрта Чин ва Қуйи чин. Бархан Қуйи Чин маъносида келиб, ўша ерда яшаётган кишилар маъносини ҳам билдиради:

Игроқ сари тигроқ,

Еми анинг узлоқ,

Сути ўза соғроқ,

Ери тақи ағлоқ.

(Игрок қабиласи ғайратли, ботир одамлардир. Уларнинг озиқлари курук (сувсиз) овқатлардан. Қимиз тоғоралари устидан коса аримайди. Ҳолбуки, уларнинг ерлари ўтсиз ерлардир. (I, 487).

Бу гуруҳга кирувчи тилларга доир мисоллар Алишер Навоийда ҳам қўплаб учрайди:

*Чигил бирла Яғмони айлаб убур. («Садди Искандарий»)
Юзни не васфин бединг ҳури чигил,
Балғами қондин эса оқу қизил. («Лисонут Тайр»)*

2. **Қипчок** гуруҳини ташкил этувчи тиллар ва лаҳжалар: басмил, қай, ябоку, қипчок, тарар, кангли, бошқирд, кирғиз, булғар, сувор (ин), ямок, жумул (йумул/чумул). Мисоллар:

*Басмыл сусин қулытты,
Барча кэлиб нумытты.
Арслан таба эмитти,
Қорқуб башы тэзгинур.*

(Басмиллар аскарларини бизга қарши қурашга отлантиради. Ҳаммалари тўпланишдилар. Арслон томонга юришдилар. Бизларни қургач, кўзлари қоронғуланиб, бошлари айланди (II, 361).

*Бузрач йама қудурды.
Алпагуть мазырды.
Сусин йана қадырды,
Кэлгэлимэт иркашур.*

(Бузраж ябокулар бегининг оти у аскарларга юзланди, ботирларни саралади, келиш учун тўпланди (II, 161).

*Бычас битик қылурлар,
Эндкай йама бэрүрлар,
Хандан басут тиларлар,
Басмыл чумул тиркашур.*

(Бизнинг одамлар (яъни ябокулар) подшога қаршилик қилмаслик учун мушоҳада (ахднома) ёздилар. Ҳозир басмил ва жумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Ҳокон уларга етишди, ҳатто, уларнинг қонларини тўқди ва асир қилди (I, 427).

3. **Ўғуз** гуруҳига қуйидаги йигирма икки уруғ-қабилалари тиллари ва лаҳжалари киритилди: қынык (қиник), қайығ (қайиғ), байундур (байун), ава/ива, солғу/ салғур, афшар (афшар), бэг тили (бек тили), букдуз (буктуз), байат (баёт), йазғыр (ёзғир), эймур (эймур), қарабелук (қорабулок), алкабелук (олкабулук), игдэр (игдар), урəғир (урақир), тутырка (тутирқа), улайундлұғ (улаюнлдлұғ), тэгэр (туғар), бəжəнəк (бажанак), йувалдар (жувалдор), жəпни (жапни), жаруклұғ (жаруглук). “Девону луғотит турк” саҳифаларида яна бўлак, канжак номлари ҳам қабилалар ва уларнинг тиллари сифатида берилганлигини қайд этиш ўринлидир. Шундай қилиб, “Ўғуз” гуруҳидаги уруғ-қабилалар ва уларнинг тилларини йигирма тўртта деб ҳисоблашга тўғри келади.

Ўзбек тили хусусида икки оғиз сўз. Кўп сонли туркий халқлардан бири ўзбек халқи ҳисобланади. Унинг тарихи бир неча ўн минглаб йилни ўз ичига олади. Ҳали у вақтларда бизнинг аجدодларимиз уруғ-уруғ ва қабил-қабил бўлиб яшар эдилар. Гарчанд, XI-XII асрларда қабилалар ва қабилалар иттифоқлари бирлашиб, ўзбек халқини ташкил этган бўлса ҳам, уларнинг айрим хусусиятлари, қурилишлари сақланиб қолган эди. Буни Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида ҳам аниқ кўриш мумкин. Ана

шундай йирик қабила иттифокларидан бири «Ўзбек» номи билан юритиларди. Бу ҳол, айниқса, «Хазойинул маоний», «Садди Искандарий» каби асарларда аниқ кўзга ташланиб туради.

У пайтларда ўзбеклар халқ сифатида тўла бирлашиб етган бўлишига қарамасдан, ўзларининг бир умумий давлатларига эга эмас эди. Чунки улар Мовароуннаҳр, Хуросон, Дашти Қипчоқ каби заминларда бўлинган ҳолда ҳаёт кечирар эдилар. Ҳатто, асримизнинг 60-йилларигача ҳам ўзбеклар кам сонли эди. Сўнгги 35 йил ичида ўзбекларнинг миқдори бир неча баравар ошди. Бу ўзаро бирлашиш ва туғилишнинг ҳисобига бўлди.

Туркий тилларнинг йирик гуруҳларидан бири ҳисобланган ўзбек тили қуйидаги қисмларга: ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек тили тарихи, ўзбек шевашунослиги. Унинг ҳар учала қисми ҳам ўзаро мустақил боғланган ҳолда ўрганилади ва бир-бирини тўлдириш, бойитиш учун хизмат қилади. Айниқса, ўзбек шевалари материаллари ўзбек тили тарихи учун ҳам ўзбек адабий тили учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки тил тарихининг тараққиёт йўлларини фақат шева материаллари асосида белгилаш, аниқликлар киритиш мумкин.

Диалектология тилшунослик фанининг бир соҳаси бўлиб, бирор тилнинг мавжуд диалектларини, яъни маҳаллий лаҳжа ва шеваларни ўргатади. Диалектология атамаси икки элементдан иборат бўлиб, грекча, *dialektos* — шева, жонли сўзлашув, логос — илм. Демак, диалектология жонли сўзлашув ҳақидаги илм (фан)дир.

Диалектология бирор миллий тил таркибидаги маҳаллий диалект ва шеваларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг адабий тилдан ва бир-биридан фарқларини, шеваларнинг адабий тилга бўлган муносабатини, унинг адабий тилни бойитишдаги аҳамиятини, шунингдек ўрганилаётган шеваларнинг қандай гуруҳларга бўлиниши қабиаларни ўрганади.

Ўзбек диалектологияси ўзбек тилида мавжуд бўлган ҳамма диалект ва шеваларни ўрганади. У фақат Ўзбекистон ҳудудидаги шеваларнигина эмас, балки бошқа ҳудудларда (Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон ва бошқалар) жойлашган ўзбек тилининг турли диалект ва шеваларини ҳам текширади.

Ҳозирги замон миллий тилининг тузилиши мураккаб бўлиб, бир томонда қайта ишланган, сайқал берилган адабий тил ва иккинчи томонда диалектлардан тузилган.

Шева ва диалектлар ўзаро ва адабий тилдан фонетик, морфологик, синтактик, лексик томондан фарқ қилиб умумхалқ тилини ташкил қилади.

Диалектология объектни қандай ўрганишига кўра иккига бўлинади:

а) тасвирий диалектология (диалектография);

б) тарихий диалектология.

Лаҳжа ва шеваларни тарихий жиҳатдан текширганда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёт йўллари ва ҳозирги ҳолатга етганга қадар қандай ривожланиш жараёнларини босиб ўтганлиги баён этиб берилади. Демак, шеваларни тарихий ўрганиш муҳим аҳамиятган эга. Чунки тил бир қанча даврларнинг маҳсуди бўлиб, у юзларча авлодлар томонидан яратилган.

Тарихий диалектологиянинг вазифаси — жамият аъзолари ўртасида алоқа воситаси бўлган умумхалқ тилининг уруғлар тилларидан қабиалар

тилларига ва, нихоят, халқ тилига ҳамда халқ тилидан миллий тилга томон бўлган тараққиётнинг ҳамма босқичларини ўрганишдан иборат.

Тарихий диалектология эса тилдаги турли хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврлардаги ўзгаришини аниқлайди.

Шеваларни ўрганиш тил турихи учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради. Адабий тилда аллақачон йўқ бўлиб кетган ёки маълум даражада ўзгариб кетган лексик элементлар ва айрим грамматик формаларнинг дастлабки кўринишлари маҳаллий шеваларда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан диалектология тил тарихини ўрганиш учун жуда аҳамиятлидир. Баъзи диалектал фарқлар энг қадимги даврларда пайдо бўлган.

Диалектал хусусиятларнинг баъзилари қадимда умуман бутун тилимизга хос эди, лекин баъзи шеваларда, хусусан адабий тилимизга асос бўлган шеваларда кейинчалик унутилган бўлиши мумкин. Уша хусусиятлар сақланган шеваларни ўрганиш ҳозирги адабий тилимиздаги кўпгина тил ҳодисаларига аниқлик киритади. Тил тараққиёти қайси йўналиш билан борганлигини кўрсатади. Тарихий диалектология тилнинг диалектал хусусиятлари билан бирга, шу хусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши, қардош тиллар билан муносабати ва шу шеваларнинг ташкил топишида қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг иштироки каиларни ўрганади.

Биринчидан, адабий тилда аллақачон йўқ бўлиб кетган ёки маълум даражада ўзгариб кетган лексик элементлар ва айрим грамматик формалар маҳаллий шеваларда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан деярли тил тарихини ўрганиш учун жуда қимматлидир.

Шунингдек, ўзбек диалектологияси ҳам ўзбек тили тарихини ўрганиш, унинг айрим грамматик формалари маҳаллий шеваларда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Унинг айрим ноаниқ масалаларини ёритиш учун асосий манбадир. Қадимда ёзма ёдгорликларнинг биз учун ноаниқ бўлган айрим хусусиятларини ҳозирги замон ўзбек шеваларининг хусусиятларини ўрганиш билан (шу шева материаллари ёрдамида) аниқлашимиз, тўлдиришимиз мумкин. Диалектларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам практик ахборотга эга. Шеваларни ўрганиш ўзбек адабий тилининг фонетик, лексик грамматик нормаларини белгилаш учун, шунингдек ўзбек орфографияси ва орфоэпиясини стабиллаштириш учун ҳам катта ёрдам беради.

Шеваларни ўрганиш халқ тарихи, этнографияси учун ҳам муҳимдир. Масалан, шеваларни ўрганиш орқали ўтмишдаги уруғ-қабилаларнинг жойлашиш ҳудудларини аниқлаш, топонимлар, гидронимлар ва шу каби номлар воситасида халқ тарихининг айрим картиналарини яратмоқ мумкин бўлади.

Иккинчидан, диалектология ўзбек тили ўқитувчиси учун аҳамиятлидир. Ўқитувчи ўқувчини тўғри ёзишга, унинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришига ёрдам бериши керак. Лекин турли ҳудуддаги ўқитувчилар нутқида маҳаллий шева хусусиятлари кўп учрайди. Ўқитувчиларга шева ҳатоларини тўзатиш учун ўқитувчининг ўзи маҳаллий диалект адабий тилдан қандай фарқланишини билиши керак ва чора кўриши лозим. Баъзи фонетик жараёнлар масалан, к билан тутаган сўзга эгалик аффикси қўшилганда, к ўзгариши ва ўзгармаслиги каби.

Тасвирий диалектология ёки диалектография маҳаллий лаҳжа ва шева-ларга хос фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат бойлигининг ҳозирги ҳолати, унинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги мавқеи ҳақида тўлароқ маълумот берилади. Бунда айрим фонетик ўзгаришлар ва жараёнлар, грамматик шакл ва қўшимчаларнинг қандай юзага келганлигини, улардаги ўзгаришларни тарихий жиҳатдан текириш тадқиқотчининг асосий диққат марказида бўлмайди. Шева ва лаҳжаларнинг ҳозирги ҳолатини текширганда, айтиш вақтида мавжуд бўлган шевалар вакиллариининг оғзаки нутқи ва ўша аҳоли орасида кенг тарқалган турли халқ оғзаки ижодиёти материалларининг тилини текшириш учун асос қилиб олинади. Чунки халқ оғзаки ижодиётида ҳам кўпгина шеваларга хос хусусиятлар сақланган бўлади. Шунингдек, тарихий фактларни ўзида акс эттирувчи анъанавий шевалар вакиллариининг нутқларини ўрганиш ва уларни ҳисобга олиш ҳам фойдалидир.

Шева, диалект ва лаҳжа терминлари. Ўзбек диалектологиясида мавжуд бўлган илмий адабиётларда шева, диалект ва лаҳжа терминларининг турлича қўлланилиб келганлигини кўрамиз.

Ўзаро баъзи фарқларга эга бўлган шевалар бирлашиб диалектни ташкил қилади. Икки ёки бир неча диалект биргаликда миллий тил асосига олинади. Шундай қилиб, шевалар бир-бирига жуда ҳам яқин ва жуда ўхшаш бўлган ҳолда тилимизнинг энг кичик бирлигини ташкил этади.

Шева — аслида форсча сўз бўлиб, овоз, тил, сўзлашиш, одат, йўсин, равиш каби маъноларни билдиради. Шевалар ўзбек тилининг ўзига хос баъзи бир фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларга эга бўлган кичикроқ бир қисми бўлиб, ўзларининг жуғрофий ўринлари билан бир-бирларидан ажралиб туради.дир.

Шева — энг кичик бўлган кичикроқ ҳудудда жойлашган сўзловчиларнинг тилидир.

Бошқача қилиб айтганда, бир тилда сўзлашувчи кишилар бир-бирлари билан сўзлашганларида нутқда фонетик, грамматик ва лексик фарқлар тўққинлик қилмаса, у бир шева ҳисобланади. Шеробод (катагон, гиламбоп шевалари).

Лаҳжа. Лаҳжа аслида арабча сўз бўлиб, ифода, сўз, шева, овоз каби маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Ўзбек диалектологиясида лаҳжа шевалардаги асосий хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндисини билдиради. Бу эса лаҳжа атамасининг кенг маънода қўлланилишидир. Масалан, ўзбек тилининг қарлук-чигил-уйғур лаҳжаси, қипчоқ лаҳжаси, ўғуз лаҳжаси.

Демак, лаҳжалар миллий тилнинг қуйи босқичи бўлиб, унинг йирик таркибий қисмларини ташкил этади. Лаҳжалар ўзининг грамматик қурилиши ва луғат бойлигига эга бўлиши билан ижтимоий жаргонлардан тубдан фарқ қилади. Лаҳжалар ўртасидаги фарқли томонлар фонетика, грамматика ва луғат таркиби доирасида ҳозирги вақтда ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Лекин бу фарқлар кескин бўлмайди. Лаҳжа атамасининг баъзан тор маънода, яъни шева маъносида қўлланилиши учрайди.

Русча лингвистик адабиётларда шевалар йиғиндиси маъносида наречие (лаҳжа) термини ҳам қўлланади.

Бир хил хусусиятига эга бўлган турли жойларда жойлашган шевалар йиғиндиси лаҳжа дейилади.

Диалект. Диалект лотинча сўз бўлиб, шевага нисбатан кенг маънода қўлланилади. Адабий тилдан ўзининг баъзи бир хусусиятлари (фонетик, лексик, грамматик) билан айрилган бирор тилнинг йирикрок бўлагига диалект дейилади. Масалан, Самарканд-Бухоро диалекти, Жанубий Хоразм диалекти, желанувчи диалектлар.

Демак, диалект тилнинг энг кичик бўлаги саналган шеваларнинг бир қанчасини ўз ичига олади, яъни у шеваларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Баъзан диалект термин тор маънода, шева маъносида ҳам қўлланилади. Тошкент диалекти, Фарғона диалекти каби.

Диалект маълум ҳудудда жойлашган шевалар йиғиндисидир.

Демак, диалект термини кенг маънода («наречие» – шевалар йиғиндиси маъносида) ҳам, тор маънода (говор – шева маъносида ҳам қўлланаверади).

Диалектологиянинг асосий вазифаси. Диалектология фанининг объекти маҳаллий диалект, лаҳжа ва шевалар бўлиб, мақсади ва вазифаси қуйидагилардан иборат:

1) айрим шева ва диалектларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларини ҳар томонлама ёзиб чиқиш;

2) миллий тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида шеваларнинг тутган ўрни ва шу миллий тилга асос бўлган шеваларни аниқлаш;

3) шеваларнинг ўзаро муносабатини, шунингдек, уларнинг адабий тил ва қардош тилларга бўлган муносабатларини белгилаш;

4) ўхшаш хусусиятларига кўра шеваларнинг тарқалиш чегарасини аниқлаш;

5) умумий ўхшаш лингвистик хусусиятларини белгилаш асосида шеваларнинг маълум ҳудудда тарқалиш атласларини тузиш ва шеваларни тасниф қилиш.

Ўзбек тилининг мураккаб диалектал таркиби

Профессор Е.Д.Поливанов асримизнинг биринчи чорагидаёқ Ўзбек тили кўп шевалиги билан бошқа туркий тиллардан ажралиб туриши ҳақида ўзининг илмий ишларида маълумот берган эди. Профессор В.В.Решетов ўзбек тили диалектал картасининг ранг-баранглигини унинг этногенезидан кидириш лозимлигини уқтиради. Қадимда туркий уруғ ва қабилалар миқдори анча кўп бўлган. Улардан ўзбек тили ва унинг шевалари шаклланишида қарлук, чигил, уйғур, кипчак, ўғуз уруғлари, қангли, қатағон уруғ ва қабилалар бирлашмаларининг тарихий тараққиёти катта роль ўйнаган. Ўзбек тили диалектал таркиби ўзига хослигига қадимги уруғ ва қабилалар тилининг турли ҳудудларда алоҳида шу уруғ ва қабилаларнинг мустақил яшашлари муҳим аҳамият касб этган бўлса, айни замонда ўзбек тили бошқа тиллардан ажралиб мустақил тараққий эта бошлаган даврдан бошлаб, унга туркий ва эроний тилларнинг таъсири ҳам бўлган. Жумладан, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларига (Хоразм шеваларига) туркман тилининг, шимолий ўзбек шеваларига козоқ тилининг, Қирғизистондаги ўзбек шеваларига қирғиз тилининг, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Сарийосиё ва Тожикистондаги ўзбек шеваларига тожик тилининг таъсири кучлидир. Шу туфайли ҳам бу шевалар

бошка шевалардан фаркланиб қолмоқда ва ўзига хосликни вужудга келтирмоқда. Аввалги сатрларда айтилганидек, ўзбек шевалари йирик учта лаҳжани камраб олган, лекин ҳар бир лаҳжа орасига баъзан қатъий чегара қўйиб бўлмайди, яъни аксарият шевалар айтиб бир тил қонуниятларига амал қилиши мумкин, масалан, сингармонизм ҳар учала лаҳжада учрайди, шунингдек, унлиларнинг бирламчи чўзиқликлари қарлук ва ўғуз лаҳжаларида ҳам қайд қилинади ва ҳ.к.

Ўзбек диалектологиясининг тилшунослик ва бошқа фанларга алоқадорлиги. Ўзбек диалектологияси тилшунослик фанларидан бири сифатида, аввало, «Ҳозирги ўзбек тили» фани назарий маълумотларига таянади, қолаверса, «Қадимги туркий тил», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», «Ўзбек адабий тили тарихи» фанларига ҳам асосланувчи маълумотларни беради, ҳам уларнинг назарий ва амалий материалларига асосланади. Тўғри, тилшуносликнинг бу фанлари ўқув режаларидан кейинги курсларда жой олган, демак бу фанлар бўйича назарий, амалий маълумотларни олиш ўзбек диалектологияси бўйича тегишли мавзуларни мустақил тайёрлаш жараёнида, улардан қўшимча маълумотлар олиш чоғида ўрганиб борилади.

Ўзбек диалектологияси география фани билан узвий алоқадор, яъни ҳар бир шева ҳақида маълумот тўплаганда, шу шева вакиллари жойлашган ҳудуднинг қўлами, аҳолисининг миқдори, шу ҳудуд иклими ва бошқа маълумотлар ҳам тўпланади, яъни географик муҳити ҳам ёритилади. Шунингдек, ўзбек диалектологияси ўзбек халқи тарихи, адабиёти, этнографияси, санъати фанларининг маълумотларига ҳам таянади ва улар учун бой материал беради.

Ўзбек диалектологияси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлган фандир. Бу фан бўйича олинган назарий билимлар кейинги курсларда ўтиладиган фанларга назарий асос бўлиб хизмат қилса, айтиб қўйиш керак, тил ва адабиёт ўқитувчиларини ўзбек шевашунослиги билимлари билан қуроллантириб, ўз фаолиятида диалектал хатолар устида ишлаш учун амалий аҳамият ҳам касб этади, яъни ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқида учрайдиган диалектал хатоларнинг манбаларини белгилаб, тўғри йўл танлашга ёрдам беради.

Ўзбек шеваларини ўрганиш методлари. Ўзбек шевалари ҳозирга қадар ўзбек адабий тилига қиёсан ўрганиб келинди ва бунда тавсифий ва қиёсий методдан фойдаланилган. Бу методда шеваларнинг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятлари кенг миқёсда ўрганилди ҳам бой материал тўпланди. Ўзбек шеваларини ўрганишда XIX асрнинг охирида пайдо бўлган қиёсий-тарихий методдан ҳам фойдаланилган. Бу методда қўра ўзбек шевалари материаллари «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», Алишер Навоий асарлари тилига қиёслаб борилган, лекин бу метод асосий метод ҳисобланган эмас, балки таҳлил талаб ўринлардагина ва айрим тил тарихига оид мақола ва асарларда учраб туради. Шунингдек, ўзбек диалектлари фонематик тизимини систем метод орқали ўрганиш ҳам тажриба қилинди. Жумладан, ўзбек тили бирликларини вариант – вариант муносабатида ўрганиш жараёнида ўзбек шевалари фонологик тизими ҳам систем жиҳатдан таҳлил қилинган ишлар юзга келмоқда.

ТРАНСКРИПЦИЯ

РЕЖА:

1. Транскрипция ҳақида умумий маълумот.
2. Унли товушларда қўлланидиган транскрипцион белгилар.
3. Ундош товушларда қўлланидиган транскрипцион белгилар.
4. Диакритик белгилар.

Транскрипция. Транскрипция диалект ва шеваларда учрайдиган товушларнинг турли кўринишларини ёзувда ифодалаш учун қўллайдиган маълум белгилар тизимидир. Тил товушларини аниқ ифодалаш учун хизмат килган ёзув – транскрипция (лотинча *transcription* – кайта ёзиш) деб аталади.

Транскрипция учун у ёки бу халқ истеъмолидаги лотин, рус, ўзбек алфавити каби) традицион алфавитдан ўрни билан маълум бир ўзгаришлар киритиш орқали фойдаланилади. Шунинг учун ҳам транскрипцияда белгилар сони ўзига асос бўлган алфавитдаги ҳарфлар сонидан кўп бўлади.

Транскрипция икки хил бўлади:

1. **Халқаро транскрипция.** Бу транскрипция лотин алифбосига асосланади.

2. **Миллий транскрипция.** Бу ҳар тилининг амалда бўлган ёзув тизимига асосланади. Ўзбек шеваларини ёзиб олишда қўлланидиган транскрипцион тизим профессор В.В.Решетов томонидан ишлаб чиқилган ва у рус алифбоси асосида ўзбек графикасига асосланади, лекин ўзбек диалектологлари гарчанд В.В.Решетов транскрипциясига асослансалар-да, шеваларни ёзиб олишда ҳар доим ҳам унга тўла риоя қилмайдилар, чунки шевалардаги товушларни белгилашда ҳар бир тадқиқотчи маълум даражада эркинликка эришишларига рухсат этилади.

Транскрипция тил тарихини ўрганишда ҳам қўлланилади. Бунда ёдгорликларда у ёки бу товушнинг талаффуз меъёрини белгилаш заруриятидан келиб чиқади.

Транскрипциянинг **фонетик транскрипция, фонематик ёки фонологик транскрипция** каби турлари бор.

Маълум бир мақсад учун турли соҳалар бўйича ишлатиладиган транскрипцияларнинг аниқлик даражаси бир хил эмас.

Лингвистик асарлар (қиёсий ва тарихий грамматикалар, этимологик луғатлар, турли тил матнларидан намуналар ва шу кабилар) ни нашр этганда транслитерациядан фойдаланишса ҳам, кардош тилларнинг фонетикаси киёс қилинганда, диалектологик ишларда ва диалектология фанида фонетик транскрипциядан фойдаланилади. Халқ оғзаки ижодиёти ёдгорликларини нашр этганда мавжуд алфавитдан фойдаланилса, бу ёдгорликлар диалектал кимматини йўқотади. Шунинг учун уларнинг талаффуз хусусиятларини мумкин қадар сақлаш мақсадида фонетик транскрипция қўлланади.

Транскрипция чет тили ва она тили орфоэпиясига оид ишларда ҳам кенг қўлланади.

Моҳият жиҳатидан энг аниқ транскрипция фонетик транскрипциядир. Бу транскрипция умумий ва хусусий фонетика, шу катори экспериментал

фонетика ютуқларига асосланади. Тиллардаги нутк товушларини фонетик транскрипция учун танланган алфавит орқали ифода қилиб бўлмаса, бошқа тиллар алфавитидан ҳарфлар олинади ёки ҳарфлар ёнига, устига, остига, ичига диакритик белгилар орттирилади. Фонетик транскрипциянинг вазифаси – тилда мавжуд бўлган ҳамма товушларни ёзувда акс эттиришидир. Фақат фонемаларнигина ҳисобга олиш учун ишлатиладиган транскрипция – фонологик транскрипция дейилади.

Транслитерация. Бирор тилининг ёзма ёдгорликларини ёки маълум бир матнни (масалан, араб алифбосида ёзилган эски ўзбек тили ёдгорликларини) нашр этишда шу ёдгорликларнинг ёзув системасини бошқа тил ёки ёдгорлик босилаётган халқнинг мавжуд ёзув системаси орқали ифодалаш транслитерация деб аталади. Демак, транслитерация – бирор ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан алмаштириб ифодалаш усулидир.

Транскрипциянинг тузилиши. Тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилган латин алфавити асосида тузилган транскрипция халқаро фонетик алфавит (Международный фонетический алфавит – МФА) номи билан юритилади.

Рус графикаси асосида тузилган транскрипциялар туркшунос ва русшуносларнинг ишларида кенг тарқалган бўлиб, транскрипция белгиларини қўлаганлар, лекин ўзбек тилининг диалект ва шеваларини ўрганган турколог ва ўзбекшунослар ўз илмий ишларида турлича транскрипция белгиларини қўлаганлар. Баъзилари латин алфавитидан фойдаланган бўлса (Е.Д.Поливановнинг ишларида), баъзилари рус графикаси асосида тузилган транскрипциялардан фойдаланган (А.К.Боровков, В.В.Решетовлар)

Шеваларда учрайдиган ҳар бир товушни ифодалаш учун транскрипцияда айрим белги олиш талаб қилинади. Аммо шунини айтиш керакки, мавжуд транскрипция системалари бу талабга тўлиқ жавоб бера олмайди. Айрим ҳолларда босмаҳона имкониятларини ҳисобга олиб, бир товуш учун 2 ҳарф ишлатилиши ҳам учрайди. Масалан: *нг* ва *дж* мустақил фонемаларининг 2 ҳарф билан берилиши каби.

Китобда ишлатилган транскрипция. Китобда ишлатилган транскрипция ситемасида ўзбек алфавитидаги *е, ё, ю, я* дан ташқари ҳамма ҳарфлар қўлланади. Ёлашган ҳарфлар транскрипцияда товушлар бирикмаси орқали қуйидагича берилади:

е - *йе, йэ, йс.*

ё - *йё.*

ю - *йү, йу.*

я - *йя, йа.*

Бошқа алфавитлардан (*ү, ө, э, ы*) белгилар олинди. Булардан *ү* ва *ө* белгилари шу унлиларнинг олдинги қатор эканлигини, юмшоқлигини кўрсатади. *гүл, көл* каби; (*э*) эса умум ўзбек шеваларига хос бўлган олдинги қатор кенг унли товушни ифодалайди: *лэттэ, эрэвэ.*

Транскрипцияда ундош товушларнинг юмшоқлиги ҳам алоҳида белги билан ифодаланади. Масалан, *л'* - юмшок *л.*

Унлилар. Унли товушларни ифодалаш учун қуйидаги транскрипцион белгилар олинган:

Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра		Олдинги катор (тил олди)		Индефферент оралик товушлар		Орка катор тил орқа	
Лабнинг иштирокига кўра		Лаблан-маган	Лаблан-ган	Лаблан-маган	Лаблан-ган	Лаблан-маган	Лаблан-ган
Тилнинг кўтарилиш даражасига кўра							
Юқори кўтарилиш		и	ү	(ъ)		ы	у
Ўрта кўтарилиш	Юқори ўрта кўтарилиш		ө		(ў)		о
	Қуйи ўрта кўтарилиш	е					
Қуйи кўтарилиш		э				а о	

Демак, унлиларнинг турли вариантларини бериш учун транскрипцияда 15 та белги олинган. Бу белгилар орқали ўзбек диалект ва шеваларида учрайдиган унли фонемаларни ифодалаш мумкин.

2. Унли товушларда қўлланиладиган транскрипцион белгилар. Лотин графикаси асосидаги халқаро фонетик транскрипция ҳам ишлатилади. а, ä ү, (ы) і (и) о, ö, и, ü, е каби.

Унли товушлар барча тилларда ҳам кўп киррали бўлиб, у ўзбек шеваларида айниқса физиологик жиҳатдан ранг-барангдир. Унлиларни ифодалашда қуйидаги белгилардан фойдаланилади:

а — умумтуркий орқа катор, сингармонизмни сақлаган барча ўзбек диалект ва шеваларига хос унли, сингармонизмни йўқотган шеваларда эса турли ўзгаликларга эга. Байналминал сўзларда рус тилидаги а товушига мос келади.

ә — аксарият туркий тилларда мавжуд, олд катор, қуйи-кенг, лабланмаган а унлиси. Барча ўзбек шеваларида қўлланади.

о — орқа қатор, қуйи-кенг, қисман лабланган. Шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларда кенг қўлланади.

е — олд қатор, ўрта кенг, лабланмаган, барча ўзбек шеваларида қўлланади.

э — олдинги катор, лабланмаган очик е унлиси; бу товуш акустик жиҳатдан е га яқин бўлса-да, унинг очик варианты эмас. Бу товуш баъзан русча (этот сўзидаги каби) э га мос келади, масалан, кипчоқ шеваларида: экә вийәм, эчки каби.

ё — олдинги катор, лабланмаган э унлисининг очик варианты; акустик жиҳатдан э ва ё ўртасидаги товуш, масалан, Иқон.кэл, Хоразм. гэл, Наманг. нъмесь, бelyғ каби.

о — одатдаги орқа қатор, лабланган туркий о унлиси. Масалан, кипчоқ, сом, колыны, кой// адабий орфографик, сўм, қўлини, қўй.

ө — одатдаги олд қатор, лабланган туркий о унлиси. Масалан, кипчоқ, көмүр, гөр, сөйлә, көз// ад.орф. кўмур, гўр, сўзла, кўз. Сингармонистик ўзбек шеваларида ҳамда қозок, қирғиз каби туркий тилларда ө унлиси алоҳида фонема сифатида ишлатилади. Сингармонизмни йўқотган ўзбек шеваларида

эса **о** га якин комбинатор вариантларигина бор, солиштиринг, **қўл/қол/қўл/қол** каби.

ў – лабланган, индифферент товуш. Тилда **ъ** каби [**о х о**]нинг^о конвергенцияси (бирлашиши) натижасида ҳосил бўлган. **о** ва **о** ўртасидаги бу товуш сингармонизмни йўқотган шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларда нормал фонема ҳисобланади.

и – одатдаги туркий олдинги қатор, лабланмаган и унлиси. Сингармонистик шеваларда фонема сифатида, сингармонизмни йўқотган **о** – ловчи шеваларда эса турли фонетик шароитлардагина учрайди.

ы – орка қатор, юкори-тор, лабланмаган, чўзикрок талаффуз қилинади. Сингармонизмни ўзбек шеваларида талаффузда бор.

ъ – ндифферент лабланмаган товуш, у ўзининг келиб чикниши жиҳатидан олдинги қатор **и** ва орка қатор **ы** унлиларининг бирлашиши (конвергенцияси) дан ҳосил бўлган; **и** ва **ы** ўртасидаги бу индифферент товуш шаҳар шеваларида ва шаҳар типидagi кишлоқ шеваларининг кўп қисмида мустақил фонема сифатида учрайди; масалан, Тошк., Қўқон, Анд., Марғ. ва шу каби шеваларда: **къшъ**, **ъккъ**, **бъз**, **бъл**/ад.орф. киши, икки, биз, бил каби.

ъ – унлисининг қисқа талаффуз қилинадиган варианты, орка қатор, юкори тор, лабланмаган.

ь – турғун орка қатор индифферент **ъ** унлиси; аммо **ы** товушига тенг эмас. Шаҳар шеваларида ва шаҳар типидagi шеваларда чуқур тил орка **к**, **ғ**, **х** товушлари билан ёндош келганда учрайди, масалан, Тошк., Марғ., Анд. ва шу каби шеваларда **къз**, **кърк**, **къш.пыш(т)**, **мъх**; Туркистон шевасида бу товуш Тошкент, Фарғона шеваларидаги каби **ъ** фонемасининг комбинатор варианты эмас, балки алоҳида фонема ҳисобланади: **къзлар**, **чъктъ** каби.

у – орка қатор, юкори-тор, лабланган, туркий у унлиси. Барча ўзбек шеваларида қўлланади.

ү – олд қатор, юкори-тор, лабланган, туркий ү унлиси. Бу товуш сингармонистик ўзбек шеваларида ҳамда қардош қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий тилларда мустақил фонема сифатида ишлатилади. Сингармонизмни йўқотган ўзбек шеваларида **ү** га якин комбинатор варианты мавжуд, солиштиринг: **кул(қўл)** ва **кул(к ўл)** каби

Товушларнинг миқдори. Товушларнинг миқдори (узунлик, қисқалик) жиҳатидан ўзгаришларини ифодалаш учун қуйидаги белгилар олинган:

1. **и, ъ, ь, у, ү** – юкори кўтариш унлиларининг сифат жиҳатидан ўзгариши (редукциясига учраши) Масалан, Тошк., Марғ. **б{ъ}р, б{ь}р** эв – физик нуқтаи назардан **бр, брѳвга** тенг.

2. **и, ъ, ь, ы, у, ү** ~ (курсив билан) – кучсиз ва шу билан бирга жуда қисқа унли товушлар.

3. **и, ъ, ь, ы, у, ү** – миқдор жиҳатдан фарқланмайдиган табиатига кўра қисқа унли товушлар.

4. **и; ъ; ь; ы; у; ү** (белгидан кейин бир нуқта) – айрим позицион ҳолатларда ҳосил бўладиган сал чўзиқ унлилар.

5. **и; ъ; ь; ы; у; ү; о; э** (белгидан кейин 2 нуқта) – баъзи шеваларда учрайдиган **къз** биринчи даражали (бирламчи) чўзикликни ифодаловчи ёки кўпчилик ўзбек шеваларида учрайдиган **шэ:р//шэ:эр// ад. -орф. шаҳар** каби)

бирор товуш ҳисобига бўладиган иккинчи даражали (иккиламчи) чўзикликни ифодаловчи олатдаги узун унли товушлар.

6. и::, ь::, ы::, ы::, у::, у:: белгидан кейин бир неча 2 нукта) фонетик ўта чўзикли (эмфатик чўзиклик).

Дифтонглашган унлилар. Сўз бошида дифтонглашган э, о, ө унлилари куйидагича транскрипция қилинади:

1) дифтонглашишнинг максимал даражаси — йэ ёки иэ; **үө, уо** каби ифодаланади. Масалан, қипчоқ **йэшки, үөлсэ, үөлсэ, үөттү, үөша**//ад.орф. эчки, ұлса, ұтди ұша.

2) дифтонглашишнинг сусайиши (кучсизланиши) — (й) э ёки (и) э: **(у)о, (ү)ө** каби ифодаланади. Мас., **(ү) өз, (ү) өттүз (у) от**//ад. орф. ұз, ұтгиз, ұт.

ий, ый, үв, ув типдаги дифтонгсимон товуш бирикмалари баъзи ўзбек шеваларида **и, ы, у** товушларининг чўзик варианты (**и:, ы:, у:**) эшитилса ҳам, кўпчилик ўзбек шеваларида фонетик жиҳатдан дифтонг характеридаги айрим товуш бўлмай, балки икки мустақил товушдан иборат бўлган товушлар бирикмасидир. Масалан, қипчоқ **кийди//ки:ди, окув//оку:, билүв~ билү:**

Ундошлар. Транскрипцияда **б, д, з, с, м, н, р, ы, с, т, ш**, ундошлари ўзича ишлатилади. Қолган белгилар куйидаги маънода қўлланилади.

в — лаб-лаб **в**, лаб-тиш **в** ундоши учраб қолса алоҳида изоҳлаш зарур.

й — русча **й** га нисбатан сиқикроқ талаффуз қилинадиган товуш. Немис тилидаги **j** ундошга тўғри келади.

ғ — чуқур тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

ғ' — чуқур тил орқа, портловчи товуш.

г — саёз тил орқа, портловчи товуш.

г' — **г** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **г**.

г' — тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

ж — русча **ж** га мос келадиган товуш

дж — аффрикат (қоришиқ) товуш

қ — чуқур тил орқа, портловчи товуш

к — саёз тил орқа, портловчи товуш.

к' — **к** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **к**.

л — тил орқа **л**

л' — тил олди юмшоқ **л**

нг — тил орқа бурун товуши

н' — **нг** дан кўра саёзроқ товуш, юмшоқ **нг**

нг^к — **к** кушиб талаффуз қилинадиган **нг** товуш.

ф — лаб-лаб **ф**. Лаб-тиш **ф** ундоши учраб қолса алоҳида изоҳлаш зарур.

чш — аффрикат (қоришиқ) товуш.

т — қипчоқ шеваларида аффрикат **ч** товуши талаффузида **узини** ташкил қилган қисми **т** ва **ш** га ажраб кетади ва шундай талаффуз қилинади. Бундай чоғда икки белги орқали (сўнггиси кичикроқ) ифодалайди. **т^ш**

х — чуқур тил орқа, фрикатив (сирғалувчи) товуш

х' — **х** дан кўра саёзроқ, фрикатив (сирғалувчи) товуш.

к^х — чуқур тил орқа, аффрикат (қоришиқ) товуш: **к** ва **х** фонемаларини кам фарқ қиладиган шеваларда учрайди.

х — бўғиз товуши немис тилидаги **ch** ундоши каби талаффуз этилади.

3. **Мос ҳодисалар** – умуммиллий тил тизимининг звено (аъзо) лари бўлиб, ҳар хил диалектларда ўзининг турли бўлаклари (аъзолари) билан иштирок этгани ҳолда шевачилик фарқларини вужудга келтиради. Шунга кўра мос ҳодисалар ҳар вақт икки аъзоли ва кўп аъзоли бўлади. Масалан, **Эна, Эйъ, Эпэ, Эйэ, Быйъ, Бувъ** каби шевалараро фарқланиб, **Ўзбек** адабий тилидаги она (**туққан она**) тушунчасини билдиради.

4. **Ареаллар** – лотинча *arealis* сўзидан бўлиб, майдон, бўшлиқ маъноларини билдиради. Мос ҳодисалар айрим бўлакларининг лингвистик картада тарқалиш зонасини, яъни тилнинг диалектал фарқланишини англатади.

5. **Лингвогеографик** карталар ва карталаштириш – лингвогеографик тадқиқотнинг асосий нуктаси. Синхроник тадқиқот натижаси ҳисобланган лингвистик картада тил тарихининг ҳамма даври **Ўз** аксини топиши мумкин. Карталаштириш – тил ҳодисаларининг ҳудудга тарқалишини тасвирга (картага тушириш). Жонли тилдаги ҳар бир лингвистик ҳодиса ўзининг тарқалиш чегарасига, ўз ҳудудига эга. Шу ҳудуд, чегарадаги сўз – изогласса, изофонема ва изоморфемаларни график шаклда қоғозга туширишдан иборат.

6. **Тил ландшафти** – дейилганда бирор тил учун маълум бўлган изоглассалар йиғиндиси ва уларнинг шу тил ҳудудига жойлашиш характери тушунилади.

7. **Айрим зона** – бир тил ёки диалект ичида бошқа бир тил ёки элементларининг мавжуд бўлиши. Ўзбек шеваларида тожик тили элементлари аралашган зоналарнинг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудига барқарорлиги аралаш зона саналади.

8. **Инновация маркази** – у ёки бу тил ёки шеваларининг маркази. Масалан, **-вэг-, вуз (бэвэгтть, келэвуза)** маркази Тошкент шаҳар шеваси бўлиб, бу ўша инновация марказидан бошқа атроф шеваларга тарқалган.

9. **Ипродияция** – ҳодисанинг тарқалиш тушунчаси бўлиб, ареалнинг характерли белгиларидан бири. Масалан, ўрин-пайт келишиги кўшимчаси **-да** Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё шаҳар тип шеваларига адабий тил таъсирида тўсикларга учрамасдан кириб бориш йўли билан тарқалган. Лекин қаратқич келишиги кўшимчаси **(-нинг)**нинг кириб бориши айтирли натижа бермаётир. Чунки адабий тилга асос бўлган шаҳар шевалари талаффузида **-нинг** кўшимчаси мавжуд эмас.

Тил ҳодисалари, диалектал ҳодисаларни тадқиқ қилишда қўпинча ёндош тиллар ва уларнинг шевалари материаллари билан солиштирамиз. Бу тўғри усул бўлиб, қшни тиллар ва шевалардаги лингвистик ҳодисалар бир-бирига доимо ўтиб туради.

Лингвистик географиянинг жаҳон тилшунослигида пайдо бўлиши ва асосчилари

Лингвистик география XIX асрнинг ўрталарида, диалектологик қузатишлар ривожланган, диалектологлар, диалектлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида етарли фактик материаллар тўпланган жойларда пайдо бўлади. Лингвистик география юзасидан олиб борилган биринчи тажрибалар – тилни бу янги метод орқали ўрганиш қанчалик натижалли эканини кўрсатди. Лингвистик география тилшунос олимларга янги фактлар берди ўз даврида турғун бўлиб қолган (масалан; диалектнинг моҳияти, шевалар орасидаги

ўзаро муносабатларнинг характери ҳақидаги) тушунчаларни янгича баҳолашга, янгича ҳал қилишга даъват этади.

Тилшуносликдаги бу янги йўналиш (лингвистик география)нинг ривожда, диалектологик фикрнинг кейинги тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Европа лингво-географияларнинг белгили хизматлари бор. Лингвистик географиянинг асосчилари: Францияда Жан Жильерон, Германияда Георг Венкер, Ф.Вреде, П.Мейерлар, Россияда И.И.Срезневский қабилар.

Мазкур олимларнинг асарлари туфайли лингвистик географияни фан сифатида асосий ўрни, предмети ва вазифаси белгиланди, шу билан бирга у ёки бу тил ходисасининг ҳудудий тарқалишини кўрсатувчи лингвистик картага тушурилган белги – «изоглосса» (изофонема – фонетик белги, изоморфема – морфологик белги, изоглосса – лексик белги) тушунчаси киритилди.

Россияда лингвистик географиянинг пайдо бўлиши ва ривож И.И.Срезневскийнинг номи билан боғлиқ. И.И.Срезневский ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ бу соҳани ўрганиш ва ривожлантириш масаласини қўйди ва бу янги соҳанинг ўрни ва вазифаларини белгилловчи асарлар яратди.

Рус лингвистик географиясининг кейинги (XIX асрнинг охири XX асрнинг боши) тараққиёти акад. А.И.Соболевский ва академик А.А.Шахматов номи билан боғлиқ. А.А.Шахматов ўз текширувлари билан лингвистик география тараққиётига улкан ҳисса қўшибгина қолмай, балки рус диалектологларининг бу соҳадаги илмий – тадқиқот ишларини ташкил этишда ҳам бош бўлади.

Кейинчалик рус шеваларини лингво – географик метод билан ўрганиш соҳасида академик Корш бошлиқ Москва диалектологик комиссияси (кейин диалектографик комиссия) катта ишлар қилади.

1935 йилда собиқ СССР Фанлар Академияси «Рус тили атласи»ни тузишга киришди. Бу даврда тилшунослардан Б.А.Ларин, Ф.П.Филин бош бўлган диалектологлар группаси мазкур атласни яратиш планини, сўроқлигини туздилар ва бу атлас учун материал тўплаш ишларини уюштирдилар.

1944 йилда тилшунослардан Р.И.Аванесов ва Б.А.Ларин бошчилигида «Рус диалектологик атласини тузиш бўйича материаллар тўплаш программаси» яратилди ва шу программа асосида рус диалектлари атласини тузиш ишлари бошланди. 1951 йилда «Москва шарқидаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» тугалланди ва у 1957 йилда нашр этилди. Ҳозирги кунда барча рус тили шевалари бўйича материаллар тўплаш, тўпланган материалларни карталаштириш тугалланган.

Лингвистик география методи билан шеваларни ўрганиш Украина ва Белоруссияда, Грузия ва Озарбайжон, Туркменистон ва Қозоғистонда ҳам ҳам яхши ривожланган бўлиб, бу мамлакатларда шевалар атласини тузиш тугалланди ва нашр этилди.

МДХда тузилган энг муҳим диалектологик атласлар – «Москва шарқидаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» (1957 йили нашр этилган), «Шимолий-ғарбий областлар рус халқ шевалари атласи» (нашрга тайёрланган) ва республикаларда нашр этилган «Украин тили халқ шевалари атласи», «Белорусь тили халқ шевалари атласи ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистонда эса лингво-географик метод билан шеваларни ўрганиш 1940 йилларда бошланди ва бу соҳада иш давом этмоқда.

Диалектологик атласлар. Бирор тил ёки диалектга хос характерли лингвистик хусусиятларнинг тарқалиш чегарасини акс эттирган альбом ёки китоб шаклида нашр қилинган карталар йиғиндиси диалектологик атлас дейилади.

Диалектологик атласлар бирор халқ тили ва халқ тарихини, унинг миллат бўлиб шаклланишини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Диалектологик атласларнинг дастлабки намуналари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яратилган.

Европада тузилган энг муҳим диалектологик атлас қуйидагилар: Венкер ва Вределарнинг «Немис тили атласи» (1876-1926 йиллар мобайнида яратилган); Марбургдаги немис диалектологияси марказий институти нашр этган «Немис лексикологик атласи»; Жильерон ва Эдмоннинг 12 жилдли «Француз тили атласи» (1902-1912 йиллар мобайнида яратилган); Яберг ва Юднинг 8 жилдли «Италия-швейцар атласи» (1928-1940) собик СССРда тузилган энг муҳим диалектологик атласлар «Москва шарқидаги марказий областлар рус халқи шевалари атласи» (1957); «Шимоли-ғарбий областлар рус халқ шевалари атласи» ва республикаларда нашр этилган «Украин тили халқ шевалари атласи», «Беларус тили халқ шевалари атласи ва бошқалар».

Ўзбек тилшунослигининг ҳали ёш соҳаларидан бири ўзбек диалектологияси ўзининг бошланғич этапи — диалектография босқичини ўтаб, энди у тўпланган бой материал — база асосида ҳозирги замон диалектологиясининг назарий масалаларини ишлаш, шу билан бирга лингвистик география масалалари билан шуғулланган босқичига ўтди.

Ўзбекистонда диалектологик ишларни бошқариб боровчи ягона илмий марказ Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Диалектология сектори ҳозирги вақтда, асосан уч йўналиш бўйича илмий иш олиб бормоқда. Булар: 1) ўрганилмаган ўзбек шеваларини монографик тадқиқ қилиш; 2) ўзбек шевалари луғатини тузиш; 3) ўзбек тили диалектал атласини яратишдир.

Ўзбекистон шеваларини монографик ўрганиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Бундай кузатишларнинг натижалари махсус монографиялар, мақолалар ва тўпламларда эълон қилинди. Айрим текширишларда келтирилган лексик материаллар ва экспедицияларда тўпланган материаллар асосида ўзбек шеваларининг луғати тайёрланди ва нашр этилди.

Ўзбек шеваларини лингвистик география методи билан ўрганиш иши 1944 йилда бошланган эди. профессор А.К.Боровков ўзбек тили шевалари атласини яратиш мақсадида «Ўзбек шева — лаҳжаларини текширишга донр савол-жавоблар» анкетасини тузди. Шу анкета асосида 1945-1950 йиллар мобайнида Фарғона водийси шеваларидан материаллар тўланди. Лекин ўша вақтларда республикада диалектологик ишларни бirlаштирувчи ягона марказнинг йўқлиги бу материалларни ишлаб чиқиш ва карталарга қўчириш имконини бермади. Орадан 20 йил ўтгандан кейин 1965 йилдан бошлаб, ўзбек шевалари хусусиятларини карталаштириш иши яна кун тартибига қўйилди. Маълум программа ва сўроқлик тузилди, шу асосда диалектал материаллар тўплана бошланди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, рус, украина, беларус ва шунингдек, бошқа туркий тиллар диалектологиясининг шевалар атласини яратиш соҳасидаги бой тажрибалардан ўрганган ҳамда бутун ўзбек жамоаси яшайдиган худуд бўйлаб тўпланган лингвистик материаллар маълум даражада ўзбек шевалари атласини тузиш учун шароит яратди.

Ўзбек диалектларини карталаштириш ишини профессор В.В.Решетов бошлаб берди. У Тошкент вилоятининг бир қисмини лингвистик текширди ва Оҳангрон воҳасидаги шеваларда учрайдиган фонетик, лексик ва грамматик фарқларни картага кўчирди. Ўзбек диалектологиясида биринчи марта ўзбек курама шеваларининг 49 та лингвистик картасини тузди.

Профессор В.В.Решетов ўзи ўрганган худуддаги изоглоссаларнинг тарқалишини ўрганиб, айрим шева вакилларининг этногенезини аниқлашга ва шунингдек, реал тил фактлари асосида курама шеваларининг аниқ таснифини беришга муваффақ бўлди. Тахминан 150 картадан иборат "Тошкент вилояти шевалари атласи"ни тузиш ишлари 1980 йилда якунланди.

Профессор В.В.Решетов тузган лингвистик карталарда куйидаги фонетик,грамматик ва лексик белгилар олинган.

Фонетика бўйича карта № 1 "дж"лаш ва "й"лаш джoқ~ жоқ ~йoқ; o лаш ва а лашнинг тарқалиши **№ 2** бар, бoр; **№ 3,4,5.** дифтонглашиш yөрдүк ~ yөрдәк ~ ордәк; вон ~ yон ~ он; **№ 6,7,8,11.** y//o//y//o, a//э, а//э, е //э унлиларининг ҳамда к//х, ч//ш ундошларининг алмашиниши; yй// oй, уй//oй; атлар//ййтләр//ийтләр; катын ~ қотын ~ хатын ~ хoтын ~ хатун ~ хoтун ~ хoтын; чай ~ чәй ~ чoй//шай ~ шәй; **№ 9,22.** сўз бошида х ва дж нинг спонтон пайдо бўлиши айвон ~ хайван ~ айвон; арра ~ харра; узум ~ джужум ~ узум; **№ 10.** сўз охирида тор унлилардан кейин к ва қ ундошларининг тушиши ёки сакланиши сарик ~ сари ~ сарук ~ сарик, кичик ~ кичи ~ кьчк; **№12,13,14.** унлилар орасида к,қ,п нинг ва сўз бошида т ундошининг жарангиланиши ак ~ ақш ~ ағыш, эк ~ экиш ~ эгип, қап ~ қапы~ қабы дийирман ~ тийирман ~ тегьрмән; **№15,16,17,18.** п> в, г> в, кк> й, г/г> й, нг> й ҳодисалари тап тапаман >таваман; таг> тав//тoғ> тoв, тегди~ тегдь> тийди ~тьидь, атангиз~ oтангыз>атайиз ~oтайыз; **№19** ак ~ oқ> ах ~ oх, көк~ көк>көх'~кох'; **№ 20, 21.** тўлиқ прогрессив ва регрессив ассимиляция куш шь< кушнь, оньям <орньм; **№ 23.** метатеза дайра~дарйа~дарйo каби ҳодиса лар карталаштирилган.

Морфология бўйича: № 24,25,26,27. Сўроқ юкламаси -мы//ми//мь//ма//мә, кўплик аффикси -лар//ләр//лә//нар//нәр//әр; қ.к.-нинг ва т.к.-ни аффиксларининг фарқланиши; **№28.** ж.к.-га нинг вариантлари -а,-ә -йя: атама~ атамға~oтәмгә, энәмә энәмгә,шаҳара, далайа; ж.к. даги шахс ва кўрсатиш оломшлари: менгә // мәнгә//маған, сeнгә//сәнгә//саған, унгә//уған;

№ 29. билан, кейин кўмакчилари: билән//минән//минәм//мән; кейин //сонг// соғра//соғун// сиғин;

№ 30-37. карталар феъл, сифатдош ва ҳаракат номлари формантлари нинг тарқалишига бағишланган. Уларда 1ш.кўпликдаги буйруқ-истак феъл ларининг ифодаланиши бoрайлув, бoрайльк, бoрайли, барали, бoрайнуk, бoрайнунг; ҳозирги-келаси замон феълининг ифодаланиши бoрамъз, бoравуз, барамиз; 1ш. кўпликдаги ўтган замон аниқлик феълининг ифодаланиши: бoрдик, бардук, бардық, бoрдьмъз, бoрдувuz. Конкрет ҳозирги замон

фёлининг ифодаланиши: бэрайпть, бэрайатир, бэралжатыр, бэрэtti, бэрэът, бэрэътть, бэрутть, бэрэътпть, барайатти, бэрэпту; -дъгэн//турган//туган//дъгэн бэрэдиган баратурган//боратуган, шунингдек -эри//ар//ур джэк//джак эсы//гусь формалари келэр, келур, келэджэк, кэлэсь, келгусь. Харакат номлари келмок, келыш, келув//керэк. Кўмакчи фёллarning ишлатилиши келэ элмэдъ, келэ билмэди ва бошқалар.

Лексика бўйича: № 38. мэйэк~ йимиртэ~ тухум; № 39. дуғава~ доғава //кэсэ~кэсэ; № 40. енэк~ ьнэк ~ьнэй//сигир ~сийир; № 41. там~ тэм//үй~ ой; № 42. бөлэ ~хэлэвэччэ; № 43. джездэ//пэччэ; № 44. чэқалэк//чақалак ~ бөбэк // бүвэк; № 45. чэкки ~сузма; № 46. кўррэ ~хотик; № 47. нүри~ гөнг ва шу каби сунгий суғорияшга оид терминлар, асбоб, хайвон, қуш, ҳашарот ва тана аъзоларининг номлари, кариндош-уруғ терминлари қаралаштирилади.

В.В.Решетов ўзи ўрганган ҳудуддаги изоглассаларнинг тарқалишини ўрганиб, айрим шева вакиллариининг этногенезини аниқлашга ва шунингдек, реал тил фактлари асосида қурама шеваларнинг аниқ таснифини беришга муваффақ бўлди.

1955 йилда М.Мирзаев “Бухоро вилоятидаги ўзбек шеваларини ўрганиш учун анкета”, 1964 йилда проф. А.Алиев “Наманган диалекти бўйича материал тўпловчилар учун анкета”, 1976 йилда профессорлар А.Ғуломов, А.Алиев, К.Назаровлар томонидан “Ўзбек тилининг маҳаллий шевалари бўйича материал тўпловчилар учун методик қўлланма” яратдилар.

Хоразм шевалари картасини проф. Ф.А.Абдуллаев, Бухоро группа шевалари картасини проф. М.М.Мирзаев, Наманган группа шевалари картасини А.Алиев, Қашқадарё группа шевалари картасини А.Шерматовлар тузиб чиқдилар.

Ўзбек халқ шевалари атласи ҳозирги замон ўзбек тили шеваларининг ранг-баранг хусусиятларини карталарда ифодалайди. Лингвистик карталарда кўрсатилган диалектал хусусиятлар ва уларнинг тарқалиши, тилшуносларга айрим тил ҳодисаларининг тарихий тараққиёти ва ўзбек миллий тилининг келиб чиқиши каби масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Шунингдек, атлас материаллари тарихчилар, этнографлар учун ҳам фойда лидир.

Ўзбек тили диалектологик атласи қуйидаги вазифа-мақсадларни кўзда тутди

1. Ҳозирги замон адабий тили маълум шеваларга таянади. У ўзининг имло ва талаффуз нормаларини, шунингдек, фонетик системаси, грамматик тузилиши, лексик таркибини нормалаштиришда асосан, Тошкент-Фарғона тип шеваларига асосланса ҳам, айрим ҳолларда бу шевалар материаллари адабий тил нормаларига мос келмайди. Диалектологик атласнинг объектив натижалари (хулосалари) бу масалага тўлиқ аниқлик киритади. Ҳақиқатан ҳам, шеваларга хос диалектал хусусиятларнинг бутун ўзбек тили ҳудудида тарқалиши ва унинг чегараларини фақат диалектологик атлас заминидagina муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

2. Диалектологик атлас материаллари ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукаммалаштиришга, уларга аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунингдек, ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник группаларнинг ўзаро алоқалари натижасида

руй берган жуда мураккаб этнолингвистик тараққиёт жараёнини ҳам белгилаб беради.

3. Адабий тил ва таянч шаҳар шеваларининг кундалик таъсири ўзбек халқ шеваларида тил фактларининг аралашуви ва текислаша бориш жараёнини тезлаштиради. Чунки ўзбек халқининг экономикаси ва маданияти мислсиз даражада юксалиши билан ўзбек адабий тилининг қўлланиш доираси кенгайди. Адабий тилнинг барча ўзбек шевалараро нормалаша бориши аста-секин диалектал нутқни қисиб, оғзаки – сўзлашув нутқ доира сига ҳам кириб борди.

4. Ўзбекистонда лингвистик географиянинг ривожлантирилиши.

Бу соҳа ўтган асрларда Европада яхши ривожланган. XIX асрда француз диалектологи Жан Жильерон бутун францияни велосипедда айланиб чиқиб, француз тилининг диалектал атласини яратган. Ўзбекистонда ҳам диалектологик атлас яратиш иши анча ривожланган. Бу соҳада Ш.Шоабдурахмонов, К.Мухаммаджонов, А.Жўраев, А.Шерматов, Й.Иброҳимовларнинг тадқиқотлари мавжуд. Академик Ш.Шоабдурахмонов Ўзбекистонда биринчи бўлиб шевалар атласини яратишнинг назарий қоидаларини ишлаб чиқди. Профессорлар К.Мухаммаджонов Шимолий ўзбек шеваларини, А.Шерматов Қуйи Қашқадарё шеваларини, доцент Й.Иброҳимов эса Орол бўйи ўзбек шеваларини карталаштирган.

Айниқса, ўзбек шеваларини лингво-географик метод асосида илмий тадқиқ қилишда А.Шерматов самарали ҳисса қўшди. У “Қашқадарё гуруҳ шевалари картаси”ни тузиб чиқди. Бу тадқиқот 167 карта билан ўз якунини топди.

Ўзбек диалектологлари ўз миллий тиллари атласини яратиш билан бирга “Туркий тиллар атласи” ни ҳам тузмокдалар. Бундай атласни тузиш академик В.М.Жирмунский ташаббуси билан бошланган эди. Унинг сўроқлиги ва программаси 1960-70 йилларда бир неча бор муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ҳар 3-4 йилда туркий тиллар атласини яратиш бўйича Халқаро миқёсда конференциялар, йиғинлар ўтказилиб турилмоқда.

Умумтуркий лингвистик атласнинг яратилиши, туркий халқлар тили ҳақида янги маълумотлар беради, қардош тилларнинг тараққиёти фикримизни кенгайтиради, унга илмий нуқтаи назаридан аниқликлар киритади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллий тил, умумхалқ тили ва адабий тил тушунчалари.
 2. Миллий тил ва адабий тилнинг ўзаро муносабати.
 3. Адабий тил ва маҳаллий диалектларнинг ўзаро муносабати.
 4. Ўзбек тили адабий тилининг уч диалект асосида ташкил топганлиги (қарлук – чигил – уйғур, қипчоқ, ўғуз) ва унинг баъзи хусусиятлари.
 5. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда рус туркологларининг иштироки.
- Миллий тил, умумхалқ тили ва адабий тил тушунчалари. Миллий тил, умумхалқ тили ва адабий тил тушунчалари тилнинг қирралари

(аспект)га оид тушунчалар бўлиб, улар ўзаро умумийликка эга ва бир-бирлари билан узвий боғлангандир. Лекин улар орасида ўзаро маълум даражадаги фарқ ва ўзига хос томонлар ҳам мавжуд.

Миллий тил тушунчаси умумхалқ тили тушунчасига барабардир. У ҳозирги даврнинг умумхалқ тилидир. Уларнинг фарқи шундаки, умумхалқ тили тушунчаси тил тараққиётининг ҳамма даврларига хос тушунча бўлса, миллий тил маълум даврга хосдир, яъни тил капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва миллатларнинг ташкил топиши даврида миллатнинг асосий бирлигини ташкил қилувчи сифатида юзага келган.

Демак, миллий тил тушунчаси юзага келишининг асосий шарты капиталистик муносабатларнинг юзага келиши ва миллат тушунчасининг пайдо бўлишидир. Бошқача қилиб айтганда миллий тил тушунчаси капитализм даврида юзага келади. Умумхалқ тушунчаси эса қадимдан мавжуд бўлиб, у ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва у ҳозирги вақтда миллий тил тушунчаси билан барабар қўлланади.

Миллий тил тушунчаси ҳозирги вақтда умумхалқ тили тушунчасига тенг келади ва кўпинча унинг синоними сифатида қўлланади. Бу тушунчанинг чегараси кенг бўлиб, шу тилда гаплашувчи жамият аъзолари фаолиятининг ҳамма томонларини ўзида акс эттиради.

Миллий тил тушунчасига адабий тил ҳам киради, чунки адабий тил тушунчаси миллий тил ёки умумхалқ тили тушунчасига нисбатан анча торроқдир.

Шунингдек, миллий тил тушунчаси доирасига маҳаллий диалектлар, шевалар ва ҳатто социал жаргонлар вульгар сўзлар ҳам киради. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, адабий тил, миллий тил ёки умумхалқ тилининг қайта ишланган, силликлантирилган ва муайян нормага солинган қисми. Шунга кўра, у миллий тил ёки умумхалқ тилининг юқори формаси бўлса, маҳаллий диалект ва шевалар шу умумхалқ тили ва миллий тилнинг қуйи формалари бўлиб ҳисобланади. Социал жаргонлар ёки арголарни умумхалқ тилининг инкирозга юз тутган ёки бузилган формаси дейиш мумкин.

Миллий тилнинг юзага келиши капиталистик муносабатлар ёки капитализм формацияси билан боғлиқ бўлса, адабий тил тушунчасининг юзага келиши ёки шаклланиши эса ривожланган ёзув ва ёзма адабиётнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Адабий тил ёзув билан боғлиқ бўлади, яъни ёзув бор бўлган шароитдагина адабий тил юзага келиши мумкин ва унинг тараққиёти ҳам адабиётнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Бинобарин, адабий тилнинг ҳолатини, шаклланиш ва тараққиёт йўлини белгилашда ёзув тили, ёзма нутқ асос бўлади.

Миллий тил тушунчаси билан адабий тил тушунчаларининг яна бир фарқи бор, у ҳам бўлса адабий тил ёзув пайдо бўлиши билан яъни миллат, миллий тил пайдо бўлишидан олдин, капитализм формациясидан олдин, ҳатто феодализм формацияси даврида ҳам пайдо бўлавереди.

Маълумки, адабий тилнинг одатда икки формаси: **оғзаки ва ёзма** формалари бўлади. Адабий тилнинг оғзаки формаси унинг ёзма формасига

нисбатан қадимийроқ бўлади. Шу оғзаки форма асосила тегишли шароит мавжуд бўлган тақдирда ёзма форма юзага келади.

Адабий тилнинг ёзма формаси юзага келмаган, шаклланмаган халқларда кўпинча унинг оғзаки шакли ана шу ёзма форманинг вазифасини ҳам бажаради.

Бу баъзан уст диалект форма (наддиалект форма) ёки диалектлараро форма деб ҳам аталади¹. Адабий тилнинг оғзаки формаси ёзма формасига нисбатан ўзгарувчанроқ ва прогрессивроқ ҳисобланади.

Халқ оғзаки сўзлашув тили, халқ шевалари ва халқ оғзаки ижодининг тил хусусиятлари адабий тилнинг бойишида асосий манбалардандир.

Миллий тил тушунчаси билан адабий тил тушунчасининг яна бир фарқи шундан иборатки, миллий тилларнинг айрим асосчилари бўлмайди. Миллий тилнинг асосчиси шу тилнинг эгаси бўлган халқдир. Адабий тилнинг эса (тўғрироғи, капиталистик формацияга бўлган адабий тилнинг) ўз асосчиси бўлиши мумкин ва кўпинча шундай бўлади ҳам. Масалан, эски ўзбек тилининг асосчиси ўзбек халқининг улут шоири ва мутаффакири Алишер Навоий бўлганидек, рус адабий тилининг асосчиси А.С.Пушкиндир.

Шундай қилиб, адабий тил умумхалқ тилининг ёки миллий тилнинг шоирлар ва сўз усталари томонидан қайта ишланган, маълум нормага солинган ва стандартлаштирилган қисмидир.

Миллий тил ва адабий тилнинг ўзаро муносабати. Адабий тил ва миллий тил бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Адабий тилнинг ўзи умумхалқ тил базасида қурилади ва унинг базасида ривожланиб такомиллаша боради.

Демак, миллий тил адабий тилнинг мустақкам пойдевори, таянчи бўлиб ҳисобланади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда умумхалқ миллий тилисиз адабий тилнинг ўзи ҳам бўлмайди. Чунки миллий тил барча маълумотларни унга беради.

Миллий тилнинг куйи формалари бўлган маҳаллий диалектлар ва халқ шеваларининг ҳам адабий тил билан боғлиқлик жараёни ва ўзаро алоқаси доимий ҳодиса сифатида давом этиб туради. Маҳаллий диалектлар ва халқ шеваларидан баъзи формалар доимий аста-секинлик билан адабий тилга ўта боради, уни тўлдиради ва бойита боради.

Шундай қилиб, маҳаллий диалект ва халқ шевалари адабий тилнинг ички ривожланиш имкониятларини ташкил қилади, адабий тилнинг ёки миллий адабий тилнинг тараккиётига хизмат қиладиган ички манба, таянч ҳисобланади.

Маҳаллий диалект ва шевалар ҳар бири ўзига яраша грамматик қурилиши, ўзига хос лексик таркиби ва ички имкониятига эга бўлиши мумкин, улар ана шу имкониятлар асосида тараккий этади ва миллий адабий тилга хизмат қилади. Вақти келганда ана шундай хусусиятларига кўра маҳаллий диалект ёки халқ шеваларидан бирортаси алоҳида ривожланиб бориб, хатто миллий адабий тилнинг юқори формаси даражасига кўтарилиши, яъни адабий тилга асос бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир адабий тил ўзининг таянч диалектига эга бўлади. Тўғри, ўзбек адабий тилининг

¹ Десницкая А.В. Наддиалектные формы устной речи и их роль в истории языка М. 1970. стр. 8-9.

шаклланишида шеваларнинг барчаси у ёки бу даражада иштирок этади, лекин маълум шевалар адабий тил учун асос таянч (база) вазифасини бажаради, яъни ўзбек адабий тили муайян шева ва шевалардан лексик, фонетик, грамматик хусусиятларини адабий тил факти сифатида олади ҳамда ўша шева ва шевалар гуруҳи тараққий этиши билан бирга тараққий этиши, чунки шева жонли тил бўлиб, у доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлади, шу туфайли ҳам адабий тил шу шева ёки шевалар гуруҳи ривожланиши билан боғлиқ ривожда тараққий этиб боради, аксинча адабий тил ўзининг таянч диалектига эга бўлмаса, у бора-бора муомаладан чиқиб кетади. Муомаладан чиққан тил фанда «ўлик тил» деган термин билан юритилади. Тиллар тарихида «ўлик тиллар» мавжудлиги ҳақида маълумотлар кўп.

Адабий тил ҳамма шевалар учун умумий бўлган тилдир. У маълум ва мезонга – маромга эга бўлади, шунингдек, жонли тилдаги ҳолатларни ёзув орқали ҳам бера олади (жонли тил эса ёзувга эга эмас). Адабий тилининг асосида ётади. Адабий тил шевалардаги ҳар хилликларга йўл қўймайди, уни тил қоидалари асосида тартибга солади.

Ўзбек адабий тили ўзбек миллий тилининг таркиби учта компонент, учта катта лаҳжанинг бирлашуви асосида юзага келган. Бу ҳақда Е.Д.Поливанов шундай деган эди: «Ўзбек тили (ўзбек диалектларининг бир бутун йиғиндиси сифатида) ягона системанинг диалектологияси парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган».

Ўзбек тили адабий тилининг уч диалект асосида ташкил топганлиги (қарлук – чигил – уйғур, қипчоқ, ўғуз) ва унинг баъзи хусусиятлари.

Маълумки, ўзбек миллий тили таркибида уч катта лаҳжа бордир. Булар қарлук-чигил-уйғур, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларидир. Бу лаҳжаларнинг ҳар қайси-си ўзига хос маълум фонетик ва лексик – грамматик хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади.

I. Қарлук-чигил-уйғур лаҳжаси. Бу лаҳжа шаҳар шеваларини ва бошқа шаҳар типидagi қишлоқ шеваларини ўз ичига олади. Хусусиятлари:

- 1) 6 унли фонемага эга.
- 2) сўз бошида т товуши ч билан алмашади: чуштъ// (тушди) чъш (туш);
- 3) ўзак ва аффиксларда сўз охиридаги к/қ – г/ғ ундошларининг сақланиши: кичик/ тәркъ; сәръғ, тәръғ
- 4) турли ҳолатда ҳам к/х ундошларининг алмашиниши: Тош. Нам. токта// тохта, бактук// бахтук;
- 5) л/н ундошларининг алмашиниши: кәйнәк// кәйләк// кәнглек. Тошк. койнәк//койләк//койнәй;
- 6) тўлиқ прогрессив ассимиляция: Тошк. ошшъ-ошнъ//ошнънг;
- 7) қаратқич ва тушум келишиклари учун битта -нъ аффиксининг мавжудлиги;

8) ҳозирги замон давом феъли формаси: Тошк. борвотмән; Нам. борут тьмән; Анд. барйәппән; Самарк. Боропман; Парк. Боовотъм.

II. Қипчоқ лаҳжаси.

1) 9 унли мавжуд. Сингармонизмли шевалар бўлганлиги учун контраст жуфт унлиларнинг борлиги. у/ў, о/ө, ы/и, а/ә

2) сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларнинг дифтонглашуви иэ, уэ, уо, (иэ, уот, уэт);

3) сўз бошида й нинг дж, в < г, й < г ўтиши: джигит < йигит, джэш < ёш, тав < тэг, бав < бэг, й < г, тийди < тегди, сыйыр < сигир. Икки унли орасида п > б, к > г нинг жаранглашуви: қаби < қоп, қызыгы < қызык.

4) сўз охирида к, қ нинг тушиб қолиши. киччи < кичик, сары < сарик.

Морфологик хусусиятлари:

а) 6 та келишк мавжуд. Қараткич ва тушум келишклари аффиксида и/д/т товушларининг (аффиксида) алмашиниши. -нынг// -нинг, -дынг// -динг, -тынг// -тинг, -ны//ни -ды// -ди, -ты// -ти;

б) шахс олмашларининг жўналиш келишиги шакли: менэ, сенэ, вона (дарсликларда маған, саған, уған) деб берилади;

в) ҳозирги замон давом феъли формаси -йэтир- йэпти (дарсликларда - джатыр (ман) деб берилган).

Ўғуз лаҳжаси.

1) контраст жуфт унлилар мавжуд. Қисқа ва узун унлиларнинг фарқ ланиши. қадимги туркий узун унлилар (биринчи даражали чўзик унлилар) нинг мавжудлиги. ат (ҳайвон), а:д (исм): от (ўсимлик), о:т (олов);

2) сўз бошида т ва к товушларининг жаранглашиши: дил, гэл - ад.-орф. тил, кел;

3) жўналиш келишиги аффиксининг -а/-э-йэ формасида ишлатилиши: уйинэ вэр;

4) қараткич келишиги аффиксининг -ын// -инг формасида ишлатилиши копинг рызыкы кол;

5) бөл феълидаги б нинг тушиши: бөл - ол кабилар.

Ўзбек адабий тилига асос қилиб юқоридаги санаб ўтилган лаҳжалардан қарлук-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи Тошкент шеваси фонетик томондан, Фарғона тип шевалари эса морфологик томондан асос қилиб олинган, деб ҳисобланади.

Лекин Ўзбек тилига бўлган лаҳжалар ҳақида гап кетганда ҳамма лаҳжалар ҳам барабар иштирок этганлигини таъкидлаш ўринали.

Ўзбек тили туркий тиллар таснифига кўра туркий тилларнинг уч группасига киритилган. Бунинг сабаби ўзбек тили ўзининг фонетик структураси, грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра туркий тиллар билан умумий хусусиятларга ва шунингдек, у тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос баъзи хусусиятларга ҳам эгадир.

Ўғуз лаҳжаси ўз хусусиятларига кўра туркий тилларнинг жанубий-ғарбий гуруҳига кирса, кипчоқ лаҳжаси шимолий-ғарбий гуруҳига қиради. Шаҳар шеваларига асосланган қарлук-чигил-уйғур лаҳжаси эса жанубий-шарқий гуруҳига қиради.

Ўзбек адабий тилида 6 унли товуш бор, бошқа туркий тилларда эса 9 та унли мавжуд. Қирғиз, қозоқ тилларида сингармонизм ҳодисаси кучли, қирғиз тили (колдор, тулку тулкулорэ), ўзбек тилида эса сингармонизм ҳодисаси йўқ.

Ундошлар тизими билан ҳам ўзбек тили бошқа тиллардан фаркланади. М., Ўзбек тилида сўз бошида келадиған й товуши қозоқ, қирғиз, қоракалпоқ ва бошқаларда дж ва ж товуши билан берилади. Ўзб. йол, йоқ. қоз. жол, жок; кирғ. джол, жок.

Ўзбек тилида сўз бошида келадиган т товуши турк, озарбайжон, туркман ва бошқа тилларда д билан берилади: ўзб. тъл, тош; туркм, озарб, турк, дил, даш.

Ўзбек тилида сўз бошида келадиган к товуши ўғуз гуруҳидаги тилларда г билан берилади: ўзб. коз, кел; туркм, озарб, турк, гёз,гэл; ўзб. тёғ, бёғ; коз. тау, бау; кирғ. тоо, боо.

Айрим сўзлар охирида келадиган ш товуши козок ва қорақалпоқ тилларида с товуши билан берилади: ўзб. бёш, тёш; коз, ққ. бас, тас.

Ўзбек тилидаги ч товуши эса козок, қорақалпоқ тилларида ш билан берилади: ўзб. эч, куч; коз. ққ. аш, куш кабилар.

Айрим уруғ ва қабиалар орасидаги қардошлик алоқаларининг мавжудлиги, халқларнинг узлуксиз равишда аралашиб туриши мураккаб этнолингвистик тараққиётга ва айрим миллатлар тили билан биринчи навбатда ўзбек тилидаги диалектларни турли-туман бўлишига олиб келади.

Туркий ва туркий бўлмаган тиллар орасида тил алоқаси мавжуд бўлиб ва кенгайиб бориши шу жараён натижасида туркий тилларда пайдо бўлган баъзи бир фонетик ўзгаришларни ўз вақтида Махмуд Кошғарий ҳам жуда тўғри кўрсатиб берган эди. Ўзбек шеваларининг бошқа системасидаги тиллар билан, биринчи навбатда тожик тили билан ўзаро муносабати жуда ҳам муҳим масалалардан биридир.

Туркий бўлмаган тиллар таъсири натижасида типик туркий вокализмда юз берган ўзгаришлар аста-секин сингармонизмнинг заифлашувига, саноат марказлари бўлган илғор шаҳарлар шеваларида эса сингармонизмнинг бутунлай йўқолиб, туркий тилларнинг фонология системасига хос бўлмаган товушларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Конвергенция (орка ва олдинги қатор унлиларининг бирлашиши) ўзгаришлари сингармонизмлар шеваларга хос бўлган олдинги қатор э, ү, и ҳамда орка қатор о,у,ы каби турғун жуфт унлиларининг вазифаси жиҳатидан бирлашишларига олиб келади. Натижада Тошкент шеваси типидagi илғор шаҳар шеваларининг унлилар системаси тожик тилининг унлилар системасига яқинлашди.

Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда рус туркологларининг иштироки. Ўзбек диалектологиясининг лингвистик фан сифатида яратилиши, ўсиши ва ривожланиши проф. Е. Д. Поливанов, Қирғизистон Фанлар Академиясининг академиги К.К.Юдахин, собиқ СССР Фанлар Академиясининг корреспондент яъзоси проф. А.К.Боровков, РСФСР Педагогика Фанлар Академиясининг академиги проф. В. В. Решетов ва бошқа рус турколог-олимларнинг илмий-тодқиқот ишлари миллий кадрларни тайёрлаш фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбек диалектларини ўрганиш соҳасида 1920-1937 йиллар орасида проф. Е. Д. Поливанов томонидан жуда кўп ишлар қилинди. Проф. Е. Д. Поливанов Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Туркистон ва бошқа бир қатор ўзбек шевалари ҳақида қимматли асарлар ёзди. Ўзбек шеваларини ҳар томонлама тавсиф қилиш натижасида ўзбек шеваларини тасниф қилди. Айрим камчиликлардан қатъи назар проф. Е.Д.Поливанов шу соҳага энг биринчилар қаторида ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбек шеваларини атрофлича ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан бири проф. К.К.Юдахиндир. 1925 йилдаёқ олимнинг эски туркий чўзик-

лик ва қадимги морфологик формаларни ўзида сақлаган ўзбек шевасини ўрганишга бағишланган “Қорабулоқ шевасининг баъзи бир хусусиятлари” деган иши босилиб чиқди. Бундан ташқари “Лайлак материалларидан” каби асарлари фан учун аҳамиятлидир. Проф. К.К.Юдахин ўзининг бу асарларида ўзбек шеваларининг генезисини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ўзбек-уйғур ва қирғиз-ўзбек-тожик тиллари орасидаги ўзаро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берди.

Ўзбек диалектологиясида ўзининг мазмуни ва салмоғига кўра проф. А.К.Боровков илмий ишлари алоҳида ўрин тутди. Проф. А.К.Боровков ўзбек шеваларининг икки хил таснифини берди. Унинг биринчи таснифи ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятларига асосланган ҳолда тузилган бўлса, иккинчиси эса, тарихий-лингвистик асосда тузилди. Проф. А.К.Боровков бир қатор ўзбек шеваларини текшириш билан бирга ўзбек диалектларини ўрганишда энг муҳим назарий масалалардан бири бўлган ўзбек-тожик тилларининг ўзаро муносабатини ҳам муваффақиятли ёритди. Ўзбек халқ шевалари атласини яратиш учун шеваларнинг фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларини ўзида акс эттирган 65 сўроқдан иборат “Ўзбек шева лаҳжаларини текширишга доир савол-жавоблар” анкетаси ҳам проф. А.К.Боровков томонидан тузилди.

Ўзбек диалектологияси соҳасида катта ишлар қилаётган диалектолог — олимлардан яна бири проф. В.В.Решетовдир. У шаҳар шеваларини тавсиф қилди (“Ўзбек тилининг Марғилон шеваси”, “Ўзбек тилининг Наманган шеваси ҳақида”). Шу билан бирга, проф. В.В.Решетов ўзбек диалектологиясининг бир қатор муҳим масалаларига бағишланган илмий асарлар ёзди. (Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш масаласига доир”, “Транскрипция ҳақида”, “Ўзбек миллий тилининг диалектал асоси” ва бошқалар). У ўзбек шаҳар шеваларини ўрганиш натижасида шеваларнинг адабий тилга бўлган муносабатини ёритиб, ҳозирги замон ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларни (Тошкент ва Фарғона шевалари) ҳам аниқлаб берди.

Проф. В.В.Решетов факат шаҳар шеваларини текшириш билан чекланмай, балки қипчоқ шеваларини ҳам ўрганди. Бу соҳада у Тошкент воҳасидаги қурама шеваларини ўрганишга бағишланган “Тошкент областидаги қурама шевалари(фонетик ва морфологик система)” деган монографик асар ёзди. Унда проф. В.В.Решетов бутун қурама шевалари бўйича тўплаган материаллари асосида қурамаликларнинг генезисини аниқлашга муваффақ бўлди. Шунингдек, қурамаликларнинг тил хусу сиятларини атрофлича ёритиб берди.

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ДИАЛЕКТАЛ БЎЛИНИШИ

РЕЖА:

1. Профессор И.И.Зарубин таснифи.
2. Профессор К.Юдахин таснифи.
3. Профессор Е.Д.Поливанов таснифи.
4. Профессор Ғози Олим таснифи.
5. Профессор А.К.Боровков таснифи.
6. Профессор В.В.Решетов таснифи.

7. Ўзбек диалектологиясининг XX асрнинг 60-йиллардан сўнгги ютуқлари ҳақида. Миллий истиқлол ва ўзбек халқ шевалари раванқи масалалари.

Ўзбек шевалари турколог ва диалектологлар томонидан турлича тасниф қилинди. Бу соҳада проф. Е. Д. Поливанов, проф. К. К. Юдахин, проф. Ғози Олим, проф. А. К. Боровков, проф. В. В. Решетовларнинг таснифи диққатга сазовордир.

Проф. И.И.Зарубин таснифи. Проф. И. И. Зарубин ўзбек шеваларини 4 гуруҳга бўлди. Хива, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд-Бухоро шевалари. Проф. И.И.Зарубиннинг бу таснифида ўзбек шевалари орасида катта ўрин тутган ҳозирги Ўзбекистоннинг анчаган ҳудудига тарқалган кипчоқ (жловчи) шевалари ва шимолий ўзбек шевалари ҳисобга олинмай қолган.

Проф. К. К. Юдахин таснифи. Ўзбек шевалари таснифининг икки варианты тавсия қилинади: 1- вариантда ўзбек шеваларининг тожик тили билан муносабати ва сингармонизмни сақлаш даражасига қарат тўрт гуруҳга ажратган. Кейинчалик (2- вариантда) у шеваларнинг ўзига хос хусусиятлари билан яхши танишиб олдинги таснифига аниқлик киритиб, ўзбек шеваларини бешта гуруҳга бўлди. Проф. К.К.Юдахин ўзбек шеваларини дастлаб 4 гуруҳга, сўнгра 5 гуруҳга бўлди. Тошкент, Фарғона, Қипчоқ (-ж), Хива (Хива - ўғуз) ва Шимолий ўзбек шевалари.

Проф. Е. Д. Поливанов таснифи. Проф. Е. Д. Поливанов ўзбек тили шева ва диалектлари орасидаги энг майда фарқларни ҳам кўрсатувчи таснифни берди.

Проф. Е. Д. Поливанов ўзбек шеваларини этник жиҳатдан, яъни келиб чиқишига қараб тасниф қилади. Ўзбек шеваларида тожик тилининг таъсирини ҳисобга олиб, ўзбек шеваларини: эронлашмаган ва эронлашган шева-лар деб бўлди. Тошкент, Қўқон-Марғилон, Андижон-Шаҳрихон типидagi шева-ларда эронлашиш элементи мавжудлигини қайд қилган.

Проф. Е. Д. Поливанов ўзбек тили шеваларини жуда синчиклаб ўрганган энг етук олимдир. Поливанов катта ишлар қилиши билан бирга баъзи камчиликларга ҳам йўл қўяди. У ўзбек тилидаги ҳамма қонуниятларни асосан, тожик тилидан ўтган деб ҳисоблайди. Бу билан у ўзбек тилининг ўз ички қонуниятлари асосида ривожланишини тушуниб етмаганлигини кўрсатади.

Е.Д.Поливанов 1935 йилда ёзган «Материалы по грамматике узбекского языка» номли асарида ўзбек шеваларини бошқа шева-ларга нисбатан муфассалроқ беради.

У тасниф қилганда асосан икки нарсаси айтиб беради:

1. Метисация.

2. Гибридизация.

Проф. Е.Д.Поливанов метисацияда «кипчоқ» айтайлик, қозок, қорақалпоққа яқин. Шунинг учун «кипчоқ» дейди-да, ёнига қозок, қорақалпоқ деб ёзиб қўяди.

Ўғуз шеваси дейдиган бўлса, ёнига туркман деб ёзиб қўяди. Қорлуқ-чигил-уйғур дейдиган бўлса ёнига уйғур, тожик деб ёзиб қўяди.

Бир тилда икки тилнинг элементи бўлса ушани тожиклашган, уйғурлашган деб аташ нотўғри, чунки халқ бир-бирига яқин яшар экан, уларнинг таъсири бўлади. М., Косон, Чустда қадимдан тожиклар яшаб келган. Ҳозир у ердаги халқ икки тилда сўзлашади. Бора-бора улар ё тожик тилига, ё ўзбек тилига ўтиб кетиши керак. Уларда ҳозир ўзбек тилининг таъсири катта. Аввало улар бундай гаплашган экан.

Таклифум бор ба ман дах минут сўз берулсун (аралаш).

Унлининг торайиши умлаут дейилади.

М. йанги сўзини Тошкентда йенги, балиқ сўзи Тошкентда бэлик, махди сўзи Наманганда меҳди деб талаффуз қилинади. Бу ходиса уйғурларга хос.

Е.Д.Поливанов ўзбек шеваларига нисбатан «Чигатой», «соф ўзбек» терминларини ишлатиб хаҳо қилди. «Чигатой» деб номлаш нотўғри. Тарихни ва тилни келгинди ҳукмдорнинг номи билан эмас, халқ номи ёки унинг айрим қисми билан аташ керак. Иккинчидан, қипчоқ шеваларини «соф ўзбек шевалари» деб аташ, унинг тарихини XVI асрга боғлаб қўяди. Соф ўзбек шеваларининг бузилган ўзбек шевалари ҳам бор экан-да, деган фикр пайдо бўлади.

Е.Д.Поливанов «эронлашиш» назариясини илгари суради. («эронлашган» ва «эронлашмаган») фарқини, моҳиятини тушунтириб беради.

У унли фонемалар системасининг таснифини бериб, эронлашмаган шеваларда вокализм таркиби тўққизта, эронлашган шеваларда, жумладан, Тошкент шевасида учта унли фонема ўз хусусиятини йўқотиб, олтигага келиб қолган, деган хулосани чиқаради.

Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа типидagi шеваларини максимал даражада эронлашган, яъни тожик тили вокализмини ўзида тўла акс эттирган шевалар деб ҳисоблайди. Эронлашмаган шеваларга Фарғонанинг сингар монизмли қишлоқ шеваларини (Сарой, Андижон, Йўлғузар) ва ўзбек-қипчоқ ж лаҳжасидаги шеваларни киритади.

Эронлашган ва эронлашмаган шевалар ўртасида эрошлашишнинг кучсизланиши, гибридизация жараёнида туркий элементларнинг кучтиланишига кўра эронлашган шеваларни 4 типга ажратди. Булар: 1. Самарқанд-Бухоро шевалари.

2. Тошкент типидagi шевалар (Тошкент ва унинг атрофидаги қишлоқ шевалари – Ҳонобод, Телов).

3. Қўқон-Марғилон (Қўқон, Марғилон шаҳар ва қишлоқ шевалари).

4. Андижон-Шаҳрихон типидagi шевалар, 4-а типга уйғурлашган ёки умлаутли шевалар (Наманган ва унга яқин қишлоқ шевалари – Чортқоқ, Уйчи, Шаҳанд).

Проф. Е.Д.Поливанов таснифида яна икки тип шева ажратилган. Булар:

6. Шимолий ўзбек шаҳар шевалари типи (Туркистон, Чимкент, шунингдек, баъзи бир қишлоқ шевалари).

7. Шимолий ўзбек қишлоқ шевалари типи (Манкент, Қорабулоқ қабилар) Юқорида санаб ўтилган шеваларнинг ҳаммаси проф. Е.Д.Поливановнинг кўрсатишича, «Чигатой» лаҳжасини ташкил қилади.

Чигатой гуруҳи Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қарши каби қўпгина шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларни ўз ичига олади.

Иккинчи диалект “Ўғуз” лаҳжаси бўлиб, ўз ичига икки гуруҳ шевани олади. Булар: 1. Жанубий Хоразм (Хива, Янги Урганч, Шовот, Ғазовот, Ҳазорасп, Янгиариқ, Хонка шевалари; у гуруҳга Шўрахон шеваси алоҳида бир тип сифатида киритилган.

2. Шимолий ўғуз гуруҳ шевалари (Иқон-Жанубий Қозоғистондаги Қорабулоқ шевалари); шу гуруҳга Фориш туманидаги Богдод шеваси алоҳида тип сифатида киритилган.

Учинчи диалект “қипчоқ” лаҳжаси бўлиб, 7 тип шевани ўз ичига олади.

1. Ўрта-Хоразм (Гурлан, Богот ва Шаббоз) Шимолий Хоразм (Хўжейли, Қипчоқ, Қўнғирот туманлари ва Манғит туманининг баъзи қишлоқ шевалари). 2. О-ловчи тип (Қозоқ – найман, Фарғона-қорақалпоқ шевалари). 3. Курама шевалари (Охангарон водийсидаги курама шевалари). 4. Шимолий ўзбек шевалари (Туркистондаги Сўзоқ, Чалақўрғон қишлоқ шевалари). 5. Ўрта ўзбек (Қирқ шевалари ва жанубий ўзбек шевалари), лақай шевалари ва ш.к. Афғонистондаги қипчоқ-ўзбек шевалари ҳам шу типга киради.

Қипчоқ ёки соф ўзбек шевалари вакиллари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида кенг ҳудудларда яшайдилар ва ж-ланувчи ўзбек шеваларини ташкил қилади. Унинг ишлари ҳозирги кунда ҳам ўзбек шеваларини ўрганиш ишига катта ёрдам беради.

Проф. Ғози Олим таснифи. Проф. Ғози Олим ўзи тўплаган жуда бой фактик материалга суянган ҳолда 1936 йили Е.Д.Поливановнинг таснифидан сўнг ўзбек шеваларини тасниф қилди. Е.Д.Поливанов маънога таъсир қилмайдиган фонетик ҳодисаларни, ташқи таъсирни ўз ишига асос қилиб олганини танқид қилиб, жуфт унлиларнинг маъно фарқлаш хусусиятига, лаҳжа шева вакиллари орасида тушунилмайдиган лексик, морфологик, фонетик хусусиятларига кўра тасниф қилишни илгари сурди. У ўзбек шеваларини уч лаҳжага ажратди: 1) ўзбек-қипчоқ лаҳжаси; 2) турк-барлос лаҳжаси; 3) Хива-Урганч лаҳжаси. Бу лаҳжалар ўз навбатида шеваларга ажратилади.

1. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси (қирқ, жалойир-лақай, қипчоқ, гурлан): Бу лаҳжага Охангарон водийси, Мирзачўл, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро атрофларида, Қашқадарё, Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар киради. Бу лаҳжа вакиллари Хоразм, Андижон, Наманган, Қўқон, Қипчоқ, Чимбой, Қўнғирот туманларида, Тожикистон ва Афғонистоннинг шимолида яшовчи ўзбеклар ҳам киради. Бу лаҳжанинг фонетик ва морфологик хусусиятлари қуйидагича:

й > дж: йер – джер; йол – джол

қ > ғ: ақ-ағар; ақ-ағъ, кулақ-қулағъ;

к > г: ек-егип, көк-көги;

п > б: топ-тоби, қап-қабъ;

ғ > в: туғ-тув, тағ-тав;

г, ғ > й: тегди-тийди, егди-ийди, сьгдъ-сьйдъ, йьгън-джийн.

Сўз охирида қ, ғ тушиб қолади: саръ, таръ.

Жўналиш келишиги қўшимчаси: -ға, -қа, -гә, -кә, -а, -ә.

Қўплик қўшимчаси: -лар, -ләр, -нар, -нәр, -тар, -тәр, -дар, -дәр.

Ҳозирги замон давом феъли: -йатир, -жатир.

Бу лаҳжага кирувчи тўртта шеванинг фонетик-морфологик хусусияти:

1. Қирқ шевасида қисқа “и” ўрнида ий(и:й) учрайди: и:т (ит).

Жўналиш келишигидаги кишилиқ олмошлари: маған, саған, уған.

2. Жалойир-лакай шевасида сўзнинг иккинчи бўғинида ҳам “е” товуши келиши мумкин: кечен, берген.

3. Қипчоқ шевасида лаб гармонияси учинчи бўғинда ҳам сақланади: уй уга.

4. Гурлан шевасига ўзбек-кипчоқ лаҳжасининг ҳамма хусусиятларини сақлаган, аммо айрим сўзларда сўз бошида “дж” ни йўқотаётган ўзбек шевалари киради. Бу шевада бала сўзининг кўплиги бағалар(бачалар) бўлади.

II. Турк-барлос лаҳжаси. Бу лаҳжага Тошкент, Қукон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарларида ва бу уларларнинг атрофида яшовчи ўзбеклар киритилади. Бу лаҳжа вакиллари оз бўлса-да, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Зарафшон водийсида учрайди. Шунингдек, Чимкент, Сайрам, Ўш, Ўзган шаҳарларида яшовчи ўзбеклар ҳам шу лаҳжага киради.

Бу лаҳжада жўналиш келишиги қўшимчаси каттик ўзак унлилар ва жарангсиз ундош билан тугаса -қа, жарангли билан тугаса -га, юмшоқ ўзак жарангсиз ундош билан тугаса -га тарзида қўшилади. Тушум келишиги: -нъ, -ни.

Ғози Олим бу лаҳжани тўрт шевага бўлади:

1. Сайрам – Чимкент шеваси.

2. Тошкент–Ховос шевасида тушум келишиги -ти аклида бўлади.

Истак феъли ясовчи -лук: келийлук. Ҳозирги замон давом феъли: -вот кел(л)воттъ,овотти, кемъйотъить.

3. Андижон шевасида тушум келишиги -нъ, -ни, -тъ, -ти, -дъ, -ди тарзида бўлади. Ҳозирги замон давом феъли: -йап ё -йэп билан ясалади: келэйэпмэн.

4. Наманган шевасида ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси: -ут келуттъман, келмуттъман.

III. Хива-Урганч лаҳжаси Хива, Қорлук, Хонко, Ғазовот, Тошовуз, Эски Урганч, Ҳазорасп, Кат, Тўртқўлда яшовчи ўзбек шевалари киради.

Жўналиш келишик қўшимчаси: -ға, -га, -а, -э каби ишлатилади. Келаси замон феъли ясовчи аффикси -джак, -джак; истак феъли ясовчи -лъ, -ли: келэли, алаля.

Хива-Урганч лаҳжасини проф. Ғози Олим икки гуруҳга бўлади:

1. Хива шеваси. Бу шевада сингармонизмнинг сақланиши, чўзиқ унлиларга (а:и) эга бўлиши, қ ўрнида қ ундошининг келиши муҳим аҳами ятга эгадир.

2. Қорлук шеваси (хусусиятлари берилмаган...).

Бу таснифда ўзбек-кипчоқ лаҳжасидан бошқа шеваларнинг лингвистик фарқлари берилмаганлиги учун танқид қилинган.

Е.Д.Поливанов ва Ғози Олим таснифлари ўз вақтида проф. И.А.Батманов томонидан танқид қилинган.

Проф. А.К.Боровков таснифи. Проф. А.К.Боровков ўзбек тилшунослиги, айниқса, ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У тўпланган фактик материаллар асосида ўзбек шевалари таснифининг икки хил вариантини тавсия қилди. У ўзбек шеваларини фонетик жиҳатдан тасниф қилинганда иккига бўлади.

1) о -ловчи шевалар; 2) а -ловчи шевалар.

о-ловчи гуруҳ шеваларга шаҳар шевалари (Тошкент, Самарканд, Бухоро, Каттақўрғон, Андижон, Қўқон, Марғилон, Фарғона, Қарши, Жиззах шевалари) ва улар атрофидаги туман шеваларини киритади. Бу шеваларда унлиларнинг сони 6-7 та. Сингармонизм ҳодисаси йўқ. Бу шеваларнинг биринчи ёки кейинги бўғинларида очик э фонемаси ишлатилади: эта, бела, кэзэн, сэмэн).

Тошкент. Ҳозирги замон давом феъли формаси: вот (кевотъ)

Самарканд. -эп (келэпъ); Наманган. -ватти бэрваттиман; Қўқон, Марғилон, Андижон, Фарғона, - йэп бэрйэпмэн.

А -ловчи гуруҳ шеваларга сингармонизмни сақлаган шеваларни киритиб, уни иккига ажратади:

1) й-ловчи ва 2) ж-ловчи шевалар.

й-ловчи гуруҳга Жанубий Хоразм ва Жанубий Қозоғистондаги (Чимкент, Манкент, Туркистон) ўзбек шевалари киритилди.

дж-ловчи гуруҳга эса Шимолий Хоразм, Сурхондарё ва Самарканд вилоятидаги қишлоқ шевалари киритилди.

Боровков «Ўзбек шеваларининг классификацияси масалалари» номли ишида ўзбек шеваларининг бошқа таснифини тақдим этди. Ўзбек диалект ва шевалари орасидаги тарихий-лингвистик хусусиятларини ҳисобга олиб тўртта диалектга бўлади.

1. Ўрта ўзбек диалекти.

2. Шайбоний ўзбек ёки дж-ловчилар диалекти.

3. Жанубий Хоразм диалекти.

4. Алоҳида гуруҳ шевалар.

1. Ўрта ўзбек диалекти якки гуруҳга ажратилган: а) Ўрта Ўзбекистон шеваси (Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Фарғона). 6 ёки 7 унли фонема бор, 1-2- бўғинида о фонемаси бор.

б) Шимолий ўзбек шеваси (Чимкент, Сайрам, Жамбул, Марки, Жанубий Қозоғистон).

2. Шайбоний ўзбек ёки дж-ловчи диалект. Бу диалектга Самарканд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Охангарон водийси, Фарғона.

Характерли хусусиятлари: а) унлилар 8 та, ўзлашадиган э фонемаси билан 9 та унли фонемага эга; б) сўз бошида й нинг ўрнига дж қўлланади; в) сўз охирида кенг унлилардан кейин келган к, г, товушлари в каби талаффуз қилинади; тэв, бэв, конғрав-қўнғирок; г) сўз охиридаги к, г, к, г, товушлари унлиларидан кейин келганда тушиб қолади: кичи, сары; д) ҳозирги замон давом феълининг формаси: -джатыр, ишлаб джатыр.

1. Жанубий Хоразм диалекти. Бу диалект ўз ичига Хонка, Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ, Ғазоват, Шўраҳон ва шуларга ёндаш бўлган қишлоқ шеваларини ўз ичига олади. Диалектнинг асосий хусусиятлари:

а) сўз бошидаги жарангсиз т, к ўрнида жарангли д, г талаффуз қилинади. гэлди, ди:ри (тирик);

б) қисқа ва узун унлилар мавжуд.

в) сўз охиридаги к, г, к, г товушлари тор унлидан кейин талаффуз қилинмайди. ди:ри, са:ри.

г) ҳозирги замон давом феълининг формаси: -йатир; гелйатыр

д) келаси замон формаси – джақ, -джэк: гелэджэк (келажак).

2. Алоҳида гуруҳ шевалар (келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган айрим шевалар).

Улар иккига бўлинади:

1. Қорабулоқ, Икон, Манкент шевалари. Бу шеваларнинг асосий хусусиятлариб узун-қиска унлиларга эга эканлиги; қаратқич келишиги формасида –инг (қорабулоқ) ишлатилиши.

2. “умлаутли” шевалар (Наманган вилоятида)

Проф. В.В. Решетов таснифи. В. В. Решетов ўзбек шеваларини тарихий – лингвистик хусусиятларини ва айрим диалектларга қўшни тиллар(тожик, козок, қорақалпоқ, туркман) муносабатини ҳисобга олган ҳолда ўзбек шеваларининг таснифини тузди.

Ўзбек, козок, уйғур, туркман, қорақалпоқлар таркибига кирган турк қабилаларининг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тарихий-лингвистик маълумотлар ўзбек тилида қатор диалектлар бирлиги борлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи таркибида тарихий – лингвистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган уч диалект бирлиги бордир. Булар: 1) қипчоқ, 2) ўғуз, 3) қорлуқ-чигил-уйғур диалектларидир. Бу диалект бирликлари ўз навбатида ўзбек тили таркибида уч лаҳжани (қипчоқ, ўғуз ва қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжалари) вужудга келтирди, булар ҳозирги кунда ҳам ўзбек тилининг алоҳида лаҳжаси сифатида давом этиб келмоқда.

Демак, ўзбек тили уч туркий компонентнинг бириқиши натижасида вужудга келган:

1) қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги қардош уйғур тилига яқин бўлиб, тожик тили билан яқин этно-лингвистик муносабатда бўлган;

2) қипчоқ лаҳжаси қардош козок ва қорақалпоқ тиллари билан яқин;

3) ўғуз лаҳжаси қардош туркман тили билан яқин.

В. В. Решетов қардош ва қардош бўлмаган қўшни тиллар билан ўзбек тили диалектал таркибининг муносабатларини график шаклда қуйидагича ифодалайди:

ТОЖИК ТИЛИ			
Қорлуқ-чигил-уйғур диалекти			
Қозок, қорақалпоқ ва қирғиз тили	қипчоқ диалекти	ўғуз диалекти	туркман тили

1. Ўзбек диалектининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. Бу лаҳжа Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона каби қатор аҳоли пунктларини ўз ичига олади.

Характерли хусусиятлари:

1) ч/т алмашиниши: т-туштъ/чуштъ. уйғ. чуштъ, Тошкент ч(ъ) шлэ.

2) ўзақ ва аффиксларда сўз охиридаги к-к/т-ғ сақланади. Уйғ. сарьғ, каттъғ; Тошк. тэрьг// тэрьк, сэрьг; Нам. йок//йоғ, былек, бър куллуг.

3) л//н ундошларнинг алмашиниши: көйнек//койнэй (Тош.).

4) тўлик прогрессив ассимиляция: эшшъ, темъррь<темърнъ//темърнъг.

5) -нъ аффикси қаратқич келишиги вазифасини ҳам бажаради.

6) Ҳозирги замон давом феъли. Тошк. -ват, Нам. -ут, уйчи. – вэт, Тошкент. бэрвѣтмѣн> бэрвѣммѣн, бэрвѣтсѣн> бэрвѣссѣн, бэрвѣттъ, бэрвѣтмъ> бэрвѣммъ, бэрвѣтсъ> бэрвѣссъ, бэрвѣттълѣ.

Наманган. кълуттъмѣн, кълуттъсѣн>кълуссѣн, кълуттъ, кълуттъмъ, кълуттъсъ>кълуссѣлѣ, кълуттъ.

Уйгур. кълватъман, кълватъсан, кълватъду, кълватъмъ, кълватъсъ, кълватъду.

Самарқанд. қълѣпман, қълѣпсѣн, қълѣпту, қълѣпмъ, қълѣпсъ, қълѣпту.

Бу лаҳжа 4 гуруҳга бўлинади: 1.Фарғона гуруҳи. 2.Тошкент гуруҳи.

3. Қарши гуруҳи. 4.Шимолий ўзбек гуруҳи.

1. Фарғона гуруҳи

1. Наманган диалекти. Наманган шаҳар шеваси, Уйчи, Чортоғ каби шевалар киради. Қардош уйғур тилига ўзининг яқинлиги билан характерланади.

2. Андижон-Шаҳрихон диалекти. Андижон шаҳар, Шаҳрихон шеваси ва Андижон вилоятидаги бошқа баъзи шеваларни ўз ичига олади.

3. Ўш-Ўзган диалекти. Ўш, Ўзган, Жалолобод шеваларини ўз ичига олади. Ўш-Ўзган диалекти қирғиз тили элементларининг борлиги билан характерланади.

4. Марғилон-Қўқон диалекти. Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Водил, Қўқон шевалари киради.

2. Тошкент гуруҳи

1.Тошкент диалекти. Унга Тошкент шаҳар ва вилояти шевалари киради. Ж-ловчи қипчоқлар қирмайди.

2. Жиззах диалекти. Унга Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарёдаги Пўлати каби шевалар киради. Ж-ловчи шевалар қирмайди.

3. Қарши гуруҳи

1. Қарши диалекти. Унга Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ноҳия шевалари киради. Ж-ловчи шевалардан ташқари.

2. Самарқанд-Бухоро диалекти. Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Фарғона водийсидаги Чуст, Қашқадарё водийсидаги Косон шевалари унга киради. Бу шевалар тожик элементларининг турли даражада борлиги билан характерланади.

4. Шимолий ўзбек группаси

1. Икон-Қорабулоқ диалекти. Унга Икон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт каби шевалар киради. Унга ўғиз ва қипчоқ шевалари элементлари борлиги билан характерлидир.

2.Туркистон-Чимкент диалекти. Унга Туркистон, Чимкент, Сайрам шевалари киради. Ўғуз элементларининг камайиши, қипчоқ, қозок элементларининг кўпайиши бу диалектдаги шеваларга ондир.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг Тошкент ва Фарғона гуруҳидаги диалектларнинг баъзилари ўзбек адабий тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

II. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси. Бу лаҳжага хос хусусиятлар проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олим таснифида атрофлича берилган.

1. Фонетик хусусиятлари:

- а) контраст жуфт унлиларининг мавжудлиги: у/ү, о/ө, ы/и, а/э.
 б) сўз бошида келган ўрта кутарилиш унлиларининг дифтонглашуви. из, үө, уо, (изт, уот, уөт)
 в) қисқа -узун унлиларининг фаркланмаслиги сў:бөт (сухбат)
 г) сўз бошида й нинг дж га ўтиши. (й>дж) джол<йол: г>в, таг>тов: тийди<тегди.

д) сўз охирида қ, қ нинг тушиб қолиши: сарық>сары, кичик>кичи.

Морфологик хусусиятлари: а) қаратқич ва тушум келишиги аффиксида н/д/т товушларининг алмашилиши: - нынг// - нинг, -дынг// -динг, тынг// - тинг, -ны// - ни, -ды// -ди, ты// -ти.

б) шахс олошларининг жўналиш келишиги шакли маған, саған, уған, нармаған (нарман).

в) Ҳозирги замон давом феъли — джатыр, бараджатыр.

г) Ҳозирги- келаси замон сифатдоши — тыған келэтыған.

Лексик хусусиятлари билан қипчоқ лаҳжаси бошқа лаҳжалардан ҳам фарқ қилади.

III. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси.

Хусусиятлари:

- а) контраст жуфт унлилар мавжудлиги; б) қисқа ва узун унлилар фаркланади; в) қ ва г товушларининг максимал юмшалиши қ', г', г) қаратқич келишиги аффикси -ынг// - инг; д) жўналиш келишиги аффикси -а// - э. уйинэ;
 е) бол феълидаги б тушади. ол <бол ва бошқалар.

Шунингдек, бу лаҳжа ҳам бошқа лаҳжалардан ўзига хос лексик — грамматик хусусиятлари билан фарқ қилади.

Ўзбек диалектологиясининг XX асрнинг 60-йиллардан сўнгги ютуқлари ҳақида. Миллий истиқдол ва ўзбек халқ шевалари раvнақни ма'алалари.

60-йиллар ўзбек диалектологияси тараққиётида муҳим ўрин тутган, қўллаб диалектологик кадрлар етиштириб берган Россия ва Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси А.К.Боровковдир. У фақат ўзбек диалектологиясида эмас, умуман, ўзбек тилшунослиги фанининг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Чунки ўзбек тилшунослигининг ҳамма соҳалари бўйича чуқур илмий асосга қурилган асарлар яратди.

Олим ўзбек диалектологиясининг улкан мутахассиси сифатида қўпгина асарлар яратди, ўзбек шеваларини тасниф қилди. Унинг соф диалектологик асарларига «Вопросник для собирания материалов по узбекском говорам», «К характеристике узбекских «умлаутных» или «уйгуризованных говорам», «Вопросы классификации узбекских говорам», «Узбекское говорам Наманганской области» кабиларни қиритиш мумкин.

Мазкур ишларда олим ўзбек шеваларининг ғоят хилма-хиллигини, уларни тасниф қилиш масалаларини ёритди. «Вопросник для собирания материалов по узбекским говорам» да эса биринчи тажриба сифатида савол-жавоблардан иборат анкета усулини қўллаб қўрди. Бу билан олим ўзбек шеваларини лингво-географик усулда ўрганиш ишига ҳам асос қўйди. А.К.Боровков ўз қарашларида ўрта ўзбек диалекти вакиллари билан қипчоқ лаҳжаси вакиллари қадимги вақтлардаёқ аралашуви жараёни ўтганига ишора қилади.

30-йиллардан бошлаб профессорлар Е.Д.Поливанов, Ғози Олим, К.К.Юдахин, А.К.Боровков билан бирга ўзбек шеваларини ўрганишда жуда кат та ишларни бажаришган. Россия Педагогика Фанлар Академиясининг хакийй аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор В.В.Решетовдир. В.В.Решетов олиб борган илмий диалектологик тадқиқотлар Ватан урушидан кейинги даврининг характерли хусусиятларидан бўлиб, кўп лаб диалектологик кадрларни тайёрлади.

В.В.Решетов хилма-хил ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик ҳамда лексик хусусиятларини ёритадиган ишларини Иккинчи жаҳон уруши арафаларида бошлаган эди. Унинг «Некоторые замечания по консонантизму и морфологии маргеланского говоре узбекского языка», «К вопросу о термене «Курама» и о «кураминах», «Классификация узбекских говоров Ангренской долины», «К вопросу об изучении узбекских народных говоров», «О диалектной основе узбекского литературного языка», «Кураминские говоры Ташкентской области». «Фонетическая и морфологическая система», «О Наманганском говоре узбекского языка», «Состояние и задачи узбекской диалектологии», «О диалектологическом атласе узбекского языка», «Ўзбек диалектологияси», «Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси», «Ўзбек шеваларининг таснифи» каби бир қанча асарларида ўзбек диалектологиясининг тараккиётига ҳос хусусиятларни ёритди.

Олимнинг бевосита раҳбарлигида диалектологик кадрлардан фан докторлари етишиб чиқди. В.В.Решетов ёзган илмий-диалектологик асарлар ўзбек тилининг икки йирик ва етакчи компоненти: қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжасини ёритишга бағишланган бўлиб, мазкур лаҳжаларнинг тараккиётига доир оригинал фикрларни олға суради. В.В.Решетов ўз асарларида ўзбек тили диалектал компонентларининг ўзаро муносабатига маълум даражада эътибор билан қарайди.

Хуллас, ўзбек диалектологиясининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр тараккиётининг бутун йўналиши В.В.Решетов фаолияти билан ҳамбар час боғлангандир.

Ўзбек диалектологиясида ўзининг умумлаштирувчи характердаги илмий тадқиқотлари билан муҳим аҳамият касб этган олимлардан бири – Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Ш. Шоабдурахмоновдир.

Ш. Шоабдурахмонов марказий шаҳар шеваларининг ўзбек адабий тилига муносабати масаласини ёритиш билан бирга, шеваларнинг адабий тилга таъсири масаласини ҳам ишлаб чиқди. Баъзи бир олимлар шеваларнинг адабий тилга таъсири, ҳатто шевалардан адабий тилга “ҳеч оладиган нарсаси қолмаган” деб айтишга журъат этган бир вақтда шеваларнинг таъсири, адабий тилни бойитиш қучи сақланиб қолажани олим таъкидлади. Бизнинг фикримизча ҳам, ўзбек шевалари ўзбек адабий тилининг ривожланишида етакчи имкониятларнинг асосий базаси бўлиб қолади..

Ш.Шоабдурахмонов ўзининг “Ўзбек шеваларининг лексик составини ўрганиш масалаларига доир”, “Изучения и задачи узбекской диалектологии”, “Ўзбек диалектологияси” (В.В.Решетов билан бирга), “Ўзбек адабий тилининг шеваларга муносабати”, “Шаҳар шевалари лексикасидан”, “Узбекский литературный язык и его влияние на говоры”, “Ундошларнинг ўрин алмашуви” (метатеза), “Таянч шевалар фонетикасидан”, “Ўзбек адабий тили ва

Ўзбек халқ шевалари”, “Диалектное членение узбекского языка”, “Ўзбек диалектологияси ва навбатдаги вазифалар”, “Развитие диалектологической науки в Узбекистане”, “Ўзбек шаҳар шевалари таснифи”, “Ўзбек шеваларида мослик ва уларнинг адабий тилда нормасини белгилаш”, “Ўзбек тилининг диалектологик атласи”, “Об атласе узбекских народных говоров” каби муҳим илмий мақолалари билан диалектология фанининг кейинги тараққиёти йўналишини белгилашга улкан ҳисса қўшмоқда. Худди диалектларни атрофлича ўрганиш ишларини амалга оширишда профессорлар Ф.А.Абдуллаев, М.Мирзаев, А.Алиев, А.Шерматов, Б.Жўраев бажарган ишлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбек шевалари лексикасини ўрганишнинг йўналишани белгилада С.И.Иброҳимовнинг ишлари етакчи роль ўйнайди.

Ўзбек диалектологиясида қипчоқ лаҳжаси ўзининг диалектал ва ҳудудий хусусиятлари билан ажралиб туради. Қипчоқ диалектлари бўйича йирик илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олим Х.Дониёров ва Н.Ражабов лардир.

Ҳозирги вақтда Ўзбек диалектологиясининг турли соҳалари бўйича иш олиб бораётган диалектологлардан Н.Ражабов, Қ.Муҳаммаджонов, О.Мадрахимов, А.Жўраев, Ш.Носиров, Й.Иброҳимов, С.Раҳимов, Х.Алимуродов каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки номлари қайд этилган олимлар Тошкент, Қўқон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм (ўғуз), қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон республикасидаги ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик структураси, лексикаси, диалектал лексикасининг айрим қатламларини қиёсий-тарихий усулда ёритиш бўйича иш олиб бордилар ва бормоқдалар.

Бу олимлар ишлари туфайли ўзбек диалектологияси фан сифатида шаклланди ва деярли барча лаҳжа ва шевалар синхроник тарзда ўрганиб чиқилди, лугатлари тузилди.

Ўзбек диалектлари ҳамон тадқиқот объекти бўлиши мумкин, яъни эндиликда ўзбек шеваларининг барча масалалари бўйича назарий муаммолар: ўзбек шевалари фонологияси, туркий диалектология, этимология туркий тиллар билан қиёсий жиҳатдан ўрганилиши керак. Бу каби масалаларнинг ўрганилиши ўзбек тилшунослигини янада бойитишга хизмат қилади.

ФОНЕТИКА. ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ ВОКАЛИЗМИ

Р Е Ж А:

1. Шевалараро унли фонемаларнинг сон жиҳатидан муносабатлари.
2. Ўзбек шеваларида унлиларнинг лабланиш – лабланмаслик ҳодисаси.
3. Ўзбек шеваларида унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги масаласи.
4. Юқори кўтарилиш лабланмаган (и, ъ, ь, ы) унли фонемалари.
5. Юқори кўтарилиш лабланган (у, ү) унлилари.
6. Юқори ўрта кўтарилиш лабланмаган (е, э ва ё) унли фонемалари.
7. Лабланган о ва ө унли фонемалари.
8. Қуйи кўтарилиш унли фонемалар (э, а, о).
9. Оҳангдошлик.

Шевалараро унли фонемаларнинг сон жиҳатидан муносабатлари. Ўзбек тилида сўзлашувчи жамоа жойлашган ҳудудга назар ташлаб, шевалар бўйича фонемаларнинг муносабатини сон жиҳатдан қарасак, бир қанча шеваларнинг ягона бир марказга – адабий тил талаффуз нормаларига асос бўладиган марказга қараб йўналишини кўрамиз. Республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Тошкент шу йўналишларнинг асосий пунктидир. Чунончи: 1. Тошкент-Андижон, 2. Тошкент-Бухоро, 3. Тошкент-Урганч (Хоразм), 4. Тошкент – Туркистон. Ягона марказдан узоқлашган сари биринчи, учинчи ва тўртинчи йўналишларда (охиргиси Қозоғистон ҳудудида жойлашган) унли фонемалар сони кўпая боради. Иккинчи йўналишда эса ўзбек шаҳар шеваларига хос бўлган унли фонемаларнинг типик таркиби асосан сақланади. Аммо унли фонемаларнинг сифат жиҳатдан тавсифи бирмунча бошқачароқ тус олади. Бу йўналишларнинг бўлиниши шартли деб тушуниш лозимдир, чунки кўрсатилган тўртта йўналишнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир қатор чекланишларга эга, бу диалектология курсида алоҳида текширилади.

Адабий тил билан шевалар ўртасидаги фонетик муносабатлар. Адабий тилнинг шаклланишида бевосита иштирок қилган баъзи ўзбек шеваларининг унлилари ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Тошкент-Фарғона типидagi шаҳар шевалари ҳамда шаҳар шеваларининг талаффуз ва лексик-грамматик хусусиятларига ўхшаш бўлган кишлоқ шевалари адабий тилнинг шаклланишида етакчи роль ўйнайди. Ўзбек тили тараққиётининг барча даврларида вужудга келган энг прогрессив хусусиятларни ўзида акс эттирганлиги сабабли шаҳар шевалари етакчи шевалар ҳисобланади. Аксинча, ж-ловчи шевалар консерватив характерга эга бўлиб, бу шевалар вокализмида кипчок лаҳжасининг традицион хусусиятлари катъий равишда сақланган. Бу икки кутб шевалар (й-ловчи ва ж-ловчи шевалар) орасида фонетик ва морфологик хусусиятлари жиҳатдан адабий тил ва жонли шеваларнинг ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келган кўпгина мураккаб ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган шевалар ҳам бор эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида кўрсатилгандек, ўзбек халқ шевалари товуш таркиби ва фонетик хусусиятларига кўра икки катта гуруҳга бўлинади. Булардан бири ж-ловчи шевалар бўлиб, булар ўзбек адабий тилида сўз бошида келадиган й ўрнига дж фонемасини ишлатади. М: йол ўрнига джол, йсмон ўрнига джаман, йоқ ўрнига джоқ.

Ж-ловчи шевалар ўзбек адабий тилидан бошқа фонетик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. М: орфографик о ўрнида тил орқа а товуши ишлатилади.

М: ад. -орф. ота (отә) ж-ловчи (ата) ад. -орф. бола (бәлә) ж-ловчи (бала). Фақат баъзи ж-ловчи шеваларгагина о-лаш хусусиятига эга. Бундай шевалар қаторига Самарқанд вилоятидаги қозоқ-найман шеваси, Тошкент вилоятидаги қурама шеваларининг баъзилари ва бошқа шевалар қиради. Шунингдек ж-ловчи шевалар сингармонизмга бўлиши билан характерланади.

Ж-ловчи шеваларда ўзбек адабий тили нормаларидан четга чиқиш ҳоллари кўплаб учрайди. Қозоқ тилига яқин бўлган дж ўрнига ж ишлатиладиган шевалар ҳам ж-ловчи шевалар қаторига қиради.

Ўзбек шеваларининг иккинчи гуруҳини о-ловчи ва а-ловчи гуруҳчаларга бўлинувчи й-ловчи шевалар ташкил этади. а-ловчи шевалар сингармонизмдир. й-ловчи гуруҳнинг а-ловчи шеваларида (Шимолий ўзбек, Туркистон, Икон, Корабулоқ, Манкент ва Хоразм шевалари) қадимги туркий чўзик унлилар мустақил фонема сифатида ишлатилади.

Ўзбек халқ шеваларида унли фонемаларнинг сони. Ўзбек халқ шевалари ўз таркиби жиҳатидан мураккабдир. Ўзбек тили диалектлари комплекси таркибига қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари киради. Бу лаҳжаларнинг ҳар бири, ўз навбатида, вокализми жиҳатидан, фонетик ноўхшашликларга эга бўлган шеваларга бўлинади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда 9-10 та унли фонема бор. Ўғуз лаҳжасидаги шевалар эса товуш жиҳатдан анча мураккаб, чунки уларда баъзи унли фонемалар сифат жиҳатидангина эмас, балки микдор жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилади. Бу лаҳжадаги шеваларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, буларда маъно фарқловчи, яъни маълум семантик функцияга эга бўлган ва мустақил фонема ҳисобланадиган алоҳида чўзик унли товушлар мавжуд. Ўғуз лаҳжасидаги шеваларнинг вокализми системаси мутлоқ чўзик ва мутлоқ қисқа фонемалардан ташкил топган бўлиб, бу фонемаларнинг сони баъзи шеваларда 18 тага қадар боради.

Ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларда унли фонемалар сони 6-7 тадан ошмайди. Тошкент ва Самарқанд шеваларининг вокализм системаси 6 фонемалик бўлиб, бу фонемаларнинг баъзилари сифат жиҳатдан фарқ қилади.

Тошкент тил шеваларида – Ъ, е, э, ɛ, о, у

Самарқанд тил шеваларида – Ъ, е, а, о, ɛ, у

Бу вокализм (Самарқанд шеваларига хос хусусиятлар сақланган ҳолда) Бухоро ва Қарши шеваларига ҳам таълуқлидир. Худди шундай хусусиятни Ленинобод (Эски Хўжанд) ва Чуст шеваларида ҳам кўриш мумкин.

Қўкон ва Марғилон шеваларида сифат жиҳатдан фарқ қиладиган аммо микдор жиҳатдан фарқланмайдиган 7 фонема (Ъ, у, е, о, э, а, ɛ) мавжуд. Бу шеваларнинг унлилари системасида Тошкент ва Самарқанд унлилари системасидан фарқ қиладиган орқа қатор куйи кўтарилиш а унли фонемаси сақланган. Шундай қилиб, бу шеваларда Тошкент шеvasидаги э, ɛ Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хўжанд, Чуст шеваларидаги а, ɛ ва адабий тилдаги а ва о каби икки унли фонема ўрнига уч кенг унли фонема а, э, ɛ борлигини кўрамиз. Бу шеваларда а фонемаси куйи кўтарилишдаги унли фонемалар ўртасида оралик фонема ҳолатини сақлаб қолган. Аммо бу уч фонеманинг сўзлардаги тарқалиши Қўкон ва Марғилон шеваларида бир хил эмас.

Худуд жиҳатдан Марғилонга яқин бўлган Водил қишлоғининг шеваси, шунингдек, Жиззах шеваси ва Тошкент вилоятининг атроф шевалари Тошкент шаҳар шевасининг унлилари системасига ўхшайди.

Андижон, Шаҳрихон шеваларида Фарғона водийсининг бир қатор қишлоқ шеваларида (мас., Сарой), Туркистон шеваси, ўзбек тилининг қорақалпоқ диалекти, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг ж-ловчи ўзбек шеваларида, шу жумладан, Тошкент вилоят Оҳангарон водийсининг қурама шевалари вокализми таркибида 9,10 та фонема мавжуд.

Бу унли фонемалар тубандагилар:

Тилнинг кўтарилиши ўрнига кўра		Тил олди (олдинги қатор)		Тил орқа (орқа қатор)	
лаб иштирокига кўра		лабла- маган	лабла- ган	лабла-ма- ган	лабла- ган
тилнинг кўтарилиш даражасига кўра (тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра)	юқори кўтарилиш (тор)	и (ёки Ъ)	ү	ы (ёки Ь)	у
	ўрта кўтарилиш (ярим тор)	е э е	ө		о
	қуйи кўтарилиш (кенг)	а		а	э

Кўринадики, схемадаги 12 катакчадан фақат иккитаси бўш қолган, булар ўрта кўтарилиш, лаблалмаган орқа қатор ва қуйи кўтарилиш, лабламанган олдинги қатор унлилар катакчасидир. Ҳақиқатдан ҳам, ўрта кўтарилиш, тил орқа лаблалмаган ва қуйи кўтарилиш, тил олди лабламанган унлилар мустақил фонема сифатида бизга маълум бўлган ўзбек шеваларида йўқ.

Ўзбек шеваларида унлиларнинг лабланиш-лаблазмаслик ҳодисаси. Тошкент типидagi шевалар вокализмида, шунингдек, ўзбек адабий тили вокализмида унлиларнинг лабланиш ҳолати аста-секин камайиб, аксинча, тилнинг танглайга томон кўтарилиш даражасига кўра юқори кўтарилиш унлиларининг ўрта кўтарилиш унлиларига ва ниҳоят, кенг унли фонемаларга ўтиши аста-секин кучайиб бормоқда.

Юқори кўтарилиш унлилари и ва у (ё ва ү) ни асосий фарқи уларнинг лабланиши ёки лаблазмаслигидадир. Тилнинг горизонтал йўналишига кўра бу икки фонема Ъ, ү ва адабий тилдаги и, у ўзининг комбинатор вариантларига эга, бу комбинатор вариантлар адабий талаффузда ҳам ўз аксини топган. Масалан: қирқ, қиз, қиш каби сўзлардаги адабий орфоэпик и товуши тил орқа Ъ (қърқ, қъз, қъш) каби талаффуз қилинади. Аксинча, қул, гул, қуя, қучук каби сўзлар талаффузида аф.-орф. у товуши олдинги қатор ү каби талаффуз қилинади (қүл, гүл, қүйэ, қүчүк) ва бу и, у унлиларининг позициясига кўра тил олди ва тил орқа бўлиб туриши аниқ сезилади.

Ўрта кўтарилиш унлилари е, о дан фақат о//ад.-орф. ў унлисидагина кўринади. Сол., қол, кел.

Қуйи кўтарилиш унлиларида лабланиш ёки лаблазмасликка нисбатан тилнинг горизонтал йўналишига кўра фарқланиш устун. Шу сабабли ўзбек адабий тили вокализмида ҳам, Тошкент типидagi шевалар вокализмида ҳам о фонемасининг лабланиши факультатив характердадир.

Фарғона шеваларининг баъзилари (хусусан, Марғилон ва унга ёндаш шевалар) вокализмидаги фарқ юқорида кўрсатилганидек қуйи кўтарилиш унлиларида учрайди. (Марғилон э, а, э//Тошк э, э//ад.-орф. а, о). Марғилон шеvasида учрайдиган а, э кенг унлилари алоҳида фонема бўлиб, бир-бирдан лабнинг иштироки билан фарқланади.

9, 10 та унли фонемага эга бўлган ўзбек шеваларида умумнорма сифатида лабнинг иштироки ва тилнинг горизонтал йўналишига кўра ажралиш принципining қолдиғи маълум даражада сақланган **е-о** ва **ө-о** (юкори-ўрта кўтарилиш); **и-ы, и-ү, ү-у** (юкори кўтарилиш) ва **э-а, а-э** (қуйи кўтарилиш) каби жуфт унлиларни киёс килинг.

Ўзбек шеваларида унлиларнинг чўзиқ-қисқалиғи масаласи. Баъзан ўзбек шеваларида унлилар чўзиқ-қисқалиғига кўра маъно фарқлаш учун хизмат қилади. М: Икон, Қорабулоқ ҳамда жанубий Хоразм шеваларида чўзиқ унлилар мустақил фонема сифатида сақланган.

Қорабулоқ шеваси вокализми:

тор	и/ү	ы/у
ярим тор	е/ө	о
ярим кенг	э	а

ҳамда **а:**, **о:**, **и:** каби мустақил чўзиқ унлилардан иборат. Мисоллар: **а:т** (**а:д**) – **от** (исм), **ат-от** (хайвон); **а:ч** (**а:ш**) **а:ж** – **оч** (қорним **оч**), **ач-оч** (эшиқни **оч**); **о:т** (**о:д**) – **ўт** (олов), **от** – **ўт** (ўсимлик) ва бошқалар.

Ўзбек шеваларида иккинчи даражали (иккиламчи) унлилар. Ўзбек шеваларида иккинчи даражали сўз маъноларини фарқламайдиган унлилар ҳам мавжуд. Ёндош ундошнинг тушиши натижасида (**шәҳәр** > **шә:әр** > **шә:р** каби) вужудга келадиган иккинчи даражали чўзиқ унлилар ўзбек шеваларида кўпплаб учрайди. Булар: Нам. сәтәмән бу санду: нъ (<сандукнъ) //ад.-орф. Сотаман бу сайдиқни; Тошк. келу: дъ <келувдъ; Тошк. те: мз <тегмә.

Фонетик ультра чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик). Фонетик ультра чўзиқлик (эмфатик чўзиқлик) ўзбек шеваларининг ҳар бирида турлича кўринишига эга бўлиб, фонетик фонематик бўлмаган ҳодисадир.

Наманган шевасида учрайдиган ультра чўзиқлик товушларнинг тушиши билан ҳам, товушлар комплексини тушиб қолиши билан ҳам боғлиқ эмас, бунда унлиларнинг узунлиги алоҳида жумла оҳангдорлиғи билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Мас., Мәм бўлмә: **мән**// ад.-орф. мен билмайман. Наманганликлар нутқида ҳозирги-келаси замон феълининг талаффузидаги интонация кўтарилиб бориб охириги бўғинда эса бирдан пасайиб кетади. Бу интонацион ҳаракатни график усулда қуйидагича кўрсатиш мумкин: көпә :: дъ, кърә :: дъ, келә :: дъ.

Юкори кўтарилиш лабланмаган (и, ь, ы, ё) унли фонемалари.

и фонемаси. Одатдаги туркий **и** – тил олди, лабланмаган, қорақалпоқ тилидаги **и** га ўхшаш ва қозоқ тилидаги **і** га яқин унли товуш. Бу фонема турли шеваларда турли товушлар билан алмашинади.

и товуши ж-ловчи ўзбек шеваларида, худди қорақалпоқ тилидаги каби юкори-ўрта кўтарилиш лабланмаган унли томон ривожланган. Шунинг учун бу унли акустик жиҳатдан очиқ **и** каби эшитилади ва ёпиқ **е** га яқинлашади, кўпинча, ургусиз бўғинларда **е** лашади.

Ўзбек шеваларида **и/е(э)**, **ь/е** унлиларининг алмашиниши (ўтиши) сўз бошида, шунингдек, кўшма сўз ва грамматик формаларда эса сўз ўртаси ва охирида спорадик ҳолатда учрайди.

Мисоллар: жл. исәп ~ хисәп~ хесәп//йл. Тошк. хъсәп// ад.-орф. хисоб.

Қорабулоқ ничә// нэчә// ад.-орф. неча; жл. эди//иди (джэбэдим– боби дим); Нам. берос// ад.-орф. бир оз; умът//умет// ад.-орф. умид.

и фонемаси й ва ш товушлари билан ёндош келганда, дж таъсирида, олдинги каторлик ҳолатини саклайди: пийэлэ//джигэр//мәшинэ//ад.-орф. пиёла, жигар, машина.

Бурун товушлари м, н, нг лаб товуши б ва тил орка к, г товушлари билан ёндош келган и товуши тилнинг оркарок тортилиши билан талаффуз қилинади. Шундай қилиб, бу товуш и>ы унлилари ўртасидаги оралик товушга ўтади ва эшитилиши жихатдан тил орка ы товушига яқин, аммо рус тилидаги ы га ўхшамайдиган бир товушга айланади: олты, мынг.

Ъ фонемаси шаҳар шевалари ва ўзбек адабий тилида оралик (индифферент) товуш бўлиб, ы ва и нинг бирикиши (конвергенцияси) натижасида ҳосил бўлган. Қиёс қилинг: йл. Тошкент. кър//ад.-орф. кир ва кър// ад.-орф. кир: ж-ловчи ва сингармонистик шеваларда кир ва кыр.

и товуши э ва а га ўтади. и>э ва ы>а утиши худди ь > э каби фақат сўз ўзак-негизларида эмас, балки аффикс ва юкламаларда ҳам учрайди. тоғры// тувра- тўғри; патаха- фотиха; наарах-нарирок. Болама- бўладими? жл. нэсэхэтти қылып; ад.-орф. янги//йл. йэнгь// Тошк. йенгь// жл. джанга (джанга рақ). Ҳозирги – келаси замон сифатдоши аффиксларида ад.-орф. берадиган// жл. бэрэтыган: қиёс қилинг: Марғ. берэдэгэн.

и>э га ўтиши сўз бирикмаларида ҳам учрайди: ад.-орф. ўн икки// онәки, эрта билан// йл. ертә мьнән// джл. эртәмәнән.

Юқори кўтарилиш лабланган у, ү унлилари. у фонемаси орка қатор, қисқа унли товушдир. Барча сингармонизмли ўзбек шеваларида учрайдиган у фонемаси бошқа туркий тиллардаги тил олди у унлисига ўхшайди.

Бу икки фонема сингармонизмли шеваларга бир-биридан сифат жихатдан фарқ қилади, сўз маъноларини фарқлайди. үч// ад.-орф. уч (сон), уч// ад.-орф. уч (учмок феълининг ўзаги).

Ж-ловчи ва сингармонизмли й-ловчи шеваларда у, ү фонемалари сўзларнинг барча бўғинларида кела олади: үстә-уста, джүган-юган, йүгүрүп-югүриб.

Кўрсатиш олмошларида у ва ү унлиларининг юқори ўрта кўтарилиш унлиларига ўтиши айрим ж-ловчи шеваларда ва қисман қурама шеваларида аниқ кўринади: ад.-орф. шу// жл. шо

у>о ҳолати, уйғур тилидаги каби, Наманган, Қорабулоқ, Тошкент ва бошқа шеваларда уй, қуй (оҳанг) сўзларида ҳам учрайди. Тошкент кой (йэхшг койәкән йәнә бър чәлътг)// ад.-орф. қуй (яхши қуй экан, яна бир чалинг).

э у, ү фонемалари баъзан иккинчи даражали чўзикликка эга бўлиши мумкин: ққ. сувурып//су:урып (суғуриб), эчувланып//эчу:ланып, турувдык туру:дык. ад.-орф. суғуриб, ачигʻланиб, турган эдик. су:бэт, мут:эджд болуб (мухтож бўлиб) х нинг тушиши ҳисобига чўзилашти.

у>ы га ўтиши мумкин: жл: бул//был (иш), манда (бунда) маймыл (маймун), мәлим (маълум).

Юқори-ўрта кўтарилиш унли фонемалар. Ўзбек халқ шеваларида мавжуд бўлган лабланмаган е, э, е ва лабланган о, ө унлилари киради. е, э, е, ө унлилари олд қатор, о унлиси эса орка қатордир.

е фонемаси. Бу фонема ёпиқ унли товуш бўлиб, й-ловчи шаҳар шевалари, шунингдек, ўзбек адабий тилида учрайди.

е фонемаси сифат жиҳатдан ўзбек шевалари вокализмидаги энг тургун фонемадир. Бу фонема (спонтан ҳолатда) нисбий чўзиқликка эга бўлади ва ургусиз бўғинларда, икки жарангсиз ундош ўртасида келганда, кўпинча, редукцияга учрамайди.

Артикуляцион-акустик жиҳатдан бу унли рус тилидаги ундош товушлардан кейин келган (Мас., дети сўзидаги) е унлисига яқинлашади. Мисоллар: Тошк., Марғ., Нам. екън, еркэк, кенгәйде; Қорабулоқ.есидин кедип, енди гошни апчик// ад.-орф. экин, эркак, кенгайди, ҳушидан кетиб, энди гўштни олиб чик.

Едъ, емас тўлиқсиз феълларида е унлиси тушиб қолиши мумкин. Тошк., Нам., келгән-мәс, мәнгә тушкән-мәс (чушкән - мәс).

э фонемаси. Бу фонема ж-ловчи (сингармонизмли) шеваларга хос бўлиб, шаҳар типидagi шеваларда спорадик равишдагина учрайди. Сифат жиҳатдан е фонемасидан фар қиладиган юкори-ўрта кўтарилиш э типидagi бу нормал товуш оғизнинг ёпилиш даражаси жиҳатдан тахминан қорақалпоқ, қозоқ, нўғой, қумуқ тилларидаги типик қипчоқ э товушига тўғри келади. Бу товуш сифат жиҳатдан рус тилидаги ўзига ўхшаш товушга киёс қилинса, дети сўзидаги е унлисига нисбатан бир қадар очик, лекин дело сўзидаги е унлисига нисбатан бирмунча ёпиқ эканлиги кўринади. Бошқача айтганда, русча дело сўзидаги е унлисига нисбатан ўзбек тилидаги э унлиси тилнинг бирмунча юкори кўтарилиши билан талаффуз этилади; бу фонема тез талаффузда русча эти сўзидаги э унлисига яқинлашади, баъзан эса ўхшаб ҳам кетади. Мисоллар: жл. қур. мән минг тэбә кэтәмән, кэлэй, нэччә, пэчә джылға кетгән, кэчә гайтқан // ад.-орф. кеча қайтган.

э унлисининг дифтонглашиши. Аялаут ҳолатдаги э унлисининг дифтонглашиши ж-ловчи шевалараро ҳар хил кўринишга эга. Бошланғич элемент (форшлаг)нинг кучига қараб дифтонглашиш ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, баъзи ж-ловчи қурама шеваларида дифтонглашиш ҳодисаси максимал даражада бўлса ҳам, бошқа ж-ловчи шеваларда эса бирмунча камроқ кўринади.

Ж-ловчи шеваларда юкори-ўрта кўтарилишдаги лабланмаган э унлиси тубандаги кўринишларга эга:

Йэ ёки из – максимал даражада дифтонглашиш, из спорадик ҳолатда учрайдиган камайиб борувчи дифтонглашиш (дифтонглашишнинг бу тури форшлагнинг кучи ва сифатига боғлиқ). Мисоллар: жл. қур. изки, изгибджа тыр, изшшәйигә, йәкки, йәллив, йәртә.

э унлисининг и унлисига ўтиши. Ад.-орф. э ж-ловчи шеваларда кўпинча и унлисига ўтади ва ўзидан кейинги ундошни юмшатади: ад.-орф. эгни> жл. қур. ийни, ийнигә. Сол., қирғ. ийин: ийиндән тоону алыб ташлагандай.

е товуши ривожда и ёки э товушлари унинг охириги чегарасидир. е> э ҳолати экан, эмас ёрдамчи феълларда кўпроқ учрайди. бар экәндә ждог экән, шуйәмәс.

Ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда факультатив-спорадик равишда, э унлисининг лабланиш ҳолати ҳам бор. Мас., жл. бәдәнә-бедана, туруб-өдә туриб эди; киёс қилинг: Тошк., Нам. боттә < беттә, до:дъм(чўзик о: билан) нучу: (чўзик у: билан) < нучук-нечик.

Бўғиз **х** ёки тил ўрта **й** товушларининг тушиб қолиши натижасида равишда чўзик **э**: товуши пайдо бўлади: жл. мэ:нэткэш, мэ:рибэн// ад.-орф. меҳнаткаш, меҳрибон.

й товушининг тушиб қолиши натижасида чўзик **и**:<э пайдо бўлади. ди:дэ – дейди.

Лабланган **о** ва **ө** унли фонемалар

о фонемаси. Бу товуш тил орқа, одатдаги туркий **о** дир. тоққуз йарым постун, тойдэ, соқым//ад.орф. сўким, қиёс қилинг: ад.-орф. бўрдок.

ө фонемаси. Бу товуш тил олди, одатдаги туркий **ө** дир. сөз, сөйлэдинг, кел.

Ж-ловчи шеваларда учрайдиган бу фонемалар анлаут ҳолатда қозок ва қорақалпоқ тилларидаги **о**, **ө** фонемалари хусусиятларига эга бўлади. Бу фонемалар ҳам **э** фонемаси каби сўз бошида дифтонглашади **уө** ва **үө**: уон, үөрдэк, уорта эвил қышлагы, уорын, уорак // ад.- орф. ўрдак, ўрин, ўрок; үө дифтонгига мисоллар: үөрдэк// үөрдүк, үөлэн//ад.-орф. ўрдак, ўлан.

Куйи кўтарилиш унли фонемалар

Ж-ловчи ва й-ловчи ўзбек шеваларидаги тубандаги унлилар киради.

а) олд қатор **э** ва **с**

б) орқа қатор **а** ва **о**

э унлиси ж-ловчи ва й-ловчи шеваларнинг барчасида ҳам учрайвермайди. Ж-ловчи шевалардан қозок-найман ва курама шеваларининг баъзиларида **э** унлиси мустақил фонема сифатида, бошқа ж-ловчи шеваларда эса **а** фонемасининг варианты сифатида учрайди. Бу фонема сингармонизмли й-ловчи шеваларда, масалан, Қорабулоқ, Иқон ва бошқа а-ловчи гуруҳ шеваларда йўқ.

э фонемаси сифат жиҳатдан шевалараро ҳар хилдир. **э**, **е**, **э**, **э** фонемалари сўзларда ҳам бир хил тарқалган эмас. Масалан, **а** унлиси Марғилон шеваларига нисбатан Наманган шеваларида кўпроқ қўлланилади. Марғилон шеваларида бу фонеманинг кам ишлатилишига сабаб факат чуқур тил орқа ундошлар билан ёнма-ён келишидир. Аксинча, **а** унлиси Марғилон шеваларида Наманган шеваларига нисбатан кўпроқ учрайди, чунки Наманган шевасида **э** унлисига эга бўлган сўзлар кўпинча **е** товуши билан талаффуз этилади. **э** ва **э** унлиларининг тарқалиши Наманган ва Марғилон шеваларига нисбатан Тошкент шеваларида кўпроқдир.

Тил олди **э** унлиси. **э** фонемаси очиқ, лабланмаган товуш бўлиб, у маълум фонематик ҳолатларда комбинатор равишда **а** унлисидан пайдо бўлган ва **э** фонемасининг максимал кенг вариантидир. Бу унли барча ўзбек шеваларида учрайди, аммо сифат жиҳатдан бу фонема шевалараро бир хил эмас. Қиёс қилинг: Нам., Марғ., Тошк. **э**, Қорабулоқ - Иқон. **е**, Сам., Бух., Хўжанд **а** (охирги **а** русча дал сўзидаги **а** товушига яқин).

Йл. Тошк., Нам., Марғ. мэмлэкэт, сөбзъ Хор. гэшър, дэрров, Қорабулоқ.шэргэ барып; жл. мэйэк, эзэмэт, пэтир.

Кўпгина шеваларда сўз бошида ва биринчи бўғинларида **э** унлиси ад.орф. **о** унлиси ўрнида қўлланади. жл. эбрийли, дэри, эдэт. **э**е нерсэ, жл минг төбэдэ ишлэydi.

Жл-ловчи шеваларда ад.-орф. олмоқ феълининг ўзагидаги о товуши э ёки э товуши билан талаффуз қилинади: э билан: эпкэп алып келип, эббэрэди алып бэрэди // ад.-орф. олиб келиб, олиб беради.

с//э/э алмашиниши ҳамма шеваларда сўзларнинг барча ўринларида учрайди: жл. нэрсэ, йснэ<йэнэ, кэмэмэс<кэмэмэс, кэнг~ келинг, жл. гирдэк ад.-орф. кекирдак.

Редукцияланиш натижасида э фонемаси е га ҳам ўтади. Наманган, слангач// (ялангач), йенгъ (янги).

Орқа қатор а унли фонемаси. а фонемаси лабланмаган, соф тил орқа, одатдаги гуркий а. Деярли барча ўзбек шеваларида бу унли нормал фонема ҳисобланади. Бироқ Тошкент типидagi й-ловчи шеваларда а>э ёки а>э ҳолати кенг тарқалганлигидан а фонемаси жуда кам учрайди.

ч, дж, й, ҳ ундошлари таъсирида а фонемаси юмшалиши мумкин а>э, масалан: ч, дж, х, й ундошлари билан ёндош келганда: чэч, чэй, чэчмэк // ад.-орф. соч, чой, сочмоқ; джэй, джэш, джэрағ//ад.-орф. жой, ёш, яроғ; бэхэ, эхвэл //ад.-орф. баҳо, ахвол; бийдэй, тэййар// ад.-орф. бугдой, тайёр.

й товушининг таъсирида а>э ўрнига а>э вужудга келишини ад.-орф. айт сўзининг шевалараро талаффузида ҳам кўриш мумкин. Қорабулоқ ва баъзи бир Тошкент шеваларида айт сўзи фонетик ўзгаришларга учраган. Бу сўз қисқариб ет формасига келиб қолган: айт >эйт >ет.

Қорабулоқ шевасида учала форма ҳам айт//эйт//ет мавжуд. Бу хусусият Тошкент ва Қорабулоқ шеваларини айт сўзида ай ўзагини сақлаган ж-ловчи ва баъзи Фарғона шеваларидан фарқлайди.

Икки бўғинли ясама феълларда а>э (яъни иккала а унлисининг ҳам э товушига ўтиши учрайди. Тошк.эз <эз, лекин эзгънэ//ад.-орф. озгина.

а унлиси яна тубандаги хусусиятларга эга:

1. а>ы. хыйал (хаёл), чийан (чаён).

2. а унлисининг лабланиши, яъни а>о: товак, Тошк.сэвэл ад.-орф. товоқ, савол.

3. Ёнма-ён келган ундош товушнинг тушиб қолиши ҳисобига а: унлиси чўзилади. йл. қышла:лъғадам// ад.-орф. қишлоқлик одам.

Тил орқа э фонемаси. э фонемаси ўзининг артикуляцион хусусият ларига кўра тил орқа а ва жуда кенг э унлилари ўртасидаги оралиқ товушдир.

Бу товуш мустақил фонема сифатида а-ловчи шевалардан ташқари, ўзбек шеваларининг барчасида учрайди. А-ловчи шеваларда э товуши фақат айрим сўзлардагина а фонемасининг варианты сифатида учрайди.

О-лашиш ҳодисасининг позицион сабабларини Тошкент шеваси материали жуда аниқ ёритиб беради, ж-ловчи ва й-ловчи шева материаллари эса, бу ҳодисанинг сабабларини аниқлашда ёрдам беради.

О-лашиш икки хил йўсинда юзага келади:

1. Лаб-лаб в товуши иштирок этган сўзларда: мас; жл. қур. кэлэйа-тыр>кэлватир>кэлэвэтыр>кэлэстыр. Фарғона сөвз>совзъ, брөвдъкъ>бров-дъкъ. Кейинги сўзларда а унлиси кучли лабланиб, очик о саби талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: Тошкентда бөрсәмъз>бөрсэвыз>бөрсөүзэ ёки бөрсәмъз>бөрсө выз>бөрсөүз >бөрсөүзэ.

2. Чуқур тил орка (қ, ғ, х) товушлари билан ёндош келганда, масалан, Тошкент тара>тарақ, қышла>қышлқк, сана>санақк: жл. қылғон, джоғалғон, қатын, кулқк.

Бу товушни артикуляцияон жиҳатдан ўзлаштириш жуда секинлик билан бўлган. У ёки бу позицияон ҳолатлардан қатъий назар, бу товуш аввал бир бўғинли сўзларда, кейинчалик икки бўғинли сўзларда юзага келган. Ж-ловчи шеваларда о-лашиш ҳодисаси фақат ўзбек адабий тили нормаларидангина фаркланмай (мас., жл. сары, эрық // ад.орф. сарик, арик), балки ёндош й-ловчи шевалардаги о-лашиш ҳодисасидан фарқ қилади. (мас., қозоқ-найман, джэман, джэқын, бэла//Самарқ. йамон, йақын, бала). Бу ҳол ўзбек шеваларида о-лашининг ҳар хил йўллар билан вужудга келганлигини кўрсатади.

Тошкент диалекти унлилар тизими

Тил олди	Инди́фферент	Тил орка
Тор ъ	(ы) у	у
Ярим тор е	ө	о
Кенг э		а

Фаргона диалекти унлилар тизими

Тил олди	Ини́фферент	Тил орка
Тор ү	ь ь	у
Ярим тор е ө		о
Кенг э		а а

Наманган диалекти унлилар тизими

Тил олди	Инди́фферент	Тил орка
Тор ү	ь	у
Ярим тор е ө		о
Кенг э		а а

Андижон диалекти унлилар тизими

Тил олди	Инди́фферент	Тил орка
Тор ү	ь ь	у
Ярим тор е ө		о
Кенг э		а а

Қипчоқ лаҳжасидаги унлилар тизими

Лабнинг иштирокига кўра	Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тўғри йўналишига кўра	Тил олди	Тил орка	Тил олди	Тил орка
Тилнинг тик ҳаракатига кўра				
Тор	и	ы	ү	у
Ўрта кенг	э		е	о
Кенг	э	а		

Оҳангдошлик. Оҳангдошлик ҳодисаси туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлиб, у товушлардаги уйғунликни, ўзаро оҳангдошликни таъминлайди. Одатда, оҳангдошлик ҳақида гап кетганда, кўпинча, унлилардаги тил олдилик ва тил орқалик, ҳамда лабланганлик ва лабланмаганлик тўғрисида гапирилади. Ваҳоланки, оҳангдошлик ҳодисаси бу билан тугамайди. Лаблаганлик, яъни лаб уйғунлиги фақат унли товушларга хос ҳодиса. Аммо танглай уйғунлиги қонуниятига биноан, товушлардаги тил олдилик ва тил орқалик хусусияти ҳисобга олинади. Бундай ажралиш нафақат унлиларда, балки тилмиз тарихига назар ташласак, балки ундош товушларда ҳам мавжуд бўлган. Қиёсланг: қағанга-ҳоқонга, алым – олим, қарз, оғызғару-ўғузга, соқум-сўқим, кучуг-кучни, козум-қўзим каби.

Оҳангдошликдаги учинчи жараён – бу ундош товушлардаги жаранглилик ва жарангсизлик ҳодисаси саналади. Бу жараён ҳам туркий тиллар тарихининг қадимги давридан бошлаб амал қилинган.

Оҳангдошлик эски туркий тил даврида ҳам мавжуд бўлиб, туркий тиллар тарихида бу жараён ҳақида дастлаб Маҳмуд Кошғарий фикр билдирган. Олим туркий тилларнинг ўзак характериға қараб қўшимчаларнинг қаттиқ, юмшоқликда фарқланганлигини таъкидлайди.

А.М.Щербақ эски ўзбек тили даврида биринчи тип, яъни танглай уйғунлигининг сақланган ва бузилган ҳоллари бор, иккинчи тип, яъни лаб уйғунлигида эса бузилиш ҳолати мавжуд деб кўрсатади. Академик А.Рустамов эса XV аср ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг ҳар учала қонуни, яъни унлилардаги танглай уйғунлиги ҳамда ундошлардаги жаранглилик ва жарангсизлик уйғунлиги бор деган хулосани билдиради: атасы (рабғ) - отаси, отурмаз (ХШ) - ўтирмас, қатла (МН) - қатла, сўлўк (Аттух фатуз)- ўзлўклўк, йўзўндин (МН) - юзингдин, тўшти (ХШ) - тушди, улуғлўғ (ХШ) - улуғлик, кўнўл (МН) - кўнгил каби.

Қипчоқ лаҳжасида ҳам тил тарихидаги оҳангдошликнинг ҳар уч ҳолати амал қилади. Хусусан, танглай уйғунлигига биноан ўзак ва қўшимчадаги тил олдилик ва тил орқалик ҳолати нутқдаги қулайлик боис сақланиб қолган: тиш + тин-тишининг; қол + диң - қўлнинг, экәси, ўкәси, тағасы, ағасы, сынды, тынды, кәлди, көрди, бәлди, көзўм, қолум(қолым, көзим), сөзўм(сөзим), төзўм, улум(улым) каби.

Қипчоқ лаҳжасида айрим ҳолатда лаб оҳангдошлиги бузилиши мумкин. Бироқ танглай уйғунлиги, яъни тил олдилик ва тил орқалик нутқда тўлиқ сақланади.

Ундош товушлардаги жаранглилик, жарангсизлик ҳодисасига ҳам қипчоқ лаҳжасида амал қилинади: иш+тән-ишдан, ўш+тә-учта, қыш+тан-қишдан, қыш + та-қишда, кәпти-келибди, кәтти-кетди, оқыш +та -ўқишда, қал +ды-қолди, бар+ды-борди, бөл + ды-бўлди, бөл +ды-бўлди, көр +ды-кўрди, сөз+гә, к өз+гә э, кәл +ди каби.

Одатда, оҳангдошлик ҳодисаси нутқда қулайликни таъминлаш, талаффузда бир меъёрни юзага келтиришда муҳим ўрин тутати. Шу билан бирга талаффуздаги ўша меъёр нутқда маълум биир мусиқа, оҳангни шакллантиришни юзага келтиришга ёрдам беради.

Ўзбек адабий тилида оҳангдошлик қонуният ақсарият амал қилади: Лабиал уйғунлик бузилгани билан ундошлардаги жаранглилик, жарангсизлик

ва танглай уйғунлиги нутқ равонлиги, унинг мушаквийлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИНИНГ КОНСОНАНТИЗМИ

Р Е Ж А:

1. Ўзбек шеваларидаги ундош фонемаларга умумий тавсиф.
2. Ўзбек шеваларидаги ундош фонемалар ва уларнинг комбинатор-позицион вариантлари тавсифи.
3. Лаб ундошлари.
4. Тил олди шовкинли ундошлар.
5. Тил олди сонор товушлар.
6. Тил ўрта фонемаси.
7. Тил орқа.
8. Бўғиз товушлар ҳ.

Ўзбек шеваларидаги ундош фонемаларга умумий тавсиф. Хилма-хил бўлган ўзбек шеваларининг консонантизм системасини фонологик жиҳатдан, яъни принципиал фарқ қиладиган ундош фонемаларни аниқлаш ва уларнинг талаффуз қилиниш хусусиятларини белгилаш учун, аввало, маълум гуруҳдаги шевалар ўзаро қандай хусусиятлари билан бир-бирига яқин ёки, аксинча, бир-биридан нималар фарқ қилишини аниқлаш лозим.

1. Бир-биридан принципиал фарқ қиладиган ундош фонемаларнинг миқдори ва уларнинг сифат жиҳатдан тавсифига кўра, й-ловчи шевалар ўзбек адабий тилига бирмунча яқин туради. Аммо Тошкент типидagi й-ловчи шеваларда учрамайдиган, бироқ ж-ловчи сингармонизмли й-ловчи шеваларда мавжуд бўлган ҳ фонемаси бундан мустаснодир.

Жанубий Хоразм шеваларидаги к, г ундошлари ҳам бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, тил орқа бурун нг товуши ҳам шевалараро бир хил эмас.

2. Барча ж-ловчи шевалардаги ундош фонемалар системаси деярли бир хил.

Чуқур тил орқа х товушининг сифат жиҳатдан тавсифи ва бу товушнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслиги билан ж-ловчи шевалар бир-биридан фарқ қилади. Консонантизм таркиби жиҳатдан ж-ловчи шевалар кипчок гуруҳидаги туркий тилларга биринчи навбатда қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз тилларига яқин туради.

3. Ж-ловчи шевалардаги дж аффрикати ўрнига ж фонемасини қўллайдиган шевалар ж-ловчи шеваларнинг алоҳида гуруҳчасини ташкил қилади. Бу шева вакиллари генетик жиҳатдан қозоқлар билан алоқадор бўлган, шу сабабли ҳам бу шеванинг консонантизми қозоқ тили консонантизмига ўхшайди.

Й фонемаси й-ловчи шеваларга нисбатан ж-ловчи шеваларда кам қўлланилади, чунки бу шеваларда қадимги туркий й товуши сўз бошида дж ёки ж товуши билан алмашади.

4. Ж-ловчи шевалар портловчи ундошлар ҳамда аффрикат товушлар артикуляциясида нутқ органларининг нисбатан кучсиз ҳаракат қилиши билан й-ловчи шевалардан, шунингдек, ўзбек адабий тилидан фарқ қилади. Бунга

ўхшаш ҳолат қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд. Бу ҳодиса барча ж-лавчи шеваларда учрайди ва биринчи навбатда, портловчи ҳамда аффрикат товушларни спорадик равишда сирғалувчи товушларга алмаштирадиган диссимилияция ҳодисаларининг содир бўлишига олиб келади.

5. Ж-ловчи (а- лашган гуруҳ) шевалар кипчок гуруҳидаги баъзи туркий тиллардаги, масалан, козоқ, қорақалпоқ тилларидаги каби чуқур тил орқа х фонемасининг учрамаслиги билан характерланади.

6. Сингармонизмли ва ж-ловчи шеваларда мавжуд бўлган фрикатив бўғиз х товуши козоқ тилидаги каби дж ўрнига ж ишлатувчи шеваларда ҳам учрамайди. Шу хусусияти билан бу шевалар ж-ловчи шевалардан фарқ қилади. Ж-ловчи шевалар эса х фонемасининг мавжудлиги билан й-ловчи Фарғона шеваларига, шунингдек, сирғалувчи бўғиз товуши мустақил фонема ҳисобланадиган қорақалпоқ тилига яқиндир.

7. Ўзбек адабий тили барча шевалардан (ҳали шеваларга тўла кирмаган) айрим фонемаларга ф, ж, ц эгаллиги билан фарқ қилади. Булардан ф фонемаси фақат Самарқанд-Бухоро гуруҳ шеваларидагина мавжуд. Рус тилидаги ж товуига тенг келадиган ж фонемаси ва қ фонемалари кўпинча байналминал сўзларда учрайди. Ф фонемаси қадим қабул қилинган сўзлар таркибида учраса-да, аммо барча шева вакиллари талаффузида (Самарқанд-Бухоро шеваларини мустасно қилганда) п фонемасига айланади, шунингдек, русча ж товуши ҳам, асосан дж тарзида талаффуз қилинади.

Ўзбек шеваларида қуйидаги ундош фонемалар бор.

1. Лаб ундошлари: п, б, ф, в, м. 2. Тил олди ундошлари: т, д, с, з, ч, (ж), ш, дж (ж), н, л//л, р. 3. Тил ўрта: й. 4. Тил орқа: к, (к/х), г (г/г), нг (нг/нг), х, к, г, (г). 5. Бўғиз: х, '.

Ўзбек шеваларидаги ундош фонемалар ва уларнинг комбинатор-позицион вариантлари тавсифи.

Лаб ундошлари: п, б, ф, в, м.

п фонемаси лаб-лаб, портловчи, жарангсиз, ундош фонема бўлиб, барча ўзбек шеваларида сўзларнинг барча бўғинида учрайди.

Ж-ловчи шеваларда п товуши интервокат ҳолатда, баъзан эса сўз охирида жаранглилашади ва бу товуш б ва п товушлари ўртасидаги ярим жарангли портловчи товуш каби эшитилади. Баъзан шеваларда п ўрнига б қўлланади. Жл. тэпа>тэбэ, тебэ//тэбэ//тэвэ; кэпэк>кэвэк//кебак, гөп>гөбим, джип>джоби, жл чап>чөвамыз, арық чөвамыз.

Самарқанд-Бухоро типидagi шевалардан бошқа барча ўзбек шеваларида ф товуши п товушига ўтади: пэзълэт, пэлэк, пурсэт//ад.-орф. фазилат, фалак, фурсат.

б фонемаси. лаб-лаб, портловчи, жарангли ундош. Лаб-лаб б ундошини талаффуз қилганимизда товуш пайчалари бирмунча титрайди. Бу хусусиятига кўра б товуши п товушидан фарқ қилади.

Баъзи сўзлар бошидаги ад.-орф. б (й-ловчи шевалардаги б товуши каби) ж-ловчи шеваларда мунтазам равишда п товушига ўтади: пйткэн, пйтти, пичтим, путун//ад.-орф. биткан, битди, бичдим, бутун.

Ж-ловчи шеваларда б>в ҳолати учрайди: хэйвэтти, элвэтти// ад.-орф. хайватли, олаялти.

Ўзбек адабий тилига асос булган барча шеваларда б//м товушларининг алмашилиши учрайди, лекин адабий форма сифатида сўз бошида м товуши эмас, балки б товушни қўллаш қабул қилинган.

Ж-ловчи шеваларда прогрессив ассимиляция ҳодисаси мавжуд: жл. джуммак<джумбоқ, кэммағал<кэмбөгәл, пәйшәммидәйеэй <пәйшәмбидән кейин.

ф ундош товуши. Бу фонема ўзбек адабий тили ва Самарканд-Бухоро тилидаги шеваларда қўлланилиб бошқа шеваларда асосан ф нинг ўрнига п ишлатилади. жл. пайда. йл. пәйдә, нәп, пурсәт// ад.-орф. фойда, наф, фурсат.

Адабий-орфографик ф ундоши ж-ловчи шеваларда факат жарангсиз п билангина эмас, балки жарангли б билан ҳам алмашинади. Масалан: эбзәл, шабдалы// ад.-орф. афзал, шафтоли. Бу мисолда факат ф>б эмас, балки т>д ҳолатини ҳам кўрамиз.

в фонемаси. Бу фонема бошқа туркий тиллардаги каби сирғалувчи, лаб-лаб ундошдир.

Шевалараро в товушининг сифат жихатдан икки типини учратиш мумкин.

1. Типик туркий, лаб-лаб в товуши. Бу товуш ж-ловчи сингармонизмни сақлаган ва й-ловчи шеваларда учраб бўгин ҳосил қилмайдиган у каби талаффуз қилинади. Инглиз тилидаги W товуши талаффузини киёс қилинг.

2. Й-ловчи шеваларда факат сўз бошида лаб-лаб в ва лаб-тиш в товушлари ўртасидаги оралик товуш учрайди. Бу тенденция, яъни типик туркий лаб-лаб в товушининг индефферент товуш билан алмашилиши шахар шеваларигагина хос. Бу товуш хилма-хил кўринишларга эга бўлиб, уни талаффуз қилганда, қандайдир ноаниқ, лаб-лаб фрикатив в ва лаб-тиш в товушлари оралигидаги бир товуш эшитилади.

в ундоши сўзларнинг барча бўгинларида ва ҳар хил позицияларда келади. Мисоллар: жл. тэвэрәк, әвләд, вэй-бой// ад.-орф.вой-вой: джавлик// ад.-орф. жамлик: кувурмач// ад.орф. кўғурмоч: тавак: әв//ав// ад.-орф. ов.

Адабий орфографик в шевалараро б ёки п фонемаси билан алмашинади: ад.-орф. сувамоқ>жл. сыбамоқ-шыбамоқ: ад.-орф. тарвуз>тарвыз//тарбуз: ад.-орф.увал>жл. обал, ад.-орф. товоқ>жл. табак.

Наманган типигаги баъзи й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда в>й ҳодисаси учрайди. М., суйунь// ад.-орф. сувини, жл сүймәк// ад.орф. севмоқ, сүйикли-сүйгили// ад. -орф. севикли.

м фонемаси. Лаб-лаб, портловчи ундош бўлиб, бурун резенаси билан талаффуз этилади. Сўзларнинг барча бўгинларида келади: жл. ва синг. йл камыш, мәрәкә, мәрәб, джетимнәр// ад.-орф. етимлар.

Баъзи сўзларда м фонемаси ы билан алмашинади: жл. бәйнә// ад.-орф. майна:бәлджәл//ад.-орф. мўлжал: сәбан//ад.-орф. сомон.

Сўроқ юкламасидаги м товушининг н га ўтиши м>н Қорабулоқ шеваси учун хосдир: бар-на// ад.-орф. борми? алдым-на//ад.-орф. олдимми? келди-нә//ад.-орф. келдимми?

Шевалараро м товуши прогрессив ассимиляцияга ҳам учрайди. Мас., ад.-орф. топмай// жл. таппай, чопмайди// жл чаппайды, топмаслар//жл. топпаслар.

Тил олди т, д, с, ч, ж, ш, дж, н, л, р ундош фонемаларни

Тил олди ундошлари овознинг ва шовкиннинг иўтирокига қўра иккига – шовкинлилар(т, с, д, з, ч, дж, ш, ж) ва сонорлар (и, р, л) га бўлинади.

Тил олди шовкинли ундошлар

Бу ундошлар жарангли-жарангсиз бўлишига қўра тубандаги жуфт фонемаларга бўлинади: т – д, с – з, ш – ж, ч – дж.

с, з ва ч, дж ундошларининг талаффузида (Тошкент – Фарғона типидagi шаҳар шеваларида) тилнинг ён томони кўпроқ иштирок қилади. т, д, и товушлари эса артикуляцион ва акустик жиҳатдан рус тилидаги ўзига мос юмшоқ унлиларга эмас, балки каттиқ ундошларга яқин туради.

т фонемаси. Тил олди, портловчи, жарангсиз ундош товуш бўлиб, сўзларнинг барча бўғинларида кела олади.

Кўпгина ўзбек шеваларида т фонемаси жаранглилашади ва д товушига ўтади. Мас., ж-ловчи шеваларда сўз бошида т товуши спорадик равишда жаранглилашади: жл. давуш//давыш, давшы, мылтықтың давышы чықты// ад.-орф. товуш, тор доғушуп// ад.-орф. тўкишиб.

Жанубий Хоразм шеваларида сўз бошидаги т товушининг жаранглилашиши нормал ходисадир: дағ, дил, дэмир, дэрэк// ад.-орф.тоғ, тил, темир, терак.

т>д ҳодисаси сўз ўртасида д ҳам учраши мумкин, мас, жл бадрак// бэдрэк//ад.-орф. батрак: Қорабулоқ, қырылып кедэр- экэ// ад.-орф. кирилиб кетар экан.

Кўпчилик шеваларда т>ч ҳодисаси ҳам юқоридагидек, спорадик характерга эга: туш-чуш, тиш//тыш-чиш//чъш. Мисоллар: жл. чушмэсин// ад.-орф тушмасин. йл. Наманганда чуш кодтэм-чуш кордэм//ад.-орф. туш кўрдим.

д фонемаси. Портловчи т фонемасининг жарангли жуфтидир.

д товуши барча ўринларда: сўз бошида, сўз ўртасида, қисман эса, сўз охирида келади. дэрд, дэри, бэдрын, қэдьр, олдирмоқ.

с фонемаси. Тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошдир. Спорадик равишда сўз охирида с товушининг жаранглиланиши учради: жл. мыраз// ад.-орф. мерос.

Баъзи сўзлар бошида (ч//с) товушлари алмашади: ад.-орф.соч// жл. чеч//йл. сэч//чэч: ад.-орф. сичқон// жл. чъчқэн, чъшқан, йл. съчқэн~чъчқэн.

с>ш товушлари алмашади: ад.-орф. супурги// жл.шыпыргы, ишбитки. Қиёс қилинг: Марғилонда шъпъткъ// Наманганда шупургъ// Хоразмда съпсэ.

Сўз бошида с товуши дж билан алмашади: ад.-орф. совчи// жл. джавчи.

с>т билан алмашади: ад.-орф. сирпанчик//Тошк., търпанчъқ-тйғэнчук.

ст>ч билан алмашади: ад.-орф.кистамок//жл. қычамақ, қычэв// ад.-орф. кистов.

з фонемаси. Сирғалувчи с ундош фонемасининг жарангли жуфти. Сўзларнинг ҳамма бўғинида келади. азғана, ўзақ, зор, йл. Тошкентда бэрэ вэс, келэвэс.

з товуши ассимиляцияга учраши мумкин: йл.Тошкентда, қэззэ-қэзнэ, сиззэ-сизнинг. жл. аччылык-азчылык.

з>й товуши й билан алмашади: жл. сойладим, сөйлэткэн.

ш фонемаси. Жарангсиз, сирғалувчи товуш бўлиб, рус тилидаги ш товушига нисбатан юмшоқ талаффуз қилинади ва палаталлашган ш каби эшитилади.

ш фонемаси ўзбек шеваларида сўзларнинг барча бўғинларида кела олади.

Айрим шеваларда ш фонемаси баъзан с товуши билан алмашади, жл. баш//бас, таш//тас, баш//бас.

ш фонемаси регрессив ассимиляция учрайди: жл. ишчи>иччи, кошчы>коччу, кошса>қосса.

ш товуши тушиб қолади. жл. ишшә//хишә//ад.-орф. шиша, маған, ишшәнгди бәр// ад.-орф. менга шишангни бер.

Факультатив спорадик ҳолатда учрайдиган шевалардаги тәйләгән-ташлаган// ад.-орф. ташлаган, джайнады-йашнади //ад.-орф. яшнади феълларидаги ш>й ҳодисасини кўрсатиш мумкин.

ч фонемаси. Тил олди, жарангсиз, аффрикат ундош бўлиб, бирмунча палаталлашган ҳолда ш каби талаффуз этилади. Бу товуш й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда учрайди ва статистик нормал фонема ҳисобланади: жл. кур. чэшувун чэшип бэрсанг, чэживини тэвынг; Тошк. чоч, эччу, чой, қулоч.

ч-ш билан алмашади: бу ҳодиса кўпинча т товушидан олдин келганда юз беради. Жл. ишти//йл.ыштъ-ичти//ад.-орф. ичди.

Кўпчилик шеваларда ч товушининг ассимиляцияга учраши кўринади. Мисоллар: жл. уссомнан-уч сомнан// ад.-орф. уч сўмдан, ассын-ачсын.

ж ундоши товуши. Бу товуш ўзбек шеваларида мустақил фонема сифатида учрамайди. Бу товуш ўзбек адабий тилида рус тилидан ва рус тили орқали кирган сўзларда учрайди. Шеваларда ж товуши одатда дж аффрикати билан алмашади.

Сирғалувчи жарангли ж фонемаси деярли барча ўзбек шеваларига энди кириб келаётган фонемадир.

дж фонемаси. Тил олди жарангли аффрикат, яъни элементлари алоҳида-алоҳида талаффуз этилмасдан, бир товуш каби талаффуз қилинадиган товушдир д+ж.

Й-ловчи шеваларда сўз бошида келадиган й товуши ўрнига ж-ловчи шеваларда дж товуши қўлланилади, шу хусусиятига кўра бу шевалар ж-ловчи шевалар деб юритилади. йл. йур// жл. джур.

Баъзи ўзбек шеваларида эса сўз бошида (дж) ўрнига (ж) товуши қўлланилади. Бу шеваларнинг шаклланиши тарихида қозок тили элементларининг таъсири борлигини кўрсатади.

дж>й товуши билан алмашади. Мэйлис-мажлис. Спорадик равишда дж>ш хусусияти учрайди. хуруш// ад.-орф. хуруж.

Тил олди сонор товушлар. Тил олди сонор товушларга н, л, р, товушлари киради.

н фонемаси. Тил олди, бурун ундошидир. н товуши билан бошланган сўзлар асосан, бошқа тиллардан, қисман араб ва форс тилларидан кирган бўлиб, асрлар давомида тилимизга сингиб кетган.

Кўпгина шеваларда спорадик равишда л/н алмашиниши учрайди: жл. ладан//надан// йл. нодән// ад.-орф. нодон: йл. койнәк//көйләк//ад.-орф. қўйлак.

Сандхи ҳолатда к ва қ ундошларидан олдин: жл. мэнг кэлдим, күң кэч, джақынг қалды//йақынг қалды.

н фонемаси м товушига ўтиши мумкин. н>м бу хусусият сандхи ҳолатда иккинчи сўз бошидаги б ёки п товушлари таъсирида юз беради. Бунда иккала сўз ҳам деярли бирикиб, бир пауза билан айтилади. Мисоллар: жл. мағам-бэрмэ<-маган бэрмэ, эсам босам<эсан болса. Йл. наманганда қчкэмболса<қчкэн болса: Тошк. мэм-бълмэгэнэкэммэн-мэн бълмэгэн экэнмэн: жл. бэлэм-пэс-балэн-пэс-балэнт-пэст//ад.-орф. баланд-паст.

Сўз охирида учрайдиган н фонемаси кўпчилик ҳолларда ассимиляцияга учрайди.

1) регрессив ассимиляция: жл. дэгэллэр <дэгэнлэр, алғаллар<алғанлар, эмаллык-эмонлык, Марғ. бомэсэ дэстэрхэллэрнъ (дэстэрхэнлэрнъ) тэйяр қълънг: Тошк. хэтыллэ<хэтынлэр:

2) прогрессив ассимиляция: жл. куннэри<кунлэри: йл. Тошк., Нам. ыш шъ<ышнъ, тузъ<тузнъ.

Шеваларда айрим морфологик категориялар (қаратқич ва тушум келишиклари аффикси ва шу кабилар) да н>л ва н>т ходисаси рўй беради: жл. ждибэктнинг//ад.-орф. ипакнинг: биздики// ад.-орф.бизники, йл. Фарғ. нондъ// ад.-орф. ноннинг.

н>т ҳолати ад.-орф. ҳеч нима бирикмасида ҳам мавжуд: ҳеч нима-хештмэ, Нам., ҳеч-тмэ>хыштмэ>ыштмэ>ҳеч нмэ. Марғ. хештмэ оп келмэдъ, хеш тмэ қомэптъ.

л фонемаси. л фонемасининг тил олди л' ва тил орқа л товушлари бор. Агар тил олди унли товушларидан кейин келса тил олди л', бошқа вақтларда тил орқа л варианты ишлатилаверади. күл', кул; кул боп қалды. л>н ходиса си м ёки нг бурун ундошларидан кейин учрайди: жл. кэмник// ад.-орф. камлик: ждэмнэди// ад.-орф. жамлади.

Спонтан равишда л товуши н товуши билан алмашади: масалан, ад.-орф. лекин// жл. нэкин: нэдэн, лэънат жл. лэдэн, нэ-лэт. Тошк. бэръйлук// бэръйнук, беръйнук: Нам. эвгэ чъкайнуг; Қорабулок, кезэйнунг, сузэйнунг.

Наманган шевасида л>н ҳолати, кейинчалик эса нг>й ҳолати вужудга келган. Масалан, келтүрүнглэр > келтүрүнгнэ// келтърынгнэ> келтүрүйнэ// келтърүйнэ > келтүру:нэ/келтър:нэ.

Ж-ловчи шевалардаги кўплик (сон) аффиксида бурун товушларидан кейин л>н ҳолати умумий ходисадир. Мисоллар: адамнар, қаттыннар// ад.-орф. одамлар, хотинлар.

л нинг ассимиляция ходисасига учраши: жл. тайыннап кэтти// ад.-орф. тайинлаб кетди. душманнарға// ад.-орф. душманларга Қорабулок. йақыннагганда <йақынлагганда ад.-орф. яқинлашганда.

л>н ходисаси фақат аффикслардагина эмас, балки сўз ўзакларида ҳам учрайди: жл. аллап// ад.-орф. алдаб, мэмнакэт, мангнай, конгнинг// ад.орф. мамлакат, манглай, кунглинг.

Регрессив ассимиляция: жл. бьммэндьм, айрыммайды// ад.-орф. билма дим, айрилмайди, йл. Самарканд, Қарши, қэлъ, келлъ// ад.-орф. қолди, келди.

Бир бўғинли феъллар ўзагидан морфологик формалар ясалганда, ўзак-даги л товуши мунтазам равишда тушиб қолади.

Ўттан замон равишдош формаси ясалганда, ўздан кейинги унли товуш билан биргаликда тушиб қолади: ад.-орф. килиб, килган (жл. қыб, қыган, ад.-орф. олиб келиб// жл. эпкэб: йл. кел>ке, Тошк. кевэттъ>келвэттъ, Нам. кемуттъ < келмуттъ. Қорабулоқ сэтни қолума а:дым <алдым).

Кўплик сон қушимчасидаги л товуши ҳам тушиб қолиши мумкин: жл.бизэр, сизэр// Тошк. бьэ ад.-орф. бизлар, сизлар.

р фонемаси. Тил олди, титроқ товуш. Ж-ловчи шеваларда сўз ўртасида баъзан чўзиқ р товуши келади. М: коррь – каръ – каръ.

р фонемаси факультатив – спорадик равишда қуйидаги товушларга алмашиши мумкин:

а) й: йл. йомэл// ад.-орф. ромэл, Анд. йөпэрэ// ад.-орф. рўпара:

б) л жл. энджил// ад.-орф. занжир, йл. зэлэл – зэрэр// ад.-орф. зарар. Тошк. дэвэл // Нам. дэвэл// дэвэл// ад.-орф. девол.

Й-ловчи шеваларда р товушининг й товушига ўтиш ҳоллари учрайди: Нам. йөпэрэмдэ олтургэн // ад.-орф. рўпарамда ўтирган. Тошкентда йомэл – ромэл// ад.-орф. рўмол. Қорабулоқ би:р >бий// ад.-орф. бир: ундан кейин бий (би:р) ноғай олар экэ, бир ба:р экэ, бий йо:к экэ, бий байынги бий къ:зъ ба:р экэ.

р фонемаси прогрессив ва регрессив ассимиляциясига учрайди: жл. мэттэ сүннэй, эттэн//ад.-орф. марта, сурнай, эрталаб. Нам. түддъ < турдъ, бозэллү<бозэрлэр. Киёс қилинг: Тошк., Марғ. бьллэ<бьргэ, қөннъ< қорнъ.

Шевалараро спорадик равишда р>в ходисаси учрайди. Нам. дувэдгэргэ йус тэнгэ беръп//ад.-орф. дурадгорга юз танга бериб.

р фонемаси ўзақларда, шунингдек, аффиксларда ҳам тушиб қолиши мумкин.жл.тэкрэ қылып//ад.-орф. тақрор қилиб. Наманган, Тошкент шевала рида р товушининг тушиб қолиши кўплаб учрайди.

Тил ўрта й фонемаси. й товуши тилнинг ўрта қисмининг қаттиқ танглайга қараб кўтарилишидан пайдо бўлади.

Й- ловчи шеваларда й фонемаси сўзларнинг истаган ўринларида кела олади. Сўз бошида й-дж ходисасининг учрамаслиги бу шеваларнинг характерли хусусиятларидандир.

Ж-ловчи шеваларда дж, баъзиларида эса ж товуши билан алмашади. й// дж//ж товушлари сўз бошида комбинатор-факультатив равишда алмашади. Мисоллар: жл. қайтайн, қайтсын//ад.-орф. қандай қилайин, қандай қилсин. йл. майдэ, ьнэй-кьи<ундан кейин.

Шеваларда й<г ходисасига нисбатан г>й ходисаси кўпроқ учрайди. йл. кейън//кегън. Сўз бошида, шунингдек, сўз охиридаги й товуши спорадик равишда тушиб қолиши мумкин: йъл >ъл, абри< абрий//ад.-орф. обрўй.

Тил орқа ундош фонемалар

Тил орқа ундош товушлар: саёз тил орқа: к(к//х'), г(г//г'),нг ва чукур тил орқа : х, к, г (ғ').

Саёз тил орқа ундошлар

к фонемаси. Бу товуш саёз тил орқа, портловчи ундош товуш бўлиб, ҳамма шеваларда, сўзларнинг барча бўғинларида келади:

Шевалараро к товуши кўпроқ сирғалишга мойил бўлади: к-х', к-й, к-в.

к >х' ходисаси сўз охирида ва сўз ўртасида рўй беради:

а) сўз ўртасида: жл. көх'лөм//ад.-орф. кўклам: йл. мөх'тәп//ад.-орф. маъ таб:

б) сўз охирида: жл. нәрэрәк//нәрэрәх': боләх// бъләх//ад.-орф. нарирок, булак.

к>й ҳодисасида сўз охиридаги к товуши й товушига ўтади к>й Мисоллар: йл. етй<етък, Нам. йәхшилътй мьнән// ад.-орф. яхшилиқ билан: Тошк. челәй, терәй, сләй//ад.-орф. челақ, терақ, элақ.

Лаб ундошларидан олдин, сандхи ҳолатда к товуши в товушига ўтади: жл. түзүв<түзүк, элүв<эллик, тиләвмән<тилақман.

Жанубий Хоразм шеваларида сўз бошидаги к ундошининг жаранг лилаши нормал ҳодисадир, масалан: гөр, гел~гәл, гәч, гез//ад.-орф. кўр, кел, кўз.

к>г сандхи ҳолатда: жл. бөләг адам < бөләк адам. Бу ҳолат деярли барча ўзбек шеваларида учрайди.

Баъзи сўзлар охирида к ундошининг жаранглилашиши Тошкент, Наманган ва баъзи бир бошқа й-ловчи шеваларда спонтон ҳолатда учрайди. Нам. сүйәг< сүйәк, Тошк. тәшкәлтй <тәшкәнлйк. Шу позицияда к>г ал машиниши тарихий жиҳатдан қарлуқ диалектининг характерли фонетик хусусиятларидан бири бўлган.

Кипчоқ шеваларида сўз охиридаги к тушиб қолади. къчъ <кичик, търъ <тирик. Баъзан сўз ўртасида спорадик ҳолда к товуши тушиб қолади: джл. джәтәләп< джәтәкләп парадй //ад.-орф. етаклаб боради.

г фонемаси. г фонемаси жарангсиз к фонемасининг жарангли эквивалентидир. г фонемаси саёз тил орқа портловчи ундош бўлиб бўлиб, сўзларнинг барча бўғинида кела олади: жл. чыгът, джигът, йл. гәлмәгәл, гош (т).

Сирғалувчи г' товуши г фонемасининг комбинатор-факультатив вариан тидир: жл. эшәг'лът, сәвдәг'ар.

г – г' товушлари Жанубий Хоразм шеваларида жуда ҳам юмшоқ бўлиб, сифат жиҳатдан й товушига яқинлашади: г'әлг'ән ~ г'еләйән//ад.-орф. келган.

Хева шевасидаги ёш авлод тилида г товуши й товушига тенг келади ва озарбайжон тилидаги каби г//й алмашиниши учрайди.

г товуши ўрнида кўпинча тил ўрта жарангли й товуши қўлланади. Бу г>й ҳодисаси юқоридаги г>г' га нисбатан кўпроқ учрайди жл.тийсә, тиймәгән, йл. Нам. хат қәлүгә тейдъ, жл. жүйүрәди//ад.-орф.тегса, тегмаган, хат қўлига тегди, югуради; сийир, иймәди, тийирмән//ад.-орф. тегса, сигир, эгмади, тегирмон.

Баъзи шеваларда г товуши тушиб қолади ва иккиламчи даражали чўзқлик ҳосил бўлади. и:нә//ад.-орф. игна.

нг фонемаси. нг фонемаси шеваларда бир хил эмас.

1. Ж-ловчи ва сингармонистик й-ловчи шеваларда кипчоқ гуруҳига таал луқли туркий тиллардаги каби нг товушининг иккита контраст варианты – тил олди унлилари билан учрайдиган нг' ва тил орқа унлилари билан учрайдиган вариантлари бор.

2. Сингармонизмсиз й-ловчи шеваларда биргина нг фонемаси бор. Бу фонема артикуляцион эшитилиш жиҳатдан нг ва нг' товушлари ўртасидаги оралик товуш бўлиб, маълум фонетик шароитларда ё нг каби, ёки нг' каби

эшитилади: жл. энэнг, кэлинг, минг, бэриянгиз. Бунда нг товуши ярим палаталлашган бошқа туркий тиллардаги нг фонемасига ўхшайди.

Шевалааро нг фонемасининг сифат жиҳатдан тавсифи тубандагича:

а) ж-ловчи ва сингармонистик й-ловчи шеваларда нг фонемаси соф тил орқа бурун товуш бўлиб, бошқа туркий тиллардаги нг фонемасига ўхшайди;

б) баъзи й-ловчи шаҳар шеваларида нг фонемаси махсус кўшимча г ёки гк товушлари билан биргаликда келади. Бу хусусият асосан, Самарқанд-Бухоро шеваларида, қисман Тошкент шевасида анлаут(сўз охирида) ҳолатда учрайди. Марғилон шевасидаги нг фонемаси ҳеч қандай кўшимча товушларга эга эмас, Тошкент шевасида эса, соф нг ва кўшимча товушга эга бўлган нгг дублетлари мавжуд. Лекин Тошкент шевасидаги нг товушига кўшилладиган кўшимча г товуши Самарқанд ва Бухоро тип шевалардаги нгг >нггк каби нг товушининг таркибий қисмини ташкил қилмайди.

Худди ўзбек адабий тилидаги каби кўпчилик шеваларда ҳам сўз ўртасида (икки товуш орасида нгг товушлари бирикмаси кўплаб учрайди: йл.йэ нггъ, рэнггъ, отэнггъз, кенггул, тэнггъ.

Й-ловчи шеваларда нг товуши й товушига ўтади: келдйъм<келдънгъмъ, йолъйз<йолънгъз. Нам. къзъйнъ<къзънгъ, келтъръйнъ<келтърънгъ; Марғ. бўлалёръйз<бўлалёрънгъз, озъйз<озъйз, Марғ.,Тошк. сыйнъм<сыйнгъм.

Ж-ловчи шеваларда нг товушининг ўрнида й товушининг қўлланилиши ва нг товушининг тушиб қолиши ва гн>в ва нг>в ҳодисаси учрайди: көвнүдэ < конгнү дэ//ад.-орф. кўнглида; сэн кэлдин<сен келдинг.

Ж-ловчи шеваларда бурун товуши нг факультатив равишда ўз таркибидаги портловчи г товушини йўқотиб одатдаги бурун товуши н га айланиши мумкин. Мас., мылтыхтын оғыдай// ад.-орф. мылтиқнинг ўқидай.

Чуқур тил орқа к, ғ, х ундош фонемалари

к фонемаси. Чуқур тил орқа портловчи товушдир. У туркий тиллардаги к товушига мос келади. Ж-ловчи шеваларда бу товуш спирантизацияга учраб, х ёки қх каби талаффуз қилинади. Ўзбек шеваларида сўзларнинг барча ўринларида келади: йл. жл. қуш, қуда, чуқур.

к товуши сўз ўртасида (унли орасида), ёки сандхи ҳолатда жарангли лашади ва ғ товушига ўтади. Бу қ>ғ ж-ловчи шевалари учун характерлидир. Й-ловчи шеваларда ва ўзбек адабий тилида қ>ғ ҳодисаси к товуши билан тугаган сўзларга унли билан бошланадиган аффикслар қўшилгандагина юз беради: мисоллар: ад.-орф. ўртоқ>ўртоғим, қуйруқ>қуйруғи жл. тағдыр>тақдир, джоғатмэ//ад.-орф. йўқотма. Ж-ловчи шеваларда қ>в алмашади: айув, қамавлы//ад.-орф. айиқ, камоқли. Қипчоқ гуруҳидаги тилларда сўз охиридаги к товуши(шунингдек ж товушининг ҳам) тушиб қолаиши кузатилади. Бу ҳолат ж-ловчи ўзбек шеваларида ҳам бор: жл. тары, куру, сары, аччы//ад.-орф. тарик, қуруқ, сарик, аччик.

Қиёс қилинг: йл. қър<қърқ, қырбытэ// ад.-орф. қирқ, қирқ битта.

Қипчоқ гуруҳидаги тиллар консонантизмида, шу жумладан, ж-ловчи ўзбек шеваларида ҳам қ>х ҳодисасининг вужудга келиши ва х ундошининг сингиб қилиши бу гуруҳ тиллар консонантизмида тарихий-фонологик жиҳатдан прогресси ҳодисадир.

қ нинг спираантизацияси қ>х бир хил даражада бўлмаса ҳам, барча ж-ловчи шеваларда учрайди. Бу жиҳатдан ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи гурухлари ва козок тилидагидек дж ўрнига ж талаффуз қилувчи шевалар кичик қонсонантизмини интакт ҳолатда сақлаши жиҳатдан консерватив хусусиятга эга. Бу шеваларда қ>х ҳодисаси фақат факультатив – комбина-тор равишда жарангсиз ундош товушлардан олдин рўй беради.

Бошқа ж-ловчи шеваларда эса бу ҳодиса сўзларнинг барча бўғинларида учрайди. Бу хусусият й-ловчи шеваларга ҳам хос: жл. тоҳсан, чыхты, махсат, кырх, Нам. кохмастан//ад.-орф. тўқсон, чиқди, мақсад, кирқ.

Тошкент типидagi шеваларда қ товушининг тушиб қолиши ўзидан олдинги унлининг чўзиқ бўлишига сабаб бўлади. Масалан: йо: уймәс// ад.-орф. йўқ, у эмас; ойынг кәйс:дә<ойынг кәйсқдә//ад.-орф. уйинг қаерда.

х фонемаси. Бу ундош жарангсиз сирғалувчи товуш бўлиб, портловчи қ товушининг жуфти. Бу фонема ҳам барча шеваларда учрайди. Й-ловчи шеваларда х фонемаси ўзбек адабий тилидаги каби мустақил бир товуш бўлса, ж-ловчи шеваларда у қ билан алмашади. Аммо ж-ловчи шеваларнинг а-ловчи гуруҳчасида қ фонемаси шеваларга қираётган баъзи сўзларда х товушининг пайдо бўлишига ва унинг қ товуши билан алмашмаслигига олиб келмоқда, масалан, похол, пахта сўзларидаги каби.

Шунга қарамай, бу шеваларнинг анчагина қисмида хали х товуши мустақил фонема эмас. Кўпчилик ҳолларда ж-ловчи шевалардаги х товуши қх аффрикати каби талаффуз қилинади. Мисоллар: қхат, қхатын, қхалайық, қхожайынды қызыға//ад.-орф. хат, хотин, халойиқ, хўжайиннинг қизига.

х фонемаси қ фонемасига ўтади: жл. қур. қыйал//қайал, қатын, қызмет қыл//ад.-орф. хаёл, хотин, хизмат қил. Нам. масқара қытып//ад.-орф. масхара қилиб. Қиёс қилинг: Нам. даракқа// ад.-орф. дарахтга.

Ж-ловчи шеваларда спорадик равишда х>в ҳодисаси учрайди. Мисоллар: жўхори// жл. джўври.

ғ фонемаси. қ фонемаси каби чуқур тил орқа ундош, лекин қ каби портловчи эмас, балки сирғалувчи товушдир: жл. тағы, ағыр, қалмадыға, джалғыз.

Баъзан ж-ловчи шеваларда ғ товуши талаффузда тушиб қолади, бунда ғ товушининг иккала томонидаги унли товушлар бир чўзиқ унли каби талаффуз этилади ёки фақат биттагина унли товуш бўлиб, бошқаси тушади: жл. ули, эвлән< эғлән//ад.-орф. ўғли, ўғлон, жл. у:рлук ~ урлук// ад.-орф. ўғрилиқ, жл. тувды, тувуп //ад.-орф. туғмоқ.

Барча ж-ловчи шеваларда ғ>в ҳодисаси учрайди: джавды, аччувы >ач:увы, авыз// эвыз//эвыз, тувра, бавыр, эвыр, джуван, був, эврык//ад.-орф. ёғди, аччиғи, оғиз, тўғри, бағир, оғир, йўғон, буғ, оғрик.

Ж-ловчи шеваларда ғ товуши й товушига ғ>й ўтади: джыйын сиймайды, сийинди//ад.-орф. йиғин, сиғмайди, сиғинди. Шунингдек, ғ>в ва ғ>й ҳодисаларига нисбатан ғ>х ҳодисаси кам учрайди. Мисоллар: Ихвагар, дах// ад.-орф. игвогар, доғ.

ғ ундоши спорадик равишда м, нг бурун товушларидан сўнг портловчи ғ' га ҳам ўтади: жл. джамғ'ыр джавды(қиёс қилинг: Марғ. қорангғ'ын), жл. қарағ'ъ, Марғ. йәнғ'ақ, жл. анғ'ыр-тунғ'ур, Нам. тонғ'уздай.

БЎҒИЗ ТОВУШЛАРИ

Бу категориядаги ундоларга икки товуш: сирғалувчи **ҳ** (мустакил фонема) ва этимологик жиҳатдан араб тилига тааллуқли бўлган ҳамда ўзбек шеваларининг ҳеч бирида мустакил фонема сифатида учрамайдиган портловчи (**'**) товуши киради.

ҳ фонемаси. Жарангсиз, сирғалувчи бўғиз товуши бўлиб, араб ва форс сўзларидан **ҳойи ҳавваз** ва **ҳойи ҳутти** ўрнида ишлатилади.

Шевалараро **ҳ** фонемаси тубандаги ўринларда келади:

1. Й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда араб тилидан кирган сўзлардаги **ҳойи ҳавваз** **ҳ** билан ифодаланади. (Бу хусусият бошқа туркий тилларда ҳам мавжуд). Мас: баҳа, ҳа:ва, бэхй.

ҳ товуши кўпинча ундов сўзларда учрайди. уҳ, аҳ, уҳ тўрттў. **ҳ** товуши ж-ловчи шеваларда унли билан бошланган сўзлар олдидан ҳам орттирилиши мумкин. ҳэррә, ҳайван// ад.-орф. арра, ҳайван.

2. Қозоқ тилидаги каби айрим ж-ловчи ўзбек шеваларида **ҳ** товуши фонема сифатида қўлланмайди.

3. **ҳ** товушининг мавжуд бўлиш-бўлмаслигига қараб й-ловчи шеваларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) мустакил фонема сифатида ишлатиладиган **ҳ** товушига эга бўлган шевалар. Бу шевалар қаторига Фарғона, Марғилон, Кўкон шевалар киради;

б) **ҳ** фонемаси **ҳ** ва **х** товушлари ўртасидаги оралик бир товуш, яъни рус тилидаги палаталлашган **х** — **хь** га яқин **х'** товушига эга бўлган шевалар. Бу шевалар қаторига Тошкент ва унга ёндаш й-ловчи шевалар киради. Мисоллар: ҳэрнә, ҳәммә йл. ҳәвзә//жл. ҳавыз// Тошк. х'әвүз, ҳәсән, ҳәдәп ҳурмәт жл. ҳәвли// ад.-орф. ховли.

ҳ товуши ж-ловчи шеваларда талаффуз этилиши ҳам, баъзиларида талаффуз этилмаслиги ҳам мумкин. **ҳ** товушининг тушиб қолиши ж-ловчи шевалар учун одатдаги ходисалардан бўлиб, бу хусусият қисман й-ловчи шеваларда ҳам учрайди.

а) сўз бошида: жл. кур. исәп<ҳисәп, әли-ҳәли, авыч-ҳавуч.

Ад.-орф. ҳам (хәм) сўзидаги **ҳ** товуши ҳам кўпинча талаффузда туширилади: жл. сәнәм<сен хам// Тошкентда сәнәм кобәм<ком хәм:

б) сўз ўртасида **ҳ** товушининг тушиб қолиши ўзидан олдинги товушнинг чўзиқ ёки ярим чўзиқ товуш каби талаффуз қилинишига сабаб бўлади. мисоллар: йл.хәр шә: эрдә<шәхәрдә, жл. кө:нә<көхнә, мә:си<мәхси, мә:мән <мөхмән.

в) баъзан сўз охиридаги **ҳ** товуши тамомила тушиб қолади: жл. гүнә<гүнәх, никә<никәх, гүвә<гүвәх.

Баъзи ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда сўзлар бошида **ҳ** товуши орттирилади. Жл.- ҳэррә; ҳәптик, ҳаптамабъл//ад.-орф. арра, аптека, автомобиль.

Ж-ловчи шеваларда спорадик равишда **ҳ>в** ходисаси учрайди. сувбәт <сухбәт, тәвликә<тәхликә.

Баъзан **ҳ>в**, **ҳ>й** ходисалари учрайди. ад.-орф. илоҳим//жл. ылоқым// ылойим.

Регрессив ассимиляция: жл. мәсси-мәхси. Йл. жл. мәккәм-мәхкәм.

Портловчи бўғиз (') товуши. Бу товуш араб тилидаги айн товуши ўрнида, шунингдек, ҳамза ўрнида қўлланилади.

Айн ва ҳамза э унлисида ва ундош товушларидан олдин келганда й-ловчи шеваларда чўзиқ э: каби талаффуз қилинади: йэ:нъ, мэ:но//ад.-орф. яъни, маъно.

Айн ва ҳамза ўрнида келадиган иккинчи даражали чўзиқлик спорадик равишда ж-ловчи шеваларда ҳам учрайди, лекин кўпчилик ҳолларда бу ундош ж-ловчи шеваларда туширилиб талаффуз қилинади. Мисоллар: жл. инам, вадэ, нэлэт, таъср, тэзим, мәлим, мәниси//ад.-орф. инъом, ваъда, лаънат, таъсир, таъзим, маълум, маъноси.

Ж-ловчи шеваларда ҳамза ва айн ўрнига тубандаги товушлар алмашилиши мумкин:

а) лаб-лаб (в): дува, мувәллим// ад.-орф. дуо, муаллим.

б) бўғиз х шәрихәт// ад.-орф. шарият.

Сўзнинг фонетик тузилиши

Сўз тилнинг товуш томони ва реал маъно бирлигини ўзида мужассамлантирган конкрет тил бирлигидир. Морфологик жиҳатдан сўз ўзақ ва аффиксларга, фонетик жиҳатдан эса бўғин ва товушларга бўлинади.

Бўғин бир ёки бир неча товушлардан – товушлар комплексидан таркиб топган, бир нафас чиқариш билан талаффуз этиладиган тактнинг бир бўлагидир.

Сўзнинг фонетик жиҳатдан бўғинларга бўлиниши билан морфемаларга бўлинишида фарк бор. Масалан, кўр-а-ди (кў-ра-ди), сту-дент-миз (студент-миз), ў-қи-та-ман (ўқи-та-ман).

Тил ихчамликни яхши кўради. Натижада тилда турли ўзгаришлар юз беради.

Оғзаки нутқ куйидаги хусусиятларга эга:

Аккомодация. Унли ва ундош товушлар ўртасида вужудга келадиган аккомодация ҳодисаси бир товуш талаффузининг иккинчи товуш талаффузига мослашишидир. й, у, у индифферент унлилари тил орқа ундошлар билан мослашади. Бу унлилар саёз тил орқа к ва г товушларига ёндош ёки яқин ҳолатда келганда уларга мослашиб, олдинги қатор товушларга томон ишлайди. Кийим (къйъм ~къ:ъм), сигир(съгър ~съйгър ~съ:гър), кўл (кол~көл).

Аксинча, худди ўша унлилар чуқур тил орқа к, г, ғ товушлари билан ёндош келганда, уларга мослашиб, бир қадар тил орқа ҳолатга эга бўлади: қирк (қырк), биқин (бықын), қилик (қылык), ғулом (ғуләм), улуг (улуг) қуша (қоша), қўчкор (қочкэр), хитоб (хытөб).

Ассимиляция – ўхшатиб олишдир. Агар кейинги товуш ўзидан олдин келган товушга ўхшаса прогрессив ассимиляция: кетди (кетти), отдан (аттан), юракга (журәккә) аксинча, олдинги товуш ўзидан кейин келган товушга ўхшаса регрессив ассимиляция йнгитча (йнгичча), уч сум (уссом) дейилади.

Регрессив ассимиляция одатда прогрессив ассимиляцияга нисбатан нутқда камроқ учрайди, чунки ассимиляциянинг бу турида кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаштиради.

Прогрессив ассимиляция ҳодисасига сингармонизм ҳам тааллуқлидир.

Сингармонизм унлиларнинг гармонияси (уйғунлашиши)дир. Бу ҳодиса икки хил кўринишда бўлади:

1) лингвал гармония (танглай гармонияси) унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра гармонияси (оҳангдошлиги);

2) лабиал гармония унлиларнинг лабланиш ва лабланмаслигига кўра гармонияси (оҳангдошлиги).

Унлиларнинг лингвал гармонияси сингармонизмли ўзбек шеваларида тўлиқ сақланган. Бу қонунга мувофиқ бир сўз таркибидаги барча унлилар (қисман ундошлар ҳам) бир хил: олдинги қатор ёки орқа қатор бўлиши шарт: Масалан, *экәмә, көргәннәр, тезрәк, қызыллар, бәрғыч*.

Унли товушларидаги лаб гармонияси сўзларнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинларида учрайди. масалан, *джолунг, уйум*.

Диссимиляция – ўхшашнинг бузилишидир, яъни ассимиляцияга қарама-қарши бўлган фонетик ҳодисадир. Ўзбек шеваларида, одатда сонор товушларига эга бўлган сўзлар диссимиляция ҳодисасига учрайди. мисоллар: *зарар ~ зәләл, зәрил, интипак, девор ~ дэвәл/ дэвәл*.

Сандхи ҳолатда товуш ўзгариши икки сўзнинг туташган жойида вужудга келадиган фонетик ҳодисадир. Масалан, *хәйрәмболдъм ~ хәйрән болдъм, боләк әдәм ~ боләг әдәм, элты әйгәчә ~ элтәйгәчә, йәкқолины~икки қолины*.

Спирантизация – бирор портловчи ундош товушнинг портловчилик хусусиятини йўқотиб, сирғалувчи товушга утишидир. Масалан, *жл. джолбарс ~ джолбарс, ҳисоб// ҳисап~ҳисәбәт, ждувәрди// йл. йувәрди// ад.-орф. юборди. чай// шай ~ шәй, чаш~чач, аш~ач, қуш~куч*.

Спонтон ўзгаришлар товушларнинг комбинатор ўзгаришлари натижасида эмас, балки ички сабабларига кўра вужудга келадиган товуш ўзгаришларидир. Мисоллар: *Нам. сүйәг, териг, ғарға, кьрг//ад.-орф. суяк, тирик, қарға, қирқ; Марғ. әдәг~әдәк*.

Элизия – унли ва ундош товушларнинг тушиб қолиши.

а) сўз ўзак- негизида (алоҳида талаффуз қилинадиган ўзак-негизларда): ўзакка қўшимча қўшилганда ўзак сўзнинг охиридаги унли товуш тушади. *элты+әв- элтәв// ад.-орф. олтов, ики+әв- икәв// ад.-орф. икков;*

б) ўзак- негиз ёки аффикс бошидаги ундош товушлар тушади. масалан, *шишә –ишә, бизәр-бизләр, тәрәди- тәрәддуд;*

в) сўз ўртасида ундош товуш тушади. *джупка – джуқа (қюқа), оттыз-отыз (ўттиз);*

г) ўзак-негиз ёки аффикс охирида ундош товушлар тушиб қолади: *гунә-гунәх, гийә-гийәх, пәс-пәст*.

Сўз формаларининг торайиши (тортилиши). Бу жараён талаффузни максимал даражада осонлаштиради. Бунда бир бўғин ёки бўғинлардаги унли ва ундош товушлар туширилиб талаффуз қилинади. Сўз формаларининг торайиши ўзбек шеваларида кўп учрайди.

1. Сўз ўзак- негизларидаги торайиш: *жл. нәси< нимаси? хәрнә<хәр нима, кәсәт<кәсәпәт. урлап<ўғирлап*.

2. Ўзак-негиз ва аффикс ҳисобига бўладиган торайиш: *жл. қып<кылып-йл.кып; әпкәт< алып кәт. Тошкент. бзә<бъзә<бъзләр*.

3. Аффикслар ҳисобига торайиш: жл.болмайим<болмайдими (қиёс: қилинг, бойма), сәткәм джоқ<сәткәйим джоқ; уй<дәмә<ундәй дәмә.

4. Икки сўз қўшилганда вужудга келадиган торайиш: жл. шўйтуп<шўйэтип//ад.-орф. шундай қилиб, бўйтмәнгнәр< бўйэт-мәнгнәр//ад.-орф. бундай қилмангләр, аладым < алар эдим. Тошкентда беттә//боттә<бу ерда.

Унли ва ундош товушларнинг орттирилиши. Сўздаги товушлар миқдорини қўпайтиради ва шу билан бирга узайтиради. Бу ҳодиса, бир томондан, талаффузни оsonлаштиради, иккинчи томондан, аксинча тилнинг тарихий фонетик эволюцияси нуқтан назаридан баъзи сўзларда орттирилган товушлар талаффузини қийинлаштиради.

1. Унли товушларнинг орттирилиши:

а) сўз бошида: жл. ылай<лай, ылай қыламиз;

б) сўз охирида: жл. лапы<лап, лапы урмагын// ад. -орф. лоф урмагин.

2. Ундош товушларнинг орттирилиши: джылдам<илдам, джибек<ипак, суврат<сурат, овзи<ози, кәтмәкчин<кетмоқчи.

Товушларнинг ўрин алмашиши (метатеза). Дәйрә<дәйрйә, әвхәл<әхвәл-әхвол, турпак<тупроқ, айналайын<айланайин.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек тили шеваларида фонетик ҳодисалар амалда бўлиб туради. Товушларнинг тушмиш ва ортиши ҳодисалари тез-тез қўлланиб туради.

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбек шеваларининг адабий тилдан фарқловчи морфологик хусусиятлари.
2. Шеваларда турланиш.
3. Шеваларда келишиклар тизими.
4. Кўплик категорияси ва унинг ифодаланиш йўллари.
5. Шеваларда тусланиш.

Ўзбек шевалари адабий тилдан ўзига хос морфологик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. Бу хусусиятлар айниқса турланиш, тусланиш ва (янги) сўз ясалишида яққол кўринади.

Турланиш

Ўзбек халқ шеваларидаги турланишга хос хусусиятлар келишик, эгалик ва кўплик қўшимчаларининг шевалараро қўлланишида кўринади.

Келишик категорияси

Маълумки келишик от ёки отлашган сўзнинг феълга, отга бўлган муносабатини, тобелигини ифодаладиган формадир.

Ўзбек адабий тилида келишиклар 6 та бўлиб, уларнинг шакли ва маъно хусусиятлари проф. А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида келишиклар» асарида муфассал ёритилган. Ўзбек шеваларида келишиклар турлича: баъзиларида олтига, баъзиларида бешта, баъзиларида тўртта. Беш ёки тўрт келишикли шеваларда икки келишик функциясини биргина аффикс бажаради. Масалан, Тошкент шевасида тушум ва қаратқич келишиклар унлидан сўнг **-нъ** аффикси, ундошдан сўнг ассимилятив формалари билан 19 хил шакл орқали ифодаланади. Шунингдек, Қарши шевасида тушум ва қаратқич келишиклар

-нъ, -дъ// -тъ аффикси орқали, ўрин-пайт ва жўналиш келишиклари -йя, -га//, -ка//, -ка аффикси орқали ифодаланади.

Ўзбек шеваларида келишиклар билан турланиш парадигмаси куйидагича:

Киёс қилинг: дж-ловчи шеваларда:

елишиклар	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг
Б.к.	-	-
Қ.к.	-ның//-нинг	-дың//-тынг-динг//-тинг
Т.к.	-ны//-ни	-ды//-ты -ди//-ти
Ж.к.	-га//-гэ	-қа// -га ~ -гэ// ~ -кэ ~ -а// -э -на// -нэ
Ў-п.к.	-да// -дэ	-да// -та ~ -дэ// -тэ
Ч.к.	-дан// -дэн	-дан// -тан ~ -дэн// -тэн ~ -нан// -нэн

Й-ловчи шеваларда (масалан, Тошкент):

Келишиклар	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг
Б.к.	-	-
К.к.	-нъ	нг, в, й ундошларидан сўнг спорадик равишда -нъ, қолган ҳолларда ўзак-егиз охиридаги ундошга мослашади: -мъ, -лъ, -шъ, -зъ, -гъ
Ж.к.	-гэ	-гэ// -кэ ~ -кэ
У-п.к.	-дэ	-дэ// -тэ
Ч.к.	-дэн	-дэн// -тэн

Фарғона шеваларида:

Келишиклар	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг
Б.к.	-	-
К.к.	-нъ	-дъ// -тъ
Қ.к.	-гэ	-гэ// -кэ// -ка
У-п.к.	-дэ	-дэ// -тэ
Ч.к.	-дэн	-дэн// -тэн

Ўғуз гуруҳ шеваларида (масалан, Хива-Урганч)

Келишиклар	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг
Б.к.	-	-
К.к.	-ны//ни	-ны// -ни
Ж.к.	-га// -гэ// -йэ	-а// -э на// -нэ
У-п.к.	-да// -дэ	-та// -дэ
Ч.к.	-дан-дэн	-тан// -дан

Қарши шевасида:

Келишиклар	Унлидан сўнг	Ундошдан сўнг
Б.к.	-	-
К.к.	-нъ	-нъ// ~ -дъ// -тъ
Ж. ва у-п.к.	-йя	-га// -ка// -кэ
Ч.к.	-дан	-дан// -тан// -нан

Бош келишик. Бу келишикнинг ўзбек шеваларида ҳам адабий тилдаги каби грамматик жиҳатдан шаклланмаган бўлади.

Қаратқич келишиги. Ўзбек шеваларидаги қаратқич келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда фарқ қилади. Ж-ловчи шеваларда қаратқич келишиги аффикси қуйидаги шаклларда ифодаланади. Унлилардан сўнг: а) қаттиқ ўзак-негизларда -нинг: бола^{нинг} ойинч^{оғи}; б) юмшоқ ўзак-негизларда -нинг: Ҳәмә нэрс^{энинг} гөшид^{эн} т^этып корипти.

Ундошлардан сўнг. а) жарангли ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда -дыңг: т^эвдыңг бош^ы, тумамбоп дж^этыр. Юмшоқ ўзак-негизларда -динг (уйдинг); б) жарангсиз ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда -тынг (чырактынг), юмшоқ ўзак-негизларда -тинг (иттинг).

Қаратқич келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб, -нунг, -нүнг; -дунг, -дүнг; -тунг, -түнг шаклида бўлиши ҳам мумкин: қозунунг, үрүштүнг, джолдунг, бурүнүнг, коктунг.

Й-ловчи шеваларда эса қаратқич келишиги -нъ, -дъ// -тъ аффикслари орқали ифодаланади (бу аффикслар айни вақтда тушум келишигини ҳам ифодалайди). -нъ аффиксининг қаратқич келишиги вазифасида ёки тушум келишиги вазифасида келганлиги контекстдан англашилади: агар бу аффикс от билан отнинг муносабатини билдирса, қаратқич келишиги бўлади, от билан феълнинг муносабатини билдирса, тушум келишиги бўлади: п^ычак^тг^э сол^т. Ч^эй^й к^уй, с^эзн^эг^э өз^эй^тг^э мун^эс^ып, ул^эрд^эг^э уч оғ^лг^э б^эр.

Тошкент шеvasида қаратқич келишиги аффикси -нъ ўзи қўшиладиган ўзак-негизнинг қандай ундош билан тугашига қараб бир неча хил ассимилятив формага эга бўлади. нг, в, й, ундошлардан сўнг келганда эса спорадик равишда (умумий қонунга бўйсунмайдиган) -нъ ҳам сақланади: сув^въ// сув^нъ, той^йъ//той^нъ.

Баъзи ўзбек шеваларида (масалан, Иқон, Қорабулоқ ва Ҳазорасп) қаратқич келишиги унлилардан сўнг: -ның -нинг, ундошлардан сўнг: -ынг, -инг тарзида ифодаланади: Қорабулоқ, атынг, итинг, Ҳазорасп, дашынг, копинг: Көпинг рыскы көл. Гүнгәләкнинг дилинә әнәси чушинәр. (Гунгалак (соков) нинг тилига онаси тушунади). Гәрәк дашынг аграмы йок. Си: нәмәгән атынг сиртиннән өгмә.

Тушум келишиги. Ўзбек шеваларидаги тушум келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда унлидан сўнг қаттиқ ўзак-негизларда -ны (бобоны) юмшоқ ўзак-негизларда -ни (экәни) каби. Сапарбай экәни чақырип ке// ад. -орф. Сафарбой акани чақириб кел.

Тушум келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб -ну, -нү шаклида бўлади: қозуну, түлкүнү. Борү түлкүнү алдап, қозуну джеп кетти.

Ундошлардан сўнг: а) жарангли ундош билан тугаган қаттиқ ўзак-негизларда -ды (быз^эвды), юмшоқ ўзак-негизларда -ди (уйди): Сувды меҳманнарды элдыга қойды//ад.-орф. Сувни меҳмонларнинг олдига қўйди; Джи гитләрди уйгә вотқазды// ад.-орф. Йигитларни уйга ўтказди.

Юмшоқ ўзак-негизларда -ди: элди: б) жарангсиз ундош билан тугаган ўзак-негизларда -ты: атти; юмшоқ ўзак-негизларда -ти: итти; Аккыз Этты ушлап турупту//ад.-орф. Оққиз отни ушлаб турибди. Мийнәткәшти тувра джолга солгон//ад.-орф. меҳнаткашни тўғри йўлга солган.

Бундай позицияда тушум келишиги аффикси ўзак-негизда лабланган товушларнинг бўлишига қараб, -ду, -дү; -ту, -тү шаклида келади: джолду, қошукту:

Тувра жолду кѳргѳн ѳвзкан аттын джүрүшүнү тезлѳтти//ад.-орф. Түгри йўлни кўрган Авазхон отнинг юришини тезлатди.

Й-ловчи шеваларда тушум келишиги -нъ, ~-дъ// -тъ аффикслари орқали ифодаланади. Андижонда. Сен башъинъ тартѳсэн//ад.-орф. сен бошингни тортасан. Деваддан туш атты мънѳсэн// девордан отни минасан.

Тошкент шевасида тушум келишиги аффикси -нъ ўзи қўшиладиган ўзак-негизнинг қандай ундош билан тугашига қараб, бир неча хил ассимилятив формага ѳга бўлади: п(<б) + -ни>п + -пъ: қѳппъ, кътѳппъ// ад.-орф. қопни, китобни. Богѳн гѳлпъ ѳтп беръпъ// бўлган гапни айтиб берибди. Кѳмпъръ туйѳга миндъръп йубѳрдъ// кампирни туяга миндириб юборди.

Тошкент шевасида -нъ аффикси нг, в, й ундошларидан сўнг келганда спорадик равишда сакланиши хам мумкин: тѳйъ//тойнъ мънъп кеттъ// ад.-орф. тойни миѳиб кетди. ѳшпѳз зѳккъ//зѳнгнъ чѳлдъ// ад.-орф. ѳшпаз зангни чалди. Бу хусусият Наманган шевасида хам учрайди. Тошкент шевасида -нъ аффикси нг, в, й ундошларидан сўнг келганда сорадик равишда сакланиши хам мумкин: тѳнгнъ, суввъ, чѳйъ//ад.-орф. тонгни, сувни, чойни.

Жўналиш келишиги. ж-ловчи шеваларда қуйидагича шаклланади: каттиқ ўзак-негизларда: унли ва жарангли ундошлардан сўнг -га (қымызга) жарангсиз ундошдан сўнг -ка (қышка).

Юмшоқ ўзак-негизларда: унли ва жарангли ундошлардан сўнг -гѳ (джерѳ), жарангсиз ундошлардан сўнг -кѳ (ишкѳ).

I-II шахс ѳгалик аффикслардан сўнг бу шеваларда жўналиш келишиги аффикси каттиқ ўзак-негизларда -а (атама, атанга) юмок ўзак-негизларда -ѳ (ишмѳ, ишингѳ) формасида бўлиши мумкин.

Шунингдек, III шахс ѳгалик аффиксларидан сўнг каттиқ ўзак-негизларда -на(боласина), юмшоқ ўзак-негизларда -нѳ формасида бўлиши мумкин: матъақп дукѳннѳ ѳзинѳ, укѳсинѳ дѳптѳр, калам апкелди// ад.-орф. Матѳкуб дўкондан ўзига, укасига дафтар, калам олиб келди.

Ж-ловчи шеваларда шахс ва кўрсатиш олмошлари жўналиш келишиги билан турланганда маѳан// саѳан// сеѳан, ѳган, шоѳан каби формаларни олади.

Ф.Т.Исхѳков ўзининг “Олмош” (сравнительная грамматика тюркских языков, П. Морфология) маѳоласида шахс олмошларининг бирликда жўналиш келишиги билан турланган маѳан, саѳан, уѳан; ѳган каби формаларида учрайдиган -ган аффикси охирида н нинг пайдо бўлиши хозирча номаълум ѳканини кайд ѳтса-да, унинг пайдо бўлишини қуйидагича уч хил вариантда тахмин қилади. 1) -ѳан < ѳар; 2) ѳган < ѳнга (н ва ѳ метатѳзиси); 3) ѳган < ѳга < ѳгар.

Бу қарашлардан иккинчиси тўғрироқ бўлиб, бунда Исхѳков айтганидек, -ган аффиксидаги н ва ѳ алмашган ѳмас, балки ўзак охиридаги н ва ѳа аффикси ўрин алмаштиргандир; н+ѳа < ѳа +н: III. Шоабдурахмонов бу формаларнинг пайдо бўлишини н ва ѳа ўрин алмаштирган деб тушунтиради.

н+ѳа < ѳа +н: ман + ѳа > ма+ѳа+н
сан+ѳа > са+ѳа+н

ун+га > у+га+н

Сўнг бўғинлар ҳақида қайта бўлинган дейди.

ман+га > ма+ған

сан+га > са+ған

ун+га > у+ған

Й -ловчи шеваларда жўналиш келишиги аффикси бир неча хилдир: Масалан, Тошк., Фарғ.-гэ(Тошк. ойгэ~ Фарғ.үйгэ, -кэ, -ка (боқкэ) -га (қурвакага - Хоразмда), -йэ (тэнгэйэ), -а (доса), -э (өкизэ), -на (йанына), -нэ (эркинэ), дос досэ мәдэт// ад.-орф. дўст дўстга мадад. Қорабулоқ шевасида ҳам Хоразм шевасидагидек ҳолдир.

Самарканд-Бухоро шевааларида, шунингдек Қашқадарё водийси, Сурхондарё шеваларида жўналиш ва ўрин-пайт келишикларининг аффикслари алмаштириб қўллаш ҳоддатиги учрайди. Бу ҳодиса Жиззах шевасида ҳам учраб турадиб озьнгтэ йок оламга йок//ад.-орф. ўзингда йўк, оламда йўк.

Ўрин – пайт келишиги. Ўрин-пайт келишиги ифодаланиш жиҳатдан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Қаттиқ ўзак-негизларда а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг –да (қўлуда) б) жарангсиз ундошлардан сўнг –та (қишлакта), юмшоқ, ўзак-негизларда –дэ, –тэ (уйдэ, бўргэттэ).

Самарканд – Бухоро шеваларида ўрин-пайт ва жўналиш келишикларини алмаштириб, –да ўрнига –га; –га ўрнига –да ва аксинча алмаштириб қўллаш учрайди. Бу одамлар санъ элдънгта нъма қыладъ. Ман уйгэ елъм. уйдэ бораман.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу шеваларда жўналиш ва ўрин-пайт келишиги функциясини асосан –га аффикси бажаради. Аммо –та аффиксининг –да аффиксига алмашиниши йўналиш маъносини билдирмагандагина содир бўлади. Бу одамлар санъ элдънгдэ нъмэ қыладъ. Мактаб шу қышлоққа.

Бу ҳол Қашқадарё водийси шеваларида ҳам мавжуд. Лекин бу шеваларда ўрин-пайт келишиги вазифасини ҳам фақат жўналиш келишиги аффикси бажаради. Масалан, Қарши шевасида у катта акасъйа хурмайа катъх элъп борган чэққа йолга йёғмър йёққан (у катта акасига хурмада қатик олиб бораётган чоғда йўлда ёмғир ёққан).

Куринадики, бу шеваларда ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишиги аффиксини қўллаш устун бўлиб, бу келишикнинг ўз аффикси асосан қўлланмайди: йл. Қарши: Йолга равэна болган: йолга чопэн учраган. Самаркандга бэрувдук. Самаркандга йашайдъ.

Чиқиш келишиги. Чиқиш келишиги ифодаланиш жиҳатидан й-ловчи ва ж-ловчи шеваларда маълум даражада фарқ қилади. Адабий-орфографик –дан аффикси ўзбек шеваларида бир неча фонетик вариантларга эга.

Ж-ловчи шеваларда чиқиш келишиги қуйидаги шаклларда ифодаланади. Қаттиқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг –дан (тавдан), б) жарангсиз ундошлардан сўнг –тан (оттан). Юмшоқ ўзак-негизларда: а) унли ва жарангли ундошлардан сўнг –дэн, (тебэдэн), жарангсиз ундошлардан сўнг –тэн (иштэн); каттиқ ўзак-негизларда сонор м, н, нг товушларидан ва эгалик аффиксларидан кейин –нан, (тамнан, қаддыңнан), юмшоқ ўзак-негизларда сонор м, н, нг товушларидан ва эгалик аффиксларидан сўнг –нэн (джүзүмнэн, сүйгәннэн).

Й-ловчи шеваларда ҳам чиқиш келишиги аффикси ўзи қўшилиб келган ўзак-негизнинг қандай товуш билан тугашига қараб, бир неча хил фонетик вариантларда бўлади. Масалан, Тошк. -дэн//тэн (йэрдэн, дэрэхтэн); Фарғона шеваларида: -дан//-дэн, - тан//тэн (Фарғ. қолдан, Нам. көпруктэн); Хоразм шеваларида -дан//-дэн//тан, -тэн//нан//-нэн (Ург. йспракыдэн, дэмирдэн, па:часынан).

Ўзбек тилининг Туркистон, Икон ва Қорабулоқ шеваларида чиқиш келишиги аффикси -дын, дин//-тын, -тин (тамдын, бетидин, зийа:паттын, Чимгэттин) кабилар. Чимгэттин кэлэдугэн а:дам ба:ма? (Чимкентдан келадиган одам борми?).

Кўплик категорияси

Отларнинг бирдан ортик эканлигининг грамматик жиҳатдан ифодаланиши кўплик категорияси деб юритилади.

Шеваларда кўплик асосан морфологик ва синтактик усул билан ифодаланади. Адабий тилда кўпликни ифодаловчи аффикслар бўлиб, шеваларда унинг турли вариантлари қўлланади: -лар, -лар, -лэ, -ла, - дэр -дар, -нар, -нэр, -эр, -ақ ва бошқалар.

Эдэмлэ, эллэ (еллар) кэлхоччылэ (Тошкент) бизэр (Парк). сизэр.

Малдар, аттар//ад.-орф. моллар, отлар, укэмнэр, борганнар//ад.-орф. укамлар, борганлар; уэзингэр, борынгар (Сурхон)// ўзинглар, боринглар.

Ж-ловчи шеваларда кўплик аффиксининг қўлланилиши ўзак-негизнинг қаттиқ – юмшоқлигига боғлиқ.

Агар ўзак-негизда тил орқа унлилар бўлса -лар, -нар, -ар, -ақ, -дар аффикслари қўлланилади. Масалан, қышлақлар<қышлқлар.

Ўзак-негизда тил олди унлилари бўлганда эса -лэр, -нэр, -эр аффикслари ишлатилади. нэрсэлэр, гүллэр, эллэр//ад.-орф. нарсалар, гуллар, эллар.

Тошкент, Фарғона тип йловчи шеваларда кўпликни ифодаловчи аффикслар, асосан -ла (~ -лэ), -лар (~ -лэр), жанубий Хоразм шеваларида эса-ла (~ -лэ), -лар (~ -лэр), спорадик равишда -а (~ -э), дир.Мисоллар: йл. Тошк. Елгэ берсэнг эшыйнь еллэ: сълэр бэшыйни; Хор. Сизни өйө меймэллэ галдилэ.

Ж-ловчи шеваларда кўплик аффикси ҳурматни ифодалайди. Мен, сен олмошлари ҳам кўплик формасини олиш мумкин, лекин бунда кўплик маъноси эмас, балки менсимаслик, писанд қилмаслик, ўзини юқори қўйиш маъноларини билдиради. Салләйэм борэсэмми?//ад.-орф. сенлар ҳам борасанми? (кўплик).

Ўзбек шеваларида кўплик аффикси от, оломошларга қўшилиб келганидек, феълларга ҳам қўшилиб келади. Бунда улар бажарувчи ёки бажартирувчи шахснинг кўп эканлигини ифодалайди.

Феълдаги -лар аффикси бирданига ўзакка қўшилмайди, балки шахс-сон, замон аффиксларидан кейин қўшилиб келади. Адабий тилда -лар феълларнинг учинчи шахсида учраса, шеваларда эса, иккинчи ва учинчи шахсларда ҳам учрайди. Бунда -лар аффикси -з (-из) ўрнида келади.

Феълларда -лар аффиксидан ташқари -к (келдик), -қ (дж.бардқ) аффикслари биринчи шахс кўпликни ифодалайди. Ж-ловчи элдық//ад.-орф. олинглар каби.

Тошкент шевасида – мъз – вуз аффикслари I шахс (олдъмъз – олдувуз – олдуз) кўпликни ифодалайди -з (-из) аффикси эса жл. шеваларда иккинчи шахс кўпликни ифодалайди. Келдингиз.

Тошкент шевасида -луг аффикси ҳам хурмат, ҳам кўпликни ифодалайди.

Тошк. олзугъ, Фарғ. ғзлэръ, Тошк. қойлугънъ бѣкъшвѣттъ//ад.-орф. қўйларини боқишаяпти.

Ж-ловчи шеваларда кўплик қўшимчаси тартиб жихатдан адабий тилдагидек, асосан, бошқа турловчилардан олдин келади. Аммо бу бир қатор й-ловчи шеваларда кўплик қўшимчаси эгалик аффиксидан сўнг келади.

Тошк. бўлэйлэ-бўлэнглэ, узумъйлэ. Жиз. уйлэрънг Фарғ. узумлэрънг пыштъмъ?

Сурхондарё кипчоқ шеваларида кўпликнинг ўзига хос -ак¹ формаси мавжуд бўлиб, у Ангор, Термиз, Жарқўргон, Музрабод, Шеробод туманларининг қишлоқларида яшовчи аҳоли нутқида қўлланади. Масалан, бизақтыққа киригизақ, везинизақ кенгизақ. Сизақты келэттеп қымылламай вотырыпты// ад.-орф. Сизларни келади деб қимирламай ўтирибди.

(Бу ҳақда акад. А.П.Кононов, А.М.Шчербакларнинг ижобий фикрлари эълон қилинган).

Эгалик категорияси

Предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини кўрсатувчи аффикслар й-ловчи Фарғона ва Хоразм шеваларида, асосан, адабий тилдагига мос келса-да, бошқа й-ловчи (Тошкент, Жиззах: Паркент) шеваларида шунингдек, ж-ловчи шеваларда ўзига хос хусусиятга эгадир.

Ж-ловчи шеваларда эгалик аффикслари ўзак-негизнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра бир неча вариантларга эга:

Унли билан тутаган ўзак-негизда:

Шахс	Ўзак-негиз		Бирлик	Кўплик
I	лабланмаган унлили	қаттиқ	-м (атам)	-мыз (атамыз)
II			-нг (атанг)	-нгыз (атангыз)
III			-сы (атасы)	-лары (аталары)
I	лабланмаган унлили	юмшоқ	-м (экэм)	-миз (экэмиз)
II			-нг (экэнг)	-нгиз (экэнгиз)
III			-си (экэси)	-лэри (экэлэри)
I	лабланган унлили	қаттиқ	-м (тоқлум)	-муз (тоқлумуз)
II			-нг (тоқлунг)	-нгуз (тоқлунгуз)
III			-су (тоқлусу)	-лары (тоқлулары)
I	лабланган унлили	юмшоқ	-м (түлкүм)	-мүз (түлкүмүз)
II			-нг (түлкүнг)	-нгүз (түлкүнгүз)
III			-сү (түлкүсү)	-лэри (түлкүлэри)

¹ Х.Алимуродов. Об одной форме множественности в нижне Сурхандарьинском говоре узбекского языка» 1981, 4. -ак аффиксининг маънолари ҳақида, Сурхондарё кипчоқ шеваларида кўпликнинг ифодаланиши. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1981.

Ундош билан тугаган узак-негизда

Шахс	Ўзак-негиз		Бирлик	Кўплик
I II III	лабламанган унлили	каттик	-ым (қышлағым) -нг(қышлағынг) -ы (қышлағы)	-ымыз(қышлағымыз) -ынгыз (қышлағынгыз) -лары//-нары//-дары// -тары(қышлақлары)
I II III	лабламанган унлили	юмшоқ	-им (элим) -инг (элинг) -и (эли)	-имиз (элимиз) -ингиз (элингиз) -лери//-нэри//-дэри// -тэри (эллэри)
I II III	лабланган унлили	каттик	-ум (қушум) -унг (қушум) -у (қушу)	-умуз (қушумуз) -унгуз (қушунгуз) -лары//-нары//-дары// -тары(қушлары)
I II III	лабланган унлили	юмшоқ	-ўм (джўзўмўм) -ўнг (джўзўмўнг) -ў (джўзўмў)	-ўмўз(джўзўмўмўз) -ўнгўз(джўзўмўнгўз) -лэри//-нэри//-дэри// -тэри (джўзўмлэри)

Й-ловчи Хор. атам, атанг, атасы, атамиз, атангиз, атасы (аталары). Жиз. бўлэйъм, бўлэйънг, бўлэй, бўлэйъмъз, бўлэйъз, бўлэйъ; Тош. бѡгъм, бѡгънг, бѡгъ, бѡгъвуз//бѡгъз, бѡгъйъз// бѡгъз, бѡгъ.

Й-ловчи шевалардан Тошкент шевасида эгалик аффиксларининг ишлатилиши ва уларнинг вариантлари куйидагича:

Шахс	Унлидан сўнг		Ундошдан сўнг	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
I	-м	-вуз// -вузэ// -взэ	-ъм	-увуз// -у:з// -уз//увузэ// увзэ// -у:зэ// -узэ
II	-нг	-йъз// -йлэ	-ънг	-ъйъз// -ъ:з// -ъз// -ъйлэ
III	-съ	-съ// -лэръ	-ъ	-ъ// -лэръ

Хунэръ йо: қышънъ, мезасъ йо: ышънъ (мақол): бўлэйъз//бўлэйлэ келдъ мъ? //ад. -орф. болаларингиз келдими?

Тошкент тип шеваларида охири, (с) билан тугаган сўзларга эгалик аффикси қўшилганда I ва II шахсда(бирлик ҳам,кўплик ҳам) турланган шу сўз билан эгалик орасида (й) товуши орттирилади.

Бирлик Кўплик

I ш. пэрвѡйъм пэрвѡйуз//<пэрвѡйувуз
II ш. пэрвѡйънг пэрвѡйъз
III ш. пэрвѡсъ пэрвѡсъ

Айрим сўзларнинг III шахсида эгалик аффикси кетма-кет қўшилиши мумкин: сыйнъсъ, йэрмъсъ, унъсъ каби.

Тошкент шевасида қараткич-қаралмиш муносабатида биринчи шахс кўплигида (бизин ул, бѡзъ оғъл). Жиззах шевасида эса иккинчи шахсда эгалик аффикси тушиши мумкин: бѡздъ мэкътэп, сѡздъ қышлѡғ каби.

Абстракт эгалик шеваларда **-нъкъ, -дъкъ -ъкъ** воєитасида ҳосил қилинади. Жиззах шевасида эса иккинчи шахсида эгалик аффикси тушиши мумкин: **манъкъ, бъздъкъ**// ад.-орф. меники, бизники. Бу абстракт эгалик Қорабулоқ шевасида ўзининг келиб чиқиш формаси (**-нынъ~нини + ки**) ни сақлаган яъни қараткич келишиги аффикси ва **-ки** аффикси билан ифодаланади. баланынгки, итингки, менингки Қорабулоқ бу чапак менингки, бу қағаз унунгки.

Конкрет эгалик аффиксидаги сўз гапла қаралмиш бўлиб келса, абстракт эгалик аффикси олган сўз гапла кесим бўлиб келади: Тошк. Бу йеллэ (< йерлэр) – кэлхэссэъкъ, кэлэмлэ манъкъ; Жиззах. энэв корыньп тургэн мэккэйъ эхмэттъкъ; Қорабулоқ. Бу чапан менингки, бу қағаз унунгки.

Шеваларда тусланиш

Ўзбек адабий тилидаги каби халқ шеваларида ҳам шахс-сон, замон ва майл формалари тусловчилардир.

Тусловчи аффикслар, масалан, жл, -ди+м (фонетик вариантлари билан)~йл-дъ+м (фонетик вариантлари билан) ҳам замон, ҳам шахс-сонни кўрсатади: жл. келдим ~йл. келдъм (утган замон биринчи шахс бирлик) каби. Тусловчи аффикслар шевалараро озми-кўпми фарқ қилади. Қиёс қилинг: замон ва шахс-сон тусловчилар: жл -дык (қарадык)~йл. Анд. дък (келдък) – Тошк. -дув(зэ), келдув(зэ). Жиз. -тъй (кутъй). Жл.- ватырман (келива тырман) – йл. Тошк. воммэн (борвоммэн)~Анд. йэппэн (барйэппэн) ~Парк. -вэттъм (ворэвэттъм)~Самарқанд. -оммэн ~Нам. Уттъмэн (бэруттъмэн).

Майл ва шахс-сон аффикслари ҳам шевалараро фонетик вариантга эга. қиёс қилинг: йл. Парк. -ъй (келъй) жл. -(а) йин турайин.

-гън (кегън) – ғын// -гун// -гин (тургун//тургын).

-сън (кесън) –сын// -сун// син (турсун// турсын). Тусланиш феълидан бошқа сўзларда ҳам учрайди. Масалан: йл Тошкент. сэ:мэн, сэ:сэн, сэ:мъз, сэ: сълэ//ад.-орф. Соғ: ышчъмэн, ышчъсэн, ышчъмъз ышчъсълэ (//ад.-орф. ишчи) каби.

Ж-ловчи ва й-ловчи шеваларда феълларнинг тусланиши:

Ўтган замон аниқ феълнинг тусланиш парадигмаси қуйидагича:

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
синдырдым	синдырдык	кордим	кордик
синдырдыңг	синдырдыңгыз	кординг	кордингиз
синдырды	синдырды	корди	корди.

Й-ловчи шеваларда:

	Бирлик	Кўплик
Анд.	келдъм	келдък (Тошкент. келдув/зэ)
	келдънг	келдъйнэр (Тошкент. келдъйлэ)
	келдъ	келъытъ
Жиззах.	кутъъм	кутъй
	кутъкъ	кутъйъз
	кутъъ	кутъ(лэ)

Ўтган замон феълнинг ясовчи ад.-орф. -ди аффикси ўзбек халқ шеваларида ди//-ды// -ду// -д -ти// -ты// -ту// -т каби фонетик вариантлари учрайди.

Бу аффиксларнинг -дъ// -тъ вариантлари асосан шаҳар тип шеваларда: -ды// -ди// -ты // -ти каби вариантлар кичик шевалари ҳамда сингармонизмни сақлаган айрим шеваларда ишлатилади.

Самарқанд, Бухоро тип шеваларида (Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шева лар) ҳамда Жанубий Тожикистон қорлуқ шевасида -ди аффикси л ундоши билан тутаган шевасида феъл ўзакларига қўшилганда ассимиляцияга учраб л билан талаффуз қилинади -лд//л, эл-лум, қил-лум.

Шаҳрисабз шевасида м, н, нг ундошларидан сунг -ди аффикси қўпинча -ни шаклида талаффуз қилинади: д-н конним, йонним.

Ўтган замон феълнинг бу формаси -к//қ (/й/ё/х) -в, -миз аффикслари ёрдамида ясалади.

Тарихий ўтган замон феъл

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик
тынчығанман > тынчығамман	тынчығанмиз > тынчығаммиз
тынчығансан	тынчығансыз
тынчыған	тынчыған
алғанман > алғамман	алғанмыз > алғаммыз
алғансан	алғансыз
алған	алған

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик
Тош. бəргəнмən	бəргəнвуз// бəргəнвузə
бəргəнсən	бəргəнсəлə
бəргəн	бəришкən
Анд. бар гəнмən	баргəнмьз
баргəнсən	баргəнсəлə
баргəн	барьшкən

Узоқ ўтган замон феъл

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик
барған эдим > барғандым	барған эдик > барғандық
барған эдинг > барғандынг	барған эдингиз > барғандынгиз
барған эди > барғанды	барған эди > барғанды

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик
джурған экəнмən > джурғанекəммən
джурған экəнсən > джурғанекəнсən
джурған экəн > джурғанекəн

Кўплик

джурған экәнмиз > джурғанекәнмиз

джурған экәнсиз > джурғанекәнсиз

джурған экән > джурғанекән

Бирлик

Тош. тургәнъдъм

тургәнъдың

тургәнъдъ

Анд. таккқанъдъм

таккқанъдың

таккқанъдъ

Кўплик

Тош. тургәнъдув//

тургәнъдув//

тургәнъдузә

// тургәнъду:зә

тургәнъдъйлә

туръшкәнъдъ

Анд.

такқанъдък

такқанъдъйнәр

такъшкәнъдъ

Ўтган замон хикоя феъли

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

келиб эдим > келиведим > кеведим//кебедим

келиб эдинг > келиведим > кевединг//кебединг

келиб эди > келивэди > кеведи//кебеди

Кўплик

келиб эдик > келиведик > кеведик//кебедик

келиб эдингиз > келиведингиз > кеведингиз//кебедингиз

келиб эди > келиведи > кеведи//кебеди

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

Тош.

элувдъм

элувдънг

элувдъ

Жиззах.

йозу:дум

йозу:дунг

йозу:дъ

Кўплик

Тош.

элувдъм

олувдувзә//элувдъйлә

олъшурдъ

Жиззах

йозу:дум

йозу:дъ (лә)

Ўтган замон эшитилганлик феъли

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

койуппан чөгуппан

койупсан чөгуспан

койупту чөгупту

Кўплик

койуппиз чөгуппыз

койупсиз чөгупсыз

койупту чөгуппти

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

Кепмән > кеммән

Кепсән

Кептъ

Кўплик

кепмъз//кеммъз

кепсълә

келъшъптъ

Тугалланмаган ўтган замон феъли

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик

войнар эдим>войнаредым>войнардым
войнар эдинг>войнаредынг>войнардынг
войнар эди>войнареды//войнарды

Кўплик

войнар эдик>войнар едьк>войнарьдык
войнар эдингиз>войнар едыңгиз>войнарьдыңгиз
войнар эди>войнар еды>войнарьды

Бирлик

войнағыч едим>войнағычидим
войнағыч эдинг>войнағычидинг
войнағыч эдин>войнағычиди

Кўплик

войнағыч едик
войнағыч едыңгыз
войнағыч еди

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик

Тошк. Бэрэрдъм > бэрэ:дъм
Бэрэрдънг > бэрэ:дънг
Бэрэрдъ > бэрэ:дъ

Кўплик

бэрэрдув (зэ) > бэрэ:дув (зэ)
бэрэрдъйлэ > бэрэ:дъйлэ
бэръшэрдъ > бэръшэ:дъ

Бирлик

Қорабулоқ. бердим еди
бердинг еди
берди еди

Кўплик

бердүгүдүк (<бердик едик)
бердингиз еди
берди еди

Шеваларда ўтган замон феълининг юқорида курсатилганлардан ташкари яна бошқа шакллари ҳам мавжуд.

Ҳозирги замон

Маълумки, ўзбек тили тарихан уч лаҳжага, яъни қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига мансуб қабила ва уруғларнинг тили асосида шаклланган. Шунга кўра ўзбек тили диалект ва шеваларида айрим ҳозирги замон феъли формаларининг ва бошқа тил фактларининг яқин қардош туркий тиллар фактларига ўхшаш, бошқа туркий тилларда қўлланмайдиган, фақат ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган формалар ҳам мавжуд.

Ўзбек тили диалект ва шеваларида бошқа феъл формалари сингари ҳозирги замон феъли формасини ясовчи кўшимчалар ҳам ранг-баранг кўринишларга эга.

Ҳозирги замон феълининг -йёп аффикси ўзбек адабий тилига асосий морфологик белги сифатида қабул қилинган ва жойларда турли фонетик вариантларда қўлланади.

Андижон, Водил, Марғилон, Қўқон.

Ҳозирги замон

Конкрет ҳозирги замон феъли

Бирлик

Тошк. бэрвэмән
бэрвэссән
бэрвоттъ
Анд. барйэппән
барйэпсән

Кўплик

бэрвэммъз//бэрвэммъэ
бэрвэсстлэ
бэръшвоттъ
барйэппъз
барйэпсълар

Парк. баръэптъ	Сам. баръшйэптъ
баръэптъм	баръэмман
баръэптънг	баръэпсан
баръэптъ	баръэпту
Нам. баруттъмэн	Миришк. баръ:туммэн
баруттъсэн	баръ:тувэн
баруттъ	баръ:тти

Бирлик

Корабулок. қылайтма	кэл'эйтмэ
қылайтса(//қылайсса)	кэл'эйтмэ(//кэл'эйтсэ)
қылайты	кэл'эйтти

Кўшлик

кыләйтмыз(//кылайтмыс	кэл'эйтмиз (//кэл'эйтмис)
кыләйтсылар(//кылайссылар)	кэл'эйтмэ(//кэл'эйтсилэр)
кыләйтты	кэл'эйтти
Форишда. келйэттмэн	келйэтымъз
келйэттсэн	келйэттсэз
келйэттъ	келъшйэттъ

Бирлик

Кўшлик

Манкент келйэтмэн//келйэппан	келйэтымъз
барйатман//барйаппан	келэйтсэз
келйэтсэн//келйэссэн	
барйатсан//барйассан	
келйэтти//барйатти	келэйтти

Самарқанд- Бухоро шеваларида ҳозирги замон формаси сифатида -йэл (-эп) аффикслари қўлланади.

Бух. ышлайпман, келәпман

Қарши. барәпман (барәмман)

Шахр. әләммән, ышләммән, окъйәммән.

Яна: Қарши. барәтумман барәтуммъз

барәтупса барәтупсэз

барәтупту барәтупту

Тошкент. корвәммән

курвәссән

курвәттъ

Пискент. қъвәттъм

қъвәттъг

қъвәссән

қъвәссэз

қъвәттъ

қъвәттъг

Яна Наманган. баруттъмъз

Учқўргон. кевәттъм

кевәттъг

Қорақалп. (Беруний): барватырман; Хўжайли: баратырман; Хўжанд,

Қўнгирот. бараджатырман

Ҳозирги -келаси замон

Ҳозирги- келаси замон формаси барча ўзбек шеваларида -а/-э ёки й аффиксли равишдош формасига шахс-сон қўшимчаларини қўшиб туслаш орқали ясалади.

Ўзбек халқ шевалари ҳозирги келаси замон феъли 1ш. кўплик формаси нинг қўлланиши бўйича ўзаро фарқланади.

а) -миз// -мъс ли форма ва б) -вуз ли форма -вуз аффиксли гуруҳга Тошкент шеvasи, оҳангарондаги Ақча, Тут, Қорахитой, Бекабод туманидаги Тақачи қишлоқ шевалари, Қариш, Бешкент гуруҳ шевалар, Карпот, Жиззах даги Фориш шевалари киради.

Бирлик	Кўплик
Тош. кѳрамѳн	кѳрѳвуз//кѳрѳвзѳ
кѳрасѳн	кѳрѳсѳз// кѳрѳсѳлѳ
кѳрадѳ	кѳрѳшѳдѳ//кѳрѳдѳлѳ
Фориш. барамѳн	баравиз, алавиз
барасѳн	аласиз//аласиллѳр
барадѳ	аласиз//аласиллѳр
Қолган жойлардаги шевалар (-миз) аффиксини қўллайдилар.	
Кўкон. йѳзѳмѳн	йѳзѳмѳз
йѳзѳсѳн	йѳзѳсѳз
йѳзѳдѳ	йѳзѳди

КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ

Ж-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик
қарармѳн ичѳрмѳн	қарармѳз ичѳрмиз
қарарсѳн ичѳрсѳн	қарарсѳз ичѳрсиз
қарар ичѳр	қарар(лар) ичѳр(лар)

Й-ловчи шеваларда:

Бирлик	Кўплик
Анд. барѳрмѳн	Тош. барѳрмѳн > барѳ:мѳн
барѳрсѳн	барѳрсѳн > барѳ:сѳн
барѳр	барѳ:
Анд. барѳрмѳз	Тош. борѳрвуз > борѳ:вуз(ѳ)
барѳрсѳлѳр	борѳрсѳлѳ > борѳ:сѳлѳ
барѳшѳр	борѳшѳр

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

РЕЖА:

1. От, сифат, олмош, сон сўз туркумлари.
2. Феълнинг функционал формалари.
3. Равиш. Равиш ясалиши.
4. Сўз ясалиши

Ўзбек шеваларининг характерли хусусиятларидан бири бу сўз туркумларини ифодаловчи сўзларда аниқ ифодаланади. Чунки шеваларимиз хилма-хил бўлгани каби сўз туркумларини ифодаловчи сўзлар ҳам, ясовчи кўшимчалар ҳам фарқ қилиб туради.

От сўз туркуми.

От сўз туркумига оид сўзлар кўплик ва эгалик аффиксларини олиб турланади. Ўғуз шеваларида кўплик тушунчаси -лар, -лэр аффикси воситасида ифодаланади. Кўпликнинг бу тарзда икки форма билан берилиши шунда сингармонизм қонунчаси мавжудлиги асослаб турибди. Кўплик аффиксининг -нар, -нэр формалари ҳам мавжуд.

От сўз туркумига оид эгалик, келишик ва кўплик аффиксларини олган ҳолда келиши мумкин. Бу ҳол куйидагича кўринишга эга:

а) от сўз туркумига оид сўзлар фақат эгалик аффиксини олади;

б) от сўз туркумига оид сўзлар келишик аффиксларини олади;

в) от сўз туркумига оид сўзлар кўплик ва эгалик аффиксларини олиб келади:

балаларым балаларымиз

балаларынг балаларынгиз

балалары балалары

г) от сўз туркумига оид сўзлар эгалик ва келишик аффикслари билан турланади:

Б.к. ЭТМ ат соз

Қ.к. ЭТМНЫН атны созни

Т.к. ЭТММЫ атны созни

Ў.п.к. ЭТМНЫН атта созды

Ж.к. ЭТМГЭ ата соза

Ч.к. ЭТМДЭЭН аттан создән

от сўз туркумига оид сўзлар фақат келишик аффиксларини олиб турланади.

Б.к. ат соз

Қ.к. атны созни

Т.к. атны созни

Ў.п.к. атта созды

Ж.к. ата соза

Ч.к. аттан создән

(олдинги дарсда берилган мавзуларда эгалик ва келишик аффикслари гапирилгани учун бу ерда уларга махсус тўхталмаймиз).

Паишалары а:ламза бе:гән ба:жы

Устиндэ сарпа:йы, ба:шында та:жы (Қарноб, 79-б.)

Зақча булбул болыт бағға йарашмас

Кийиктин өзгәси та:ға йарашмас. (Қарноб, 80-б.)

Бухоро гуруҳ шеваларини тадқиқ этган М.Мирзаевнинг таъкидлашича, бу диалектнинг луҳат таркибини ўрганишдан шу нарса аниқландики, жонсиз ва жонли мавжудотларни билдирувчи сўзлар, яъни грамматик отлар бошқа сўз туркумларига қараганда сон-микдор жиҳатдан энг кўпчиликти ташкил этади¹. Отлар тузилиш жиҳатдан содда, қўшма ва **жуфт** кўринишларда учрайди. Содда отлар туб(боғ, ҳалво) ҳамда аффиксация йўли билан ҳосил бўлган ясама сўзлардан (боғбон, ҳалвогар) иборат.

¹ Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. — Тошкент: Фан, 1969, 49-53-бетлар.

Қўшма отлар икки сўздан ясалади, қўпинча — улар юкламалар билан боғланади: қээн - тавэж, савзэ-тэйэз, тоёу тэмдшэ, кечайу кундуз, досту душман, йэву қыи.

Бирор касб-ихтисосга мансуб шахс оти ясовчи қўшимчалар:

— чь: найчъ, сурнайчъ, тейирмончи, а'лачъ.

— кэр: сойыпкэр

— гэр: нэсгар

— кэш: пилләкэш

— тарош: каламтарош

— пэз: самбесепэз

— бэф: шэйибэф

— шуй: дашшуй

— мэнд: эйәлмэнд

— боз,-вэз: мэрбоз

Ўрин-макон маъносини билдирувчи отлар ясовчи аффикслар:

— зэр, -ъстэн, -гэх, -дэн, -к, -эк, -кэк (бэткэк)

Аниқ ва абстракт предметлар маъносини билдирувчи отлар ясаيدиган ясовчи аффикслар:

— а: ғора

— әк: кунжәк, еләк, туләк

— чъ,-кь: сурткь

— эк: орэк

— ғыч,-ғуч: қирғыч, сорғуч

— чэк: жарғинчэк (қўл тегирмони)

— уш: улуш (тўй-маъракаларда бериладиган емишлик маъносиди).

Абстракт маъноли отлар ясовчи аффикслар:

— лък, -лък, -лик: йахшълък, сов

— чълък: де:канчълък, узумчълък

Олд аффикс:

хәм- / -дош: хәмсө:бәт, хәмкасп-касбдош, хәмнәм/адаш

Композиция усулида ясалган отларга мисоллар: гөш(т)бәрәк, тухум-бәрәк, гульра:нә.

Сифат сўз туркуми.

Шеваларда сифат категориясидаги сўзлар ўша шеваларга хос айрим сифатларнинг мавжудлиги билан ўзбек адабий тилидан маълум даражада фарқ қилади.

Масалан, Юқори Қашқадарё шеваларида: сьптә рәннә (силлик ранда).

Сурхондарёда. Работ ж. джөпкәрчи (ғийбатчи), Тошкент сотәсь сөву:, куру: (мәхтәнчө:)

ЮқШ: дэвәнг (катта), доннгэзвәк (содда, оддий). Тошкентда чотър, бесонәкай, зәхәр.

Қипчоқ тип шеваларда: аччы, қатты, қуры, тири. Қарлук тип шеваларда: аччык, қаттык, қурук, тьрх. Бундай сўзлар охиридаги ундошнинг жарангли вариантыда қўлланиши ҳам кузатилади: сары, арыг, ыссыг, аччыг, қаттыг.

Икон шевасида сўз охиридаги ундош жарангсиз: сарык, арык, ыссык, аччык, қаттык.

Сифатларнинг ясалиши.

Наманган, кельшымль: йьгът – келишган йигит, сълтъкдоз шувѡкъть – текис сувайдиган сувоқчи. –лъ ва тожик тилларидаги сер – аффикси синоним аффикслардир: сергѡж сомсѡ (маъно кучлирок), гѡшлъ сомсѡ.

-ли аффикси кипчок, ўғузларда серунум бўлиб, отдан сифат ясайди: ўғуз: элашилъ, қуйашлъ гун айазды ге:чѡ, қызықлы адам (кизиқ одам), гѡримли, гѡришлъ, миннишлъ.

Қыйа-ккыйа бақышен

Жаным ота йақыпем

Он бармакы нақшлы

Қы:злѡ гѡлѡр йар-йар

Наманганда: сеплъ къзм – эплъ къзм(сепли-молли, эпли - удабурон).

-кы. Сурхондарѡда ҳоқкы (кўпол) одам.

- гѡр: Фориш. Кѡсѡлгѡр бѡлѡ (касалманд бола)

- вѡн: Тошкент. кѡсѡлвѡн бѡлѡ.

- ѡки: Сурх. хѡвѡсѡки (хавас қилувчи); Фориш. кузѡки ѡлмѡ (кузги олма)
кимизѡки (қимизак)

-чѡн аффикси қарлук тип шеваларда –сиз аффикси ўрнида қўлланади. кѡйнѡ:чѡн (кўйлақчан).

-жѡн. Тошкент. бѡлѡжѡнлъ: ѡйѡл – Наманган. ѡдѡмжѡн кѡлѡн(одамшаван да келин).

-ѡк: Хива, Ург: сўз+ѡк (сўзагон), ўрк + ѡк (хуркович).

-ѡк: Ург., Хива, Хонқа: чуш +ѡк (чала туғилган бола).

-сав: Ург. Хива, Шовот, Хонқа: дѡмақ+сав (хўра).

Отлардаги эркалаш формаси сифатларда ҳам қўлланади. Аслий сифатларда келадиган эркалаш формаси шеваларда (Бухорода) кенг тарқалган: шънамгъна хавлъ, ѡсѡкъкъна патър, навчагъна бир ѡдам келлъ, дѡммуккъна ўғълча.

Сифат ясовчи префикслар(олд кўшимча) кенг қўлланади: ба-, бе-, нѡ-, сер-, ҳам.

Сифатларнинг орттирма даражаси.

Сифатларнинг орттирма даражаси қарлук шеваларда (Нам., Фарғ., Тошк. каби): жѡдѡ, жѡ:, енг, гѡйттег, кийѡттѡк каби сўзларни кўшиш билан ясалади.

Бух. орттирма даража оддий даража формасига жуда, кўп сўзларини кўшиш билан ясалади: жудѡ ыссык, хавѡ кѡп ѡсѡкъ.

Кипчок ва Қорақалпоқ шеваларида йенг каби сўзларни кўшиш йўли билан ясалади. йенгѡчѡтъ пѡйѡз.

Бўгин такрорлаш йўли билан. Фориш: кѡм-кѡк ѡт, туп-тузув китап.

Сурх.: зым-зыйа (қоп-қоронғи), топ-тамалок (думалок).

Фонетик усулда баъзан товушларни чўзиш, такрорлаш орқали ҳам маъно кучайтирилади. Фарғ. қѡррѡ чол: Сурх. джашшық гош (ѡғсиз гўшт).

Синтактик усулда орттирма даража сифат ясалганда айрим сифатлар такрор ишлатилиши мумкин: қарл. йѡмѡннѡн-йѡмѡн, мѡрттъ – мѡрдѡ бу ѡшкѡ қол урѡдѡ.

Озайтирма даража – иш, -ғыш, -имтил, -ғылт, -роқ аффикси орқали ясалади.

Сурх. сәрышын джигит (сарикрок), кэрамтыл джун (корамтир), жетәвгә нә йедик; Фориш. би:ччи:гинә мэккә (кисмангина)

Киёсий даража: Фарг. йүкэраг хамир, кэмак булут

-р: аффикси киёс маъносини билдирганда чиқиш келишиги аффикси (-дән, -тән) кўшилган сўздан кейин корә, йәнә, тәгън каби кўшилиб айтилиши мумкин: сәндән корә нөвчәр: Аслий сифатларнинг киёсий даражалари Бухоро диалектида қуйидагича ясалади: -рәк: йахшәрәк, йамәнрәк;

Сифатларнинг маъно турлари.

Характер хусусият билдирувчи сифатлар: Сурх. хаккә (сезгир, хушёр), хоккы (қўпол); Бух. койъмсәк (кизғанчик); Фориш. агбаз одам (чавандоз одам).

Ҳолат билдирувчи сифатлар: Сурх. зоғым (бадковок, гавдали), бужур (чўтир); Нам. тәттәк (йиртик); Анд. әғър әйәк (хомиладор).

Ранг-тус билдирувчи сифатлар: Сурх. зәрчә (сарик касал).

Ҳажм-ўлчов: Сурх. ғайбар (катта); Қарши: дәрәз (узун)

С О Н

Нумеративлар. Шеваларда нумеративлар қўпинча от туркумига оид сўз лардан бўлади. Сам: бър сукъм топрак; Анд. бър тутәм чәч;

Нумеративлар турли маъноларни билдиради: Қорақалпоқ, ўғуз шевала риди еккиъ тунна; Нам: оннуч ботмән, ьккь пәйсә, онәккь мьскәл; Сам: бър кәп, бър чекъм, бър култъм.

Сарик уйғур тилида иккон (икки ун), учон, төртон, лисон, алтон, йелтон /жетон, сақысон, тоқысон, типиди санайдилар.

Қарлук тип шеваларда, айниқса кексалар нуткида камайтириб санаш хо дисаси учрайди: бърәм кър//кых//кирк, уч кәм елләй//елләг ёки ортириб санаш системаси қўлланади: тохсәннән//тохсәндән уссом әртәк// әттәк, етмушдән//йетмьштән әлтә сом зьйәт//зьйәт/зьйәт ва х.

Тартиб сонлар санок сон ўзагига қорлук тип шеваларда –унчи, -нчә, -ынчи, -ләмчә, айрим шеваларда –унчи (Нам. Пучунчә, тотунчә), ўғуз тип шеваларда –ләмчә, ләнчә, ләнджә каби аффиксларнинг қўшилишидан ясала ди: Масалан, қарл. бърънчә кун, бърләнджә ойун: оғўз бълләмчә кәлдъш. Анд., Ўш. Бъръиджә, ькьнджә онләнджә. Қарши. Бешләмчә чърәг.

Тартиб сонлар санок сон ўзагига қарлук тип шеваларда -нчә, -ънчә, -ләмчә, айрим шеваларда –унчи (Нам., пучунчә, тотунчә), ўғуз тип шеваларда –ләнчә, ләнджә каби аффиксларнинг қўшилишидан ясалади.

Дона сон. Нам.: бьтә: кипч. скьтә: қарл.: уштә: Қарши йеттә: Нам.тонгтә.

Таксим сон. Қуйи Қашқадарё шеваларида. еккьтәдән, Қарши: тогтәдән.

Ўғуз тип шеваларда: уч – дортдъйн чойнәк тикдолә.

Қаср сон. қарл. уштән бър, оннән бър; кипч. воннамбир.

Жамловчи сон. Сурх. авзы бирев, кулагы йекев, Қарши, Парк., Анд. бър рәп, ькәв. кипч. бәшәв. Манк. учәсь, то:рәсь кеттә; Ўғуз тип шеваларда –әлә, -әв аффикслари ўрнида санок сонларга тегишли шахс, эгалик аффикслари қўшилиши натижасида ҳам жамловчи сон ясалиши мумкин. бешънъз боргә ьшләдънгәз, ьккьмъз гәлдък.

Чама сон. қарл.уштәләп, бештәләп. бешев – бешевлет: қарл. бештә – беш тәләп йедъ; Жиз. Әлмьштәчә, тохсантәчә. Сурх. вонтама – вомбештәмә бър.

Олмош сўз туркуми.

Олмошларнинг шевалардаги қўлланишида фарқли ҳолатлар мавжуд. Кишилиқ олмошлар шевалараро фақланиди: мэн, сэн, ул/у, биз,-бизэр-биз лэр; сиз-силэр-силлар; улар-улалар.

Кўрсатиш олмошлари:

Б.к.	бу
Қ.к.	мўнинг
Т.к.	мўны
Ў.п.к.	мўндэ
Ж.к.	мўнэ
Ч.к.	мўндын

(анав, манав сўзлари ҳам шу тарзда турланади). Кўрсатиш олмошларини қўллашда яқин-узюк, аниқ-ноаниқликка қатъий риоя қилинади, сўзловчига яқин бўлган предметга ишора қилинганда бу шу узюкка ишора қилинганда у, ўша олмошлари ишга солинади.

Сўроқ олмошлари: ким, не/ни, ни:ду, ничик, нъхы/ныхы деди, неччи, канча.

Ўзлик олмоши: оз. Унинг келишиқлар билан турланиши эғалиқ олган от турланишидан фарқ қилмайди. ози, озиминг, озинкын, о:зинэ,озини/о:зинни, озин:дэ, озин-дин.

Бўлишсизлик олмоши: ҳеч ким, ҳеч нима. Гумон олмоши: кимдир, нимадир, биров, бирне.

Белгилаш олмошлари: хэммэ, бэрчэси, бэри, жэмиси, бутин, ҳэр ким, ҳэр нэрсэ.

Феъл сўз туркуми.

Феъл сўз туркумига оид сўзлар шеваларда турли маъно нозиклиқлари билан фарқланади. Бу ҳақда “Тусланиш” мавзусида тўлиқ тўхталган эдик.

Қўшма феълларнинг тузилиши адабий тилга тўғри келади.:

1. От + феъл: қол қоймақ, хизмат этмақ.
2. Феъл + феъл: оқып чыхмоқ, сойлаб бермақ.

Бол, қол, ал, қор,бер, тур, ет, қыл кўмақчи (сўзлари) феълларининг қўлла ниши ва маъно жиҳатдан адабий тил нормасидан четга чиқиб кетадиган жойи йўк.

Шеваларда феъл нибатлари ва функционал формалари

Шеваларда феъл нисбатлари адабий тилдагига деярли мос келади, фонетик томондангина ўзгачалиқлар учрайди.

Шеваларда, айниқса Сурхондарё қипчоқ шеваларида функционал формалар адабий тилдагидан фарқ қилади.

Сурхондарё шеваларида ҳаракат номининг -ш, -иш, в, -ув, -ги, -гы формалари ишлатилади. -ш, -иш воситасида ясалувчи ҳаракат номи анча кенг қўлланади. элыштың беришийэм бор (Бешк.). Джийиш – ичиштэм кэми джок (Исмойилтепа). Джуришинг шу боса бугуннэр джетишинг қыйын (Исм.) Борышыман қайтамаққа тушипти (Болд.)

Мисоллардан кўринадики, -ш, -иш билан ясалган ҳаракат номи отлар сингари турли аффиксларни олиб ўзгариши мумкин. -в, -ув, аффикси билан ясалувчи форма ҳам нисбатан фаол ишлатилади. Пахтамик йекинчи

ишлевдэн чыхты (Музр.) Келувиң қыйым болды (Окт). элувдың берувийәм бор (Исм.)

-в, -ув аффикси билан ясалган ҳаракат номининг бўлишсиз шакли -ма аффиксини келтириш йўли билан ҳосил қилинади.

Адырга чыхмовым (чыкма+в) боларакан. Джолымнан қайтмовым боларакан (Бешк.)

Ушбу шеваларда -гы, -ги, -кы, -ки воситасида ясалган ҳаракат номлари ҳам эғалик аффикслари, баъзан -дай равиш ясовчи билан бирга қўлланади: эғйдаи конгни боримиш. Вонинг тоғрысыда гәпләшкидей бомапты.

Маълумки бу аффикслар эски ўзбек тилида актив қўлланган ва сифатдош, ҳаракат номи ясалган.

Сурхондарё кипчоқ, шеваларида характерли -эри формаси мавжуд бўлиб, у шу кунгача фақат Шаҳрисабз шевасида қайд қилинган ва ҳаракат номига киритилган.

қырқ қиләнг бир холлап котәрәри (Баймоқли) йэкәв -йэкәв болып чобары (Исм). Бунда ўша аффикс қўшилган негиздан англашилган ҳаракатни бажаришга ундаш маъноси англашилади.

Кипчоқ шеваларида -б, -иб аффиксли равишдошлар актив қўлланади. әвәлләри шероботгача чомичлиләрәм бирәв-бирәвиникига қоннашыб джурәриди.

... Эсопдентг вогыны бир джәка ишириб (суриб) ыссык қурымга көммәни көмпип пиширгичийдик (Соқчи).

Этгы әпкәппергән одамнән вондирибәласыз (Исм.) Чәйыны ичипполды (сандхи ҳолат).

-э, -й аффикслари ҳозирги замон равишдошининг ҳосил қилади. Бир йил қырқ кунни пахтада откәзгычийдик (Ангор). Вонг қолыда китаби – воқый воқый келәди, чәп қолыда чәйнәги чайқай- чайқай келәди. Сәвга сәлам дегәндә толыб-тошыб келәди (Минор).

Кипчоқ шеваларининг шундай характерли хусусияти борки, -э билан битган равишдош чўзиб айтилади ва негиздан англашилган ҳаракатнинг қўп давом этганлиги маъносини билдиради: Келәттеп қараб отыра: қаны келсә (Исмоилт.) Изидән қува: қаны джетқирсә.

-а, -й аффиксли равишдошнинг бўлишсиз шакли --ма, -па аффикслари воситасида ҳосил қилинади: нәс Эттым, дәри иштгим пәйда қымайберди, сонг духтиргә бордым (Тупк) Рәйискә бәрғаннан нәрмаған көпкәри чәппай қойды этыңыз.

-гинчә, -кинчә, -кынчә аффикслари воситасида пайт маъносини билдирувчи равишдош ясалади. Мен кегинчә пахтаны чигитлә, депти (Оққурғ.) Шәрипә қызым тувылгинчә кәлхосда ишләдим.

Баъзан – гинчә аффикси ўртасида эғалик аффикси келиши мумкин: Кетәрәип кегинимчә боларым болды.

Адабий тилдаги -гач аффикси ифодаляйдиган маъно -гәндән сонг, -гәнгдән сонг, -гәнденг кийин воситасида берилади: Ичкәндәнг кийин ждутмай болама.

Кипчоқ шеваларида сифатдош ясовчи аффикслар адабий тилдагидан фарқ қилади. (-гән, -кән, -қан). Илгәри пыхорда турган бекләрминән

аләйкасы борәкән бизин бәйлардың (Исм.) Хисор кеткән эгамдың аты кашкамакан (Соқчи). алдыңнан эғатыған сувдинг қадири джок.

-гич аффиксли сифатдош -кич, қыч, -ғыч каби фонетик вариантлари билан актив қўлланади. Бу аффикс воситасида ясалған сифатдош уч хил хусусиятта эга.

1) болды кўмакчи феълидан олдин келиб, адабий тилдаги -эдиган аффиксли сифатдошнинг вазифасини бажаради: Йеккундә бир қолла хәбәр эғыч болды. Шоннам бери уйигә вәхтыда кегич болды (Октепа).

2) эди тўлиқсиз феълидан олдин келиб, адабий тилдаги (-а)р аффикснинг вазифасини бажаради: Мен атты джетәләгичедим, вол хәйдәгичеди. Джәшлығымизда копкери чопкычийдик.

3) отлашганда адабий тилдаги -увчи аффиксли сифатдошнинг вазифасини бажаради. Кувгычлар джетиб эса... Мен парганалыке ишлувчиләргә чой қайнаткыч боб ишләдим.

-увлы аффикси воситасида ҳам сифатдош ясалади. Қайвах қайтсайам уйи шыпырувли, әвкати пиширувли.

-(а) р аффикси воситасида ҳам баъзан сифатдош ясалади. Барышәр барышәр

Равиш сўз туркуми.

Шевалардаги равишлар адабий тилдаги нормадан четта чиқолсайди, фақат сўзларнинг фонетик киёфасида бўлади. Икон – Қорабулоқ шеваси, Хоразм – Ўғуз шеваси

Пайт равиши

Бугун, эртан, ахшам
ертәкундуз, хәли,
ха:зыр, былтыр

буйин, е:р,
ахшам, эртан
харвах.

Ўрин равиши

Шунда, бака, ке:дин, шақтын, узакта, алыстан, айшақа, мойшақа, шуйа:на.

Ҳолат равиши

Те:з, зо:рға, қыйын, ағыр, онай, секи:н, му:т(бекорға), тыхтавсыс, йайав.

Даража-миқдор равиши

Коп, а:з, пича, эбдан, шунчаллы, канчаллы, тынтақдый, питә, сыра.

Равиш ясалиши

1. Лексик йўл билан: коп, а:з, йахшы, чакқан, алыс.
2. Морфологик йўл билан: -ча, -чә, -дай, -дәй, -лан, -лән, -часына, -чәсинә, -ан, -ән: -кастан, йигитчә.

Сўз ясалиши.

Сўз ясаш қўшимча қўшиб сўз ясашдир. Шеваларда сўз ясовчи аффикслар қуйидагилар:

Тошк. сузәнғъч (сузагон)

Фарғ. қъзылча (қизил лавлагн)

Хоразм. дамызлык (томизги)

Компазиция оркали қўшма сўзлар ясалади: Фарғ. қэра йалак (чугурчук), Анд. патма чъмчэк (жиблажибон).

Ўзбек шеваларида адабий тилдаги баъзи аффикслар бошқа маънода қўлланишини ҳам кўрамиз. Масалан, -чэн// -чэн: Фарғ., Андж., маҳсчэн// маҳсчэн (маҳсисиз), Тошк., Сурх., маҳсчэн адабий тилда маҳсичан (маҳсили, калишсиз), Анд., Фарғ йахтэкчэн (яктаксиз) — Тошк. йэхтэкчэн адабий тилда яктакчанг (фақат яктакли, чопонсиз)

Сурх. авышта - олди-берди

бергы — улок, кураш мусобақаларида ғолиб учун ажратилган совга

бежэғым — ёқимсиз, қилиғи совуқ

белги — маълум, аниқ

бурум — муюлиш; уйимиз бурумдан өткэн джэйда

бойынса — тенгкур

бектэрги — эгар орқасига боғланадиган от жабдуғлари

болишмоқ — тарафини олмоқ

ғэбулов — гапнинг маъноси, йуруғи

небир — қандай, ажойиб; илгэри небир пэлвэннар өтти

пэрымны (пэрым) — ёқимли, эсэл сизгэ пэрымны

сарылмэқ — кутмоқ, интизор, бўлмоқ.

синамэл — синалган одам, ишончли

тамахлэв — бўйинга боғланадиган хотинлар безағи

тэмахсэв — очкўз

тийэт — улуш

тусэмэқ — истамоқ, хохламоқ; коңни тусэди

тушум — даромад

учунмэқ- қўркмоқ, касалланмоқ

уйрим — гирдоб

учэм — учта туғилган улок, кўзи

онды — кийимдин рэни онды, ўзгарди

эрыш — мол ўтлайдиган майдон, юриш

өрлэшмақ — бахслашмоқ

хөққы — қўпол

чагыраймэқ — кўзини олайтирмоқ

чайпимақ — ҳар жойдан термоқ

чөкки — 1. сузма; 2. ноқулай бўлмоқ, ёпишқоқ, шилимшиқ (соз тупроқ).

ШЕВАЛАРНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р Е Ж А:

1. Сўзлашув нуткининг мукамал ўрганилмаганлиги.
2. Диалектал нутққа хос хусусиятлар.
3. Ўзбек шевалари синтаксисининг ўрганилиши.
4. Шеваларда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолнинг проф. Ф.Абдуллаев томонидан тадқиқ қилиниши.
5. Проф. А.Алиев томонидан Наманган гуруҳ шеваларида гап бўлаклари тартибининг ўрганилиши.
6. Ю. Жуманазаров томонидан Хоразм шеваларидаги содда ва қўшма гапларнинг тадқиқ этилиши.
7. Шеваларда қўшма гапларнинг қўлланилиши.

Сўзлашув нуткининг мукаммал ўрганилмаганлиги. Тил одамлар орасида фикр олишув воситаси бўлса, нутқ эса шу фикр олишув воситасининг рўёбга чиқиш ва тил материалларидан фойдаланиш жараёнидир. Фикр олишув эса нуткнинг илмий, бадий ва ўзаро сўзлашув услублари орқали воқе бўлади. Ўзаро сўзлашув нуткнинг адабий услуби ва маҳаллий ҳудудларга хос формалари мавжуд.

Ўзбек тилшунослигида маҳаллий ҳудудлардаги аҳоли нуткининг фонетик, морфологик ва лексик томонлари озми-кўпми текширилган. Аммо сўзлашув нуткининг маҳаллий шароитга хос бўлган формалари билан адабий оғзаки формасининг ўзаро алоқаси, улар орасидаги фарқлар атрофлича ўрганилмаган. Бу масала рус тилшунослигида академик В.В.Виноградов томонидан ўрганилган нуткнинг оғзаки формаси ўзига хос услубга эга бўлишини қайд қилганида рус тилининг ўзаро сўзлашув формасини эътиборга олган¹. Бу нарса ўзбек тилига ҳам бевосита ўзаро сўзлашувга хос оғзаки формаси ҳамда унинг ўзига хос бўлган нуткининг ўзига хос услуби ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб ўйлаш хато бўлур эди, деган фикри ҳам диалектал нуткнинг алоҳида хусусияти борлигини, унинг адабий (оғзаки) нутқ билан боғлиқлигини кўрсатади.

Диалектал нутқда маҳаллий одамларга хос пауза, интонация, турли ифода воситалари ҳамда ундан маҳаллий одамларнинг тушунишига оид бўлган доирага тақлид қилиш ҳам намоён бўлади. Унда савол берилади, жавоб олинади, ортиқча реплика бўлмайди, ўрнига қараб реплика, пауза, давра ҳам шароитга мослашиб қисқа бўлади. Унда ўзига хос эмоционаллик, гап бўлақларининг ургу ва пауза билан ажралиб туриш ҳолатлари, бўгин ва тактларни алоҳида ифода қилишдан ташқари, бирикма, фраза, содда гап ва қўшма гапларни ажратиб айтиш ҳоллари ҳам мавжуд, чунки тил фаолияти тил материали ва тизими билан диалектал боғлиқдир. Диалектал нутқда махсус тайёргарлик бўлмайди, нутқ бунда диалогга асослангани учун сўзловчи маълум эркинликка асосланиб гапирди. Нутқ тўлиқсиз гап формасида тарихий равишда намоён бўлади, унда ифодалилик, экспрессивлик, интонацион тугаллик мавжуд бўлади.

Диалектал нуткнинг намуналарини ўрганиш орқали ўзбек шевалари ва диалектларининг синтактик хусусиятларини ёритиб бериш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда шева ва диалектларнинг синтактик ҳолатларини ўрганиш ҳам жуда катта илмий амалий аҳамиятга эга. Мавжуд монографик тавсиф ва тадқиқотларда синтаксис қисмининг бўлмаслиги, биринчидан, ушбу соҳа традиция ҳолатида ўрганилмаганлиги билан, иккинчидан, синтактик таҳлилни ният даражада қийинлиги изоҳланади. Шева ва диалектларнинг синтактик хусусиятлари ҳар хил жанрдаги жонли нутқларни узоқ муддатли кузатиш натижасида тўпланган фактик материаллар асосида ёритиб берилиши керак.

Ўзбек шеваларининг синтактик хусусиятларини, албатта, ажратиб олинган маълум бир ҳудуд доирасида М.Мирзаев, Ф.Абдуллаев, Ю. Жуманазаров, А.Алиев, Б.Ўринбоев, Х.Жўраевлар ўзларининг илмий тадқиқотлари да ёритишга ҳаракат қилишган.

¹ В. В. Виноградов. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. М.: Наука, 1963. 18-19-бетлар.

Гап булапклари шевалараро хар хил кўринишга эга бўлади. Бухоро гурух шеваларда гапнинг кесими сифатдош билан ифодаланса, эга билан шахс-сонда мослашмайди, бунда сифатдош предикативлик (кесимлик) кўшимчасига эга бўлмайди: Ман келган, Ышлаган; Сан келган, Ышлаган ҳолати ёритилса, Ф.Абдуллаев томонидан кесимнинг 8 хил ҳолатда ифодаланиши кўрсатилади.

1. Феъл кесим бўлади: Иа:ра айтың, ойэ гьрсьн.(Кўшиқ)
2. Йок, бар сўзлари кесим бўлиб келади: Манда ба:, санда йок.
3. Сифат кесим бўлади: Бақырақ дьйэнь болғань йахшь, бақырыб дурғань хуннанам йэхшь.

4. Олмош кесим бўлади: Гэлийатьрган йарнь узы, йа:дъндэкэн бэргэн сөзы.
5. Сон кесим бўлади: Иккь омбеш – бьр оттэз (мақол).
6. Инфинитив кесим бўлади: Махсатым оқымақ.
7. Иш оти кесим: Бьр герйэн бьльш, иккиь герйэн – даньш.
8. Равиш кесим бўлади: Дейхан дейханнэн беш гун сөң.

Эга 7 хил ҳолатда ифодаланади:

1. От: Мейман гирэр ешиктан, делэт гьрэр дешьктэн.
2. Сифат: Йахшь тапгь сөллэр, йаман капгь сөллэр.
3. Сон: Икки йахшь, иккьдэн уч йахшь.
4. Сэн сөллэдьн, мэн чушьндьм.
5. Сифатдош: Оқыган озар, оқымаган тозар.
6. Инфинитив: Қош қошмақ – бормақ-келмэк.
7. Иш оти(ҳаракат оти): Ер хатынь урьшг – декенень курьшь.

Аниқловчи 5 хил кўринишда ифодаланади:

1. От: Ша:йь гейнэк йелпдьдье йургендэ.
2. Сифат: А:к кьйк кэйда йайьлур та:ғ олмаса, Қъэьл гул қайда ачьлур ба:қ олмаса,
3. Сон. Ба:зара барсаньз, йолын, ыз волгай, уч – доққыз алмаға қойнын ыз долгай.
4. Олмош: Ху учактен бу учеке бакаман, Кумрь куштьйн канатынь қакаман.
5. Сифатдош: Чеме:дэ сайраған булбул, чемен гулнь хазан этме.

Тўлдирувчи

1. От: Ағзына қарап сөллэ, геззың йа:ғ басыпть.
2. Сифат: Улльнь хормэт ет, кьччьнь иззэт.
3. Сон: Кўпнь гөрдьм, бьрнь сөльм, йа:рь ба:рьн былмадьм.(Кўшиқ)
4. Олмош: Саңа чушть мен йэтьмьн нэзарь, Қачан олгай иккь йетийм ба:зарь (Қарноқ).
5. Сифатдош: Көптьн ажралғанны бөрь йер.
6. Иш оти: Сөллэшинь йэхшь гэрэдь ву (Урганч).
7. Инфинитив: Салам бермекнь:м бьльш гэрэк.

Ҳол

1. Равиш ҳоли: Ойламьйн сөллэйн , ағрымьйн өләдь.
2. Пайт ҳоли: Бьй кун кеч эксэң, бьй хептэ кеш орсэ(Иқон).
3. Ўрин ҳоли: Бетта гөш арзэң, е:ттэ иккь сомға бергдьмь?(Манкент).
4. Инкор гапларнинг кесими вазифасида қўлланадиган эмас, йўқ сўзлар баъзан узаро алмашади, қориштириб ишлатилади. Бундай фарқламай иш

латиш “икки тилли” шеванинг хусусиятидир: – Бу кун жумамъ? – Йук, бу кун жума йук, шамбё. Жора кеча келганъ емас.

Бу шевада мумкин эмас ўрнига “мумкѣн йѣк” ҳолати қўлланади.

5. Ўрин-пайт келишиги ёрдами билан шаклланиши лорзим бўлган бошқарув алоқаси жўналиш келишигида шаклланади: Бъз(лар) қъшлѣкка турамъз.

6. Бухоро шевасида (“икки тилли шевада”) тожик тилидан ўзлашган изофа аниқланмиш + аниқловчи сўз биринчиси кенг ишлатилади: гульраъкъз, гултѣжъ хурус- гултѣжхурус.

7. Гап бўлаклариға хос муайян тартибнинг ўзгариши-инверсия адабий тилдагиға нисбатан шеваларда кўп учрайди. Сўз тартиби шеваларимизда эркин. Бухоро гуруҳ шеваларида: 1. у эвкѣт кўп йейдъ – у кўп эвкѣт йейдъ. 2. у тез вазифанъ бажардъ – вазифанъ у тез бажардъ – ...тез у бажардъ.

Гапда сўз тартиби синтаксиснинг муҳим проблемаларидан бири ҳисобланади. Диалектал нутқда сўз тартиби гапда аҳамият берилган бўлакларнинг биринчи айтилиши билан фарқ қилади.

Диккат марказида бўлган сўз биринчи айтилаверади. Дўк қилиш, кўрқитиш, қатъий буйруқ қилинган пайтларда олмош эгаларининг “тушиб қолиши”, кесимнинг олдин айтилиши оддий тартиб билан мос келмайди. Масалан, тур ўрнингдан, йўқол бу ердан каби. Диалектал нутқнинг интонацияға бойлиги, унда ҳар хил нутқий товланишлар мавжудлиги гап бўлакларининг жойланишиға ҳам таъсир қилади. Гапда сўз тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради: гап бўлакларининг ўзаро алоқаси таъминланади, бўлакларнинг жойлашиши, фикрнинг маълум мақсадға қаратилиши учун хизмат қилади. Гап бўлакларининг экспрессив-стилистик хусусиятини кўрсатади. Сўзловчининг мақсади, тингловчининг ситуациядан келиб чиқади ган фикри ойдинлашади.

Гапда бўлакларнинг жойланиши психо-лингвистик аҳамиятға ҳам эға. Мақол ва маталларда гап бўлакларидаги тартиб маънони кучайтириш мақсади билан боғлиқ. Буларда қофияланиш, оҳангдорлик сезилиб туради: Бейима яраша тамағым, өпкелемэ қонағим(мақол).

Гап бўлакларининг тартиби адабий тил учун ҳам, диалектлар учун ҳам муҳим лингвистик-структурал соҳадир.

Содда гап бўлакларининг одатдаги тартиби:

Эға – кесим; эға – тўлдирувчи – ҳол – кесим; аниқловчи – эға – тўлдирувчи – ҳол – кесим.

Сўзлар тартибнинг ўзгариши натижасида гапдаги сўзларнинг грамматик муносабати ўзгарса, бунда тартиб грамматик вазифани бажарган бўлади: йѣтсѣн йѣхшъ мурѣткэ – Яхши етсини муродға...

Проф. А. Алиев Наманган гуруҳ шеваларида гап бўлакларининг тартиби ни бу тарзда бирма-бир берган:

1. Эға – кесим: ўсма кетѣр, қѣш қѣлѣр.

2. Эға – тўлдирувчи – кесим: йѣмѣн йѣменлъгънъ қълѣдъ.

3. Эға – тўлдирувчи – тўлдирувчи: Кѣссѣп ѣшнѣсѣгѣ сѣтѣр.

4. Эға – тўлдирувчи – пайт ҳол – кесим: қъз жувѣнггѣ қошълѣгдѣ хур волур.

5. Эға – равиш ҳоли – кесим: йѣхши тѣгълъ гѣпърѣр.

6. Қаратқич — қаралмиш(аниқловчи-эга) — кесим: жейъ теваъ- песь бомейдъ.

7. Тўлдирувчи — тўлдирувчи — аниқловчи — кесим: еча:нъ дэдэнгъ бьпэддэс косэтмэ.

8. Аниқловчи — кесим: бъ — чъттэхэна.

9. Аниқловчи — эга — ўрин ҳоли — кесим: уленъ хелъсъ бейдэн урок.

10. Аниқловчи — эга — кесим — тўлдирувчи — равиш ҳоли: гъръм кенэ: кьймэймэн йэкэси йиртик.

11. Пайт ҳоли — пайт ҳоли — эга — ўрин ҳоли — қўшма кесим: еттэгэ эшъчардэ бсэмэчълэ шо:рдэн кэчъп отъштъ.

12. Эга — аниқловчи — тўлдирувчи — равиш ҳоли — кесим: боръ эттъ гәпъгә ләккә чўшипти.

13. Ўрин ҳоли — сифатловчи — аниқловчи — қаратқич аниқловчи — эга — кесим: ешувин нан эққән су:нъ кәдръ йо:.

14. Тўлдирувчи — равиш ҳоли + кесим + су:нъ кормәй ету: йечмә.

15. Эга — тўлдирувчи — кесим — мақсад ҳоли: мьззэмәмут йолгә чххтә хеймәнзулләшкәнъ.

16. Аниқловчи — ўрин ҳоли — эга — кесим: орунъ тәгъгә элмә чушмейдъ.

17. Аниқловчи + тўлдирувчи — эга + тўлдирувчи — кесим: бърәппъ тәрәтмәм сән нәмәззъ окъмә.

18. Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўзлар ва конструкцияларга хос диалектал кириш сўзлар ва иборалар ишлатилади.

Бухоро гуруҳ шеваларида: аввалам, магарамки, чеқъдан, манга қараң: Хама келиъп ўтурдъ аввалам; улар келелмадълар чеқъдан.

Турк — калтатой шевасида гап бўлаклари билан грамматик жихатдан боғланмаган сўзларга ундалма ва кириш сўзлардир: бәләм сенга нъмә боллъ?

Шеваларда қўшма ва мураккаб гапларга нисбатан содда гаплар кўп учрайди.

Ю.Жуманазаровнинг таъкидлашича, у 1962-1967 йиллар ичида Хоразмдаги 112 одамдан 2800 гап ёзиб олган бўлиб, шундан 2100 таси содда гап, яъни 75 фоизи содда гап...: Айтқаним — шу; деганим — деган; бала — бала

Диалект ва шеваларда қўшма гап компонентлари ўзбек адабий тилидан кескин фарқ қилмайди. Икки компонентдан иборат қўшма гаплар уч ва тўрт компонентлардан ташкил топган қўшма гапларга нисбатан кўп тарқалган: Гава булит бўлди, дагин гунем савип гетти. Дамаки ўртага алип йемәкә айлаништилар(овқатни тайёр қилиб ея...) эққән хирман этәр, эқмәгән әрман етәр.

Қўшма гапларнинг уч содда гап компонентларидан иборат бўлиши ҳам анча кенг тарқалган: Айттим, ҳазир гәләди, бир замин ўтиринг.

Қўшма гаплар тўрт содда гап компонентидан иборат бўлиши ҳам мумкин: ахшам булут бўлди, пахтани йағнаведик, йиғмади, йахши вўлди.

Қўшма гаплар бешта компонентдан иборат бўлиши мумкин: Уйә гирип: анави қана? — деди, ҳазир гәләди, дедим.

Гап ичида ҳар хил формада ишлатилиб, бир-бирига яқин маънони англатувчи ва гапда бир хил вазифани бажарувчи параллел синтактик конструкциялар синтактик синонимияни ташкил қилади: катинг огрийди? Не:ринг агрийди?

Кениэйим келвоттило – гелимбийим гайатилла – янгам келэптила.

Кайкиларим йажжан чикди// Гургэн азапларим унут бўлди... жуда кўп:::

1. Мен биртудан пахта тердим. 2. Мен дим кўп пахта тердим. 3. Мен йер қаракан пахта тердим. 4. Мен йер джаҳан пахта тердим. 5. Мен йер хири пахта тердим. 6. Мен иқин–диқин пахта тердим(Хоразм в.).

Интонация орқали сўзловчининг хис-туйғуси, ички кечинмалари, нутк предметига турлича муносабати аниқланади. Оғзаки нутқимизда гапнинг грамматик-фикрий бир бутунлигини интонация билдириб туради. Сўз, сўз бирикмасининг гап ёки гап эмаслигини интонация орқали биламиз.

Диалектда интонация предикатив вазифасини ҳам бажаради. Буйрук гапларда дарак гаплардагига қараганда нутк тембри ва сифатининг кучайиши билан характерланади, қисқа ва ихчам жумлаларда овоз кучи алоҳида бўлади: бор, кет, оқи, тур қаби.

Сўроқ гапларда интонация овознинг гап охиригача сўраладиган сўзгача кучайиб, кўтарилиб бориши билан характерланади: Сиз пахтани нега оз тердингиз? Мэктэпдэн гэлип пахтага бараса – э?

Мисоллардан кўриниб турибдики, диалектал гапларнинг ўзига хос оҳанглари, айтилиш хусусиятлари бор. Интонация ҳақида берилган гаплар Хоразм шевасидан олинган мисоллар бўлиб, улар мисолида шевалардаги интонацион ҳолатларни кўришга ҳаракат қилдик. Сабаби интонация шевалар ва диалектлар доирасида яхши ўрганилмаган мураккаб ҳодисадир.

Адабий тилда бўлгани қаби жонли тилда(шева) ҳам ҳар бир гапнинг ўзига хос интонацияси бўлади.

Диалект ва шеваларнинг синтактик қурилишини ҳар томонлама тавсиф қилиш ҳозирги адабий тил, ёзма ёдгорликлар тили ва етакчи шаҳар шевалари тили билан қиёсий ўрганишга асосланади. Диалектал синтаксис нисбатан олганда тор доирадаги кишилар учунгина хизмат қилади.

Диалектал синтаксис диалогга асослангани учун унда қисқалик, ихчамликка эришиш қаби хусусиятлар бор бўлади.

Тилимизда шевалар ва диалект(лаҳжа)ларнинг синтактик хусусиятлари ни билиш учун (шевалар) қиёсий ва тарихий-қиёсий пландаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш жуда зарурдир.

Диалектлар фонетик, морфологик ва лексик жиҳатдан фарқли томонларга эга бўлиб, турли гуруҳларга бўлинса-да, лекин синтактик жиҳатдан гап қурилишидаги ўзига хосликлар барча диалектлар учун умумий хусусиятга эга: кесимлик аффикси, феълларнинг бошқарув хусусияти, таъкид маъносини ифодаловчи аффиксларнинг кесим таркибида келиши қаби ҳодисалар деярли барча диалект ва шеваларда у ёки бу даражада бир хил тарзда учрайди.

Шевалараро фарқ қилувчи хусусиятлар, асосан сўз бирикмалари ва келишикларнинг функционал парраллелизмида кўринади. Аниқловчи ва аниқланмиш бирикмаси баъзи шеваларда (Самарқанд, Бухоро, Қашқадарёнинг айрим шеваларида) изофа бирикма сифатида қўлланади: Ошъ палов, Пошшон Искандар, ака мулло. Шеваларда ёзиб олинган матнларда туркий изофалар кенг қўлланган: Миймәннэргэ эдрэс корпэ тайлады (қатаган) сэмъз кой қыммат олади (турк). Лекин форсий ва адабий изофалар кам учрайди.

Бундай иборалар тожик ва ўзбек халклари аралаш яшаган жойлардаги аҳоли нутқида учраши мумкин.

Келишикли бошқарув муносабатидаги бирикмаларнинг қўлланишида ҳам шевалараро фарқлар мавжуд. Бундай бирикмаларда бир келишик аффикси ўрнига бошқасининг қўлланиши айрим шевалар учун хос бўлса, бошқа шеваларда умуман ишлатилмайди.

Масалан, жўналиш келишиги -га ўрнига ўрин-пайт келишигининг -да қўлланиши фақат Самарқанд, Қашқадарё (кимга иши бор// кимга гапи бор, бир кунга// кунда бўриб келаман) шевалари учун хос бўлса, Тошкент тип диалектларда учрайди.

Қараткич келишиги билан тушум келишиги ўзаро фарқланмаган ҳолда, параллел қўлланиши эса барча шевалар учун хос.

Тушум келишиги қараткич келишиги ўрнида: Бизди тешамиз, қышты кун.

Тушум келишиги жўналиш, чиқиш, ўрин-пайт келишиги ўрнида: Шуны (//шунга)той қы(л) сак.

Жўналиш келишигининг ўрин-пайт келишиги ўрнида: қызга той қыламан ва ҳ.к.

Феъл такрорланиб келиб, давомийликни ифодалайди. энэ кеп қэлэр, мэнэ кеп қэлэр мьнэн отьрвурду: отьрвурду тэ қэрэнгь тушгу:чэ (Тошкент) бўлак ўрин. Пешэнэсь Нуриддин курьп кеткуррь шунда: шорэкэн. Мэнъ уштэ бэлэмьнэн кьм бэкэдъ, мунъ кэмэтъп койсэ. Ошэккэ кетвату:вдъм озъмэм (Тошкент); ьитьэзмьмь бьрьнчъ орьнгэ койэрдъу (Тошкент). макъп турьпсэн соппэйъп. кескечэ йэттъ кулэлэ боп. Ойкьльгьдъм келип кетти мэнъ (ЮҚШ). Кечэ гэпъргэн гэлъм есьмдэ йог мэнъ (Уш).

Бу гапларда аниқловчини бемалол тушуриб ташлаш мумкин. болэнъ урмэйдьлэ бетьгэ (Жиз.) гошэнгэдэ корэрдъ қьз мьнэн куйэв бьр-бьрын (Тошкент).

Шева матиларида кўпроқ содда гаплар қўлланган. Шундай бўлса-да, содда гапларни ҳар доим ҳам чегаралаб олиш қийин. Шева матиларида айниқса гап бўлаклари. Инверсияси кўп қайд қилинади: Бьр кун бьз келдук Хасан джойьгэ. Сўнгра ман отурдум чой тьчъп (Самарқанд).

Матиларда кўчирма гаплар фаол қўлланган: Кэл айттъкь: – ньмэ берэсэн? ... йеғлэп айттики комисэргэ: – бизлэр нимэ гувоҳ қьлдик?

Матиларда қўлланган қўшма гаплар ҳам мураккаб характерга эга эмас: бир кун тьзоқ койьп отиргэн экэн, тьзоқка бир кэттэ лэйлэк тьльньпгъ (Тошк.) қози бойни кутип отирэверсин, ендиги созни бойдэн ешитин (Тошк.)

Гапларда кириш кўп қайд қилинади: эни шуйтуп, Хасэн кайкы ертэдэн кечкэчэй ми:нэт қып (Қатағон).

Ундалмалар қўлланган: Е, тахсир, эхир бизни бир қьльгьмьз худога йоққан (Тошк) ва ҳ.к.

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ ЛЕКСИКАСИ

РЕЖА:

1. Ўзбек шеваларининг ўзига хос лексик таркиби.
2. Шевалараро сўзларнинг фарқланиши.
3. Шеваларда сўзларнинг шаклий бир хиллиги ва бошқа-бошқа маъноларни англатиши.
4. Шеваларда қўлланувчи сўзларнинг семантик гуруҳларга бўлиниши.
5. Ўзбек шевалари лексик таркибида туб ва ўзлаштирилган сўзлар.
6. Шеваларда синоним, антоним, омоним ва неологизмларнинг қўлланиши.

Ўзбек шеваларининг ўзига хос лексик таркиби. Ўзбек шевалари фонетик ва грамматик хусусиятлари каторида ўзининг лексик хусусиятларига ҳам эгадир. Бу усусиятлар ҳам шеваларни адабий тилдан ва айнаи вақтда уларни ўзаро бир-бирларидан фарқлайди.

Ўзбек халқ шеваларининг, лексик таркибини кўздан кечирсак, уларнинг адабий тилдан ва бир-бирларидан ўзаро фарқлайдиган лексик хусусиятларини кўрамиз. Ўзбек халқ шевалари лексик таркибида (Тошкент. эдoш, эдoғ, йовук (узoқ-йовук), ум- (умсинмок); Хоразм. арна, йап; Наманган, йар каби) адабий тилда шаклан ўзгарган ёки адабий тил тараққиёти давомида ундан аллақачонлар чиқиб кетган айрим сўзлар мавжуддир. Бундан ташқари, ўзбек халқ шевалари лексик таркибида айрим шева(ёки лаҳжа)ларнинг (Тошк. джыллo (джыллo кўрмoсo); Фарғ. чўмoғарь; Сурх. боргы каби ўзигагина хос бўлган сўзлар ҳам бор. Бу сўзлар фақат ушбу шеваларгагина хос бўлган сўзлардир. Бундай сўзларни ўрганиш тил тарихи, адабий тил тарихини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.

Ўзбек халқ шеваларида ўзбек адабий тилида йўқ бўлган сўзлар учрайди. М., Шимолий Хоразм шеваларида йарканат (кўршапалак), йован//джабан (қишлок), ариш (шоти — арава шотиси), тартанак (ўргимчак) каби; кирк шевасида нури (ўғит, гўнг), адрасман (исирик), сота (таёк, хасса) бэрoк (чучвара) каби диалектал сўзлар учрайди.

Бундай сўзларни ёш авлод тушунмайди, улар архаик сўзлар ҳисобланади, шева лексикасидан чиқа бошлаган. Кекса авлод ҳам айрим сўзларнинг маъно хусусиятларини унутиб бормoқда. Бундай архаик сўзларнинг шева таркибидан чиқа бориши, уларнинг янги сўзлар билан алмашилиши жойлардаги моддий-маънавий ҳаёт шарoитлари, адабий тил таъсири билан боғлиқдир.

Айрим шеваларга хос диалектал сўзларга нисбатан умумхалқ сўзлари шевалар луғат таркибида кўп ўрин эгаллайди, Адабий тилнинг қундалик таъсири натижасида бундай сўзлар шева лексик таркибининг пассив қатламга ўтиб бормoқда.

Шевалараро сўзларнинг фарқланиши. Шеваларни бир-биридан лексик жиҳатдан фарқлайдиган хусусиятлар барча сўз туркумлари доирасида учрайди.

Қорлуқ лахжаси			Ўғуз лахжаси	Қипчоқ лахжаси
Тошкент шеваси	Самарқанд шеваси	Фарғона шеваси		
чәқәләғ	чақаләғ	бүвәк	бөвәк	бөбәк//бөвәк
ьшкәм	вәйыш//вайыш	вәлыш	—	вайиш
қоқәнджох'әрб	сарджувәрь	әк джүгәрә	джувән	джүгәри
тоғән	—	әлыш	бөвәт//бөгәт	дарғат
тухум	тухум	тухум//мәйәк	йимиртә	мәйәк
х урмәчә	хурмача	чәпйә	—	қурмача
сотә	—	мәрдәк	—	сота
мучьчә	мусьча	мусьлчә	қумри	мүсичи//мүччи
гәрмдәрь	калампуь	қалампър	бурч	қалампырь
пәмьлдәрь	памьдәр	патьнджән	памадар	пәмилдәри
джәмджәлә:	—	чьначак	—	чынақай//чын
әй	бйй//ена	бувь	әнә	чалақ
дәвуччә	давучча	ғора	дүвчә	әнә
кәләмчә	қаламча	чькәлдәк	қаламча	дәвчә
оғур	оғур	келть	со:кы	қаламча
шәршәрәй	шаршара	шәввә//шал	шәрлавук	кели
чьттәй	—	дьянкарчә	читлык	шарыллақ
арғымчәғ	арғунчак	хәйүнчәк	сарынджак	—
гошәнгә	чьмьлтьк	чьмьлдьк	гәшәйәнә	хәлгәнчәк
духәбә	бахмал	барқьт	бахмал	чимилдьк
тувәғ	қалқәк	қәпқак	дувак	бахмал
зәғьзәғән	алашәкшакқа	хәккә//әләккә	ккә//хәккә//	қалқак//қакмак
әркән	аркон//арғамчьн	арғамчь	хәкәк	алашьқшак
нһнәчь	созанак	сөзәнәк	йип	арқан
әргумчә	тәртанак	өрмәнчьк	иннәчи//	—
джьбләджьбән	—	чахчь	тәмәнчи	өргәмчи
чәчвән	чашпан(т)	чьммәт	тартәнәк	—
қьдър,	қьдър,	ьстә, унә	сәмәнәк	чиммәт
конх'аньй	конташнавь	әвруз	қыдырь, унә	излә, кон-
чәкәй	джәғ	джак	тәшши	//унә
қорашорвә	пййәва	пййовә	джағ	абруз
оғьз	фалла	пәллә	пийава//вағ	джак
йелтьй	әсгьнча	йенгьчә	ләмә	пийава
тәнчә	сандадь:	сәндәл	оуьуз	—
чопчәй	матал	ертәк	йенгсә	үвүз//ү:з
нәрвән	нәрбән	шать	—	дженгсә
чумәль	морча	чүмәльк	ертәй	сандадь
			зангиги	мәтәл
			қарынджә	нарвань
				чумалы

Лексик фарқлар шевалараро бир предметни ёки ҳолат ҳаракатни бошқа-бошқа сўзлар орқали ифода қилишдан иборатдир. Юқорида келтирилган мисоллардаги сўзлар бутунлай бошқа-бошқа бўлишига қарамай кўрсатилган шевалараро биргина предметни ёки иш ҳаракатни билдиради ва тўлиқ муносабатда ҳисобланади.

Ўзбек шеваларида диалектал сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик-морфологик, семантик ва лексик типлари бор.

Шеваларни кузатганда, айтиш бу сўзнинг у ёки бу шевада бошқачароқ талаффуз қилиниши фонетик(ёки морфологик) фарқлардир: Масалан, Тошк. чоч// Анд. чэч//ад.-орф.соч; Тошк. зэрэй//Хоразм.зирей//ад.-орф. зирак; Тошк. кулэғ//Фарғ. кулак// ад.-орф. кулоқ; Тошк. эшшг//Фарғ. эштг//ад.-орф.ошни (нг) каби.

Шевалар умумхалқ ўзбек тилининг бир тармоғи бўлиш билан бирга, адабий тил билан ўзаро умумий ва хусусий лексик қатламларга эга. Бу шевалардаги сўзлар шаклдош, маънодош, кўп маъноли ва зид маъноли каби муносабатлар жиҳатидан бир-бирларидан ҳамда адабий тилдан фарқ қилади. Шевалардаги табу ва эвфемизмлар эса деярли ўрганилмагандир. Шуларни ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маънодош сўзлар. Маънодош сўзлар ўзаро бирлаштирувчи маънога эга ва турли шаклларга эга бўлган бир гуруҳ сўзларнинг ўз номинатив маънолари билан бир хил ёки ўхшаш бўлиб, талаффуз ва ёзувда фарқланиши, кўшимча маъно нозикликлари ҳамда турлича услубий қимматга эга бўлиши мумкин. Нутқимизни ранг-баранг қилишда маънодош сўзларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбек тили ҳам ўзининг катта лексик қатламига эгадир. Бу қатламга кирувчи синоним сўзлар тилимизнинг дўғат таркибини бойитади, уни янада кенгайтириш учун хизмат қилади, ўзбек тилининг бойлигини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Тилдаги маънодош сўзларни яхши эгаллаш ва ундан тўғри фойдалана олиш эса нутқ учун катта имкониятлар яратиб беради.

Маънодош сўзлар, айниқса, драматург, шоир-ёзувчилар томонидан моҳирлик билан қўлланилиб, уларнинг фикрларини рўёбга чиқариш, тасвирланаётган давр хусусиятларини тўлароқ акс эттириш, турмуш воқеаларини аниқроқ ифода қилиб бериш, улардаги маънонинг энг нозик томонлари ва оҳангини кўрсатиб ўтишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънодош сўзлар халқ оғзаки ижодида – маталлар, топилмоқлар, ашула-қўшиқлар қабиларда анча кенг тарқалган бўлади.

Ўзбек тилида бўлгани каби, унинг лаҳжа ва шеваларида ҳам маънодош сўзлар низоҳатда кўп. Лаҳжа ва шевалардаги айрим сўзлар эса адабий тилимизнинг лексик қатламини тўлдириш ва бойитиш учун хизмат қилади. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилимиздаги **изламоқ, қидирмоқ, ахтармоқ, истамоқ** синонимик қаторларидаги сўзлар турли шева материалларидан олинганлигини исбот қилиш қийин эмас. Чунки Фарғона, Ўш каби шеваларда **истамоқ**, қипчоқ шеваларида **изламоқ**, Тошкент ва Самарканд шеваларида **қидирмоқ(қъдърмоқ)** деб қўлланилади. Ўғуз лаҳжасида ҳам **қидирмақ** ва **истәмақ** кўринишларига эгадир. **Ахтармоқ** шаклида қўлланилиши анча

чегараланган. Бу шакл қипчок шеваларида ахтармак//ақтармак деб ишлатилади.

Ўзбек шевалари ҳам маънодош сўзларининг қўплиги билан ажралиб туради. Бу шеваларда баъзан бир маънодош сўзлар адабий тилдагига нисбатан қўпроқ қўринишларга эга бўлади:

Қипчок лаҳжасида тузув//тузив//дурис//йахшы//мыктай// эжэп//эжэптэвир//эвлэ//қыйамат//бинэйи (яхши); шыпыра //жэвлик// жаппа// хэммэси// тама мам//бағамам//путуннэй (барча); шакылламак //кычырмак//бақырмак// улумақ (қаттиқ гапирмоқ).

Қорлуқ лаҳжасида морча (Сам.-Бух.-Ургут), чумэль (Тошк.), чумэльк (Фарғ. гуруҳи), чэлчэк (Иқон, Сайрам), бувь (Фарғ. шевалари), бийи (Сам.-Ургут), ойъ (Тошк.) каби. Эркақлар белига боғлайдиган, четига гуллар солинган материални, яъни белбоғни Андижон, Қарноб ва Қорабулоқ шеваларида чорсъ/чорсу деб қўлланилса, Тошкент шевасида қъйкъчэ, Сурх.шев.ларида белкарс деб ишлатилади.

Ўғуз лаҳжасида: гөн//дилсиз//гэмлэмэс//индэмэс// лол//генэлэк//сөлпэмэс вэрсиз//ведэсиз//элдэқчи//йолгэнчи//тутрықсыз//иэхэк; бучими // сэлэвэсти // гөрүниши // симмоти // силэйэсти // қэматы; дэррэв // дархэл // шувэтип // зимпилдэп; сэлмэ // йэп // арык //тэрмэ; зрэвэк //сирға//халка//уллы//ири.

У ёки бу маънодошлар қаторига кирган сўзларнинг баъзилари адабий тилда ва лаҳжаларда учрамаслиги мумкин. Шевадаги бундай маънодошлар маъно ва талаффузлари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, ўзаро мустақкам боғланганлик, туғишганлик маъноларини ифодалаш учун ўзбек адабий тилидаги қариндош, уруғ, авлод сингари синонимларни қўлласа, қипчок шеваларига қирувчи шеваларда бу сўзларнинг кенг қўлланиши билан бир қаторда **тамыр, зат, ағайны, тувышқан** каби сўзларнинг ҳам кенг истеъмолда бўлганлигини учратишимиз мумкин.

Баъзан қипчок шевалари материаллари маънодош сўзларнинг маъноларини фарқлашга ёрдам беради. Масалан, озука турларидан бири **йонычқа//жонычқа** деб юритилиб, унинг қўритилган ҳолатига бэдэ дейилади. Ҳали унинг авж олиб ўсаётган, лекин пишиб етмаган ҳолати эса **қара көрпэ** деб аталади. Қипчок шеваларида **жонычқа** сўзи қорлуқ шеваларидан Андижон шевасида **йонъчқа**, Тошкентда эса бэдэ деб қўлланилади.

Қипчок шеваларидаги маънодош сўзлар тузилиши жиҳатидан содда, жуфт ва бирикмали маънодош сўзларга бўлинади:

1. Содда синонимлар ўзбек шевалари лексикасининг талайгина қисмини ташкил этади. Мисоллар: өтирик// йалған, қычалан//қысталан//шошилинч, жолыкды//дарыды, кычэп//деррэв, хава//жавын, қыламык//жыка, сатқақ//аврыв, таллы//ширэт, тақран//куры(қипчок); режа//тэмър, таварча//болтача, зор//кучли; шэна//тарок; каллапош//барча, офтэб// куйош кабилар.

2. Баъзи маънодош сўзлар жуфт ҳолда қўлланилади, турли маъноларни(жамлик, тўдалик, бўрттириш, умумийлик маъноларини) ифодалаш учун хизмат қилади: сэвир-тақат, урп-эдэт, кир-ыплас, жакшы-дырыс (қипчок).

Баъзи фонетик ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, бу хусусият қорлуқ, ўғуз лаҳжалари материаллари учун ҳам ҳосдир. Ҳали турмуш қурмаган, боласиз, бўйдоқ кишига нисбатан Қўкон ва Ўшда сэлт-сувэй, Шахрисабзда сэлт-сувэйт, Сурхондарёда салти-субай дейилса, Форишда эмизикли боласи

булмаган хотинларга нисбатан сувэй-салтэн деб қўлланилади, салт-сувайт йургэн башқа, розғоллалли башқа, Бэшиннэ чушсэ билэсэн, ышгэ чык сун(Фориш).

Яна: хеш-табар (Сам. Бух.), уруғ-эймэг (Каттақўрғон-Пайшанба), чол-бува (Поп), алат/ажлат (Ўғуз).

4. Бирикмали маънодош сўзлар ҳам учраб туради. Мисол: кашқара.

Маънодош сўзлар ушбу шеваларда, асосан, икки йўл билан ҳосил бўлган. 1. Сўзларнинг маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва яқинлашуви натижасида. Масалан, дос//ағайны//жөрә//қадрдэн// ортак(кипчок), уй//хонә// квэртирә, духтыр//врач//тэвп(қорлук) каби.

2. Бошқа тиллардан шеваларга сўзларнинг ўтиши натижасида арабча, форсча, тожикча, русча сўзлар ва шеваларда сўзлашувчи аҳолининг лексиконидаги сўзлар билан бир ёки яқин маънода жуфт ҳолда ишлатилиб, маънодошлик муносабатига киришган. Масалан, куч//кудрат, гөдәк// чақалақ, әскәр//соллат(кипчок), жәдвал//тәблътсә (қорлук), Шахрисабз шевасидаги йәлкә//кип, текис//рәвон, бәбәй//чәл//мойсапыт маънодош сўзларини ўзида акс эттирувчи сўзлар бир-биридан маълум даражада услубий мақсад ва маъно нозикликлари билан фаркланиб туришини қайд этиш мумкин.

Умуман, маънодош сўзларни ташкил этишда сон ва олмош қатнашмайди (баъзан олмошларда бу ҳолнинг учраши мумкин), ёрдамчи сўзлар эса, сасосан услубий кимматга эга бўлади.

Бу хусусият турли шеваларда сўзлашувчи кўпчилик учун хос бўлса-да, айрим ҳолларда адабий тилни яхши эгаллаган кишилар нутқида ҳам бундай ҳоллар вақти-вақти билан юз бериб туради. Бундай ҳоллардан қутулиш ҳар қандай маданий кишининг вазифасидир. Чунки тилининг тозалиги, унинг софлиги, маъно жиҳатдан аниқлиги учун кураш тил маданияти учун курашдир. Чунки бир тил маданиятининг мукаммаллиги қадимий она тилимиз, кўп асрлик маданиятимиз, тарихий тараққиётимиз, кўп қиррали ва жозибали санъатимизни кўз-кўз қилувчи ягона ўлчовларнинг асосидир.

Шундай экан, сўз ва атамалардан тўғри ва ўринли фойдаланиш, уларнинг тоб моҳиятини чуқур тушунган ҳолда қўллаш ҳамда очиб бериш бурчимиздир. Сўз ва атамаларни билиб ишлатмаслик кўпгина юзакилик ларни, ҳатто чалқашликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шундай қилиб, маънодош сўзлар ўзбек шевалари материалларида каттагина қисмини ташкил этади ва турли маъноларни ифодалаш учун материал бўлиб хизмат қилади. Шевалардаги маънодош сўзларни атрофлича ўрганиш ўзбек адабий тилининг ривожланиши ва бойиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Шаклдош сўзлар. Тилдаги шаклдош сўзлар кўпгина олимларнинг диққатини тортган қизиқарли лексик қатламлардан саналади. Улар адабий тилни, жумладан бадий асар тилини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тилишуносликда шаклдошлик масаласига баҳо беришда икки хил қараш мавжуддир. Баъзи олимлар шаклдошликни ижобий ҳодиса сифатида изоҳласалар, баъзилар эса уни тўғридан-тўғри мутлақо салбий ҳодиса деб, унга қарши “уруш” эълон қилишарди. Биз биринчи фикр тарафдоримиз ва уни тўлалитича қўллаб-қувватлаймиз. Чунки шаклдош сўзларга ижобий ёндашиш тилишуносликдаги бирдан-бир тўғри йўлдир. Буни тилимизнинг

тарихий тараққиёт йўлларини белгиловчи ёдгорликлар ҳам тўла тасдиқлайди. Айниқса, Алишер Навоий ва унинг замонадошларининг асарлари бу соҳада юксак намунадир.

Агар туркий тиллар тарихий тараққиётига назар солинса, тилда уларнинг ҳосил бўлиши умумий лексик қонуният лардан бири эканлиги маълум бўлади. Демак, шаклдош сўзларнинг мавжудлиги тилнинг сўз жиҳатдан, айрим кишилар уйлагандек, камбағаллигини кўрсатмасдан, балки улар тилни бойитиш, янги сўзлар яшаш учун база бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили лаҳжа ва шеваларида шаклдош сўзларнинг узаро маъноларини фарқлаш, уларнинг вужудга келиши ва маънолари ўзига хос хусусиятларга эга. Бундаги ўзига хос хусусиятлардан бири шуки, шеваларда у ёки бу омоним адабий тилдагига нисбатан кўпроқ маъноларга эга. Масалан, **ич** сўзи адабий тилда икки хил маънода қўлланса, қипчоқ шеваларида беш хил маънода келади: **ич** — уч-сон, **ич** — бирор нарсанинг ичи, **ич** — ичмоқ, **ич** — аъзо, қорин маънорларида қўлланилади. **қирқ** сўзини олиб қўрайлик: **қирқ** — феъл, **қирқ** — марҳум ўлган қунига қирқ кун тўлган кун, маросим, **қирқ** — уруғнинг номи қаби.

Лаҳжалардаги шаклдошлик сўзларнинг адабий тилда учраши ва учрамаслиги нуқтаи назаридан уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Адабий тилда ва лаҳжаларда учровчи шаклдош сўзлар. Адабий тилда: **оёқ, бош, кўз, бет, ёз, қўқ, қанот** кабилар. Масалан, одамнинг **оёғи**, столнинг **оёғи**, қаработнинг **оёғи**; одамнинг **кўзи**, булоқнинг **кўзи**, дерезанинг **кўзи**; одамнинг **боши**, ишнинг **боши**, сувнинг **боши**, ернинг **бои** ва х.к.

Қипчоқ шеваларида: **айағ, баш, көз, бэт, көк, қанат, адамды аяағы, адамды башы, сувды башы, йэрди башы** сингари.

2. Ўзбек шевалари учун хос бўлган шаклдош сўзлар. Қорлук лаҳжасида: **чорсы/чорсу** сўзи Фарғона, Қарноб ва Қорабулоқ шеваларида адабий тилдаги белбоғ сўзи ўрнида келади. Масалан, Невъ чорсьнь элбъ келдъ, чорсьнь белъгъ бэглъдъ. Самарқанд-Бухоро шеваларида эса тўрт томон маъносини билдиради. Масалан, чорсуга одам кеп еди, чорсу Регистонга қаби. Тەқйё сўзи кўпгина ўзбек шеваларида қипчоқда бош кийими, яъни дўппи маъносида келса, Қарноб шеvasида у ёстиқ маъносида қўлланилади. Печча сўзи ўзбек адабий тили ва айрим ўзбек шеваларида куёв, печча деб ишлатилса, Қарноб шеvasида ака, амаки маъносини билдиради.

Ўғуз лаҳжасида **тэй** — отнинг боласи ва бирор нарсани тахт қилиб, жамлаб қўйиш. **Қылыч** — киши номи, атоқли от, қуrol, турдош от; алма — кишининг номи, атоқли от, меванинг номи, турдош от ва буйруқ феъли маъноларида қўлланилиб, омонимияни ташкил этади. Бу сўзлар бошқа ўзбек шеваларида ҳам худди шундай ёки шунга ўхшаш маъноларда ишлатилади.

Бу гуруҳга кирувчи омонимлар, асосан, икки ундош товушнинг бир товуш билан талаффуз қилиниши, яъни фонетик ўзгариш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида шаклдош сўзлар икки йўл билан, яъни биринчидан, ўз ички тараққиёт қонунлари асосида, ўз имкониятлари билан ва, иккинчидан, бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг шевалардаги сўзлар билан омонимик муносабатга киришуви натижасида вужудга келган.

Шаклдош сўзлар, асосан, қуйидаги усуллар билан пайдо бўлган:

1. Фонетик ўзгаришлар натижасида: **дайра-доира**, **дарё(қипчоқ)**, **дэйрә** йскаъс — **дарё ёкаси** — **кифти об(қорлуқ)**, **кѣтѣп** — **ўқув қуроли**, **китоб(қорлуқ)**, **китѣп** — **жойнинг номи**, **атокли от(қипчоқ)**.

2. Сўз маъноларининг тараққиёти заминиди **кун** — **қуёш**, **бир сутканинг ярми(қипчоқ)**, **йолдѣш** — **ҳамроҳ**, **суҳбатдош**, **космик кема**, **ернинг йўлдоши(қорлуқ)** каби.

3. Сўзларнинг ўзак ва негизларига турли хил қўшимчалар қўшилиши орқали. Бундай шаклдошларда урғу маъно ажратувчилик ролини ўйнайди.

Шаклдош сўзлар муҳим лексик-услубий восита бўлиб, улар ёрдамида чиройли сўз ўйинлари юзага келади. Бундай ҳолат ёзма адабиётда ҳам, оғзаки нутқда ҳам тез-тез учраб туради. Фикримизнинг далили сифатида Фозил Йўлдош ўғлидан келтирилган туюқни қўрамиз:

Қолиндан кэгунча чықар йахшы ат,

Йахшылык қы, балам, жаманлыкды ат.

Нәсийәтим йот қыбал, парзантым,

Йалғыз йурсә нам чықармас йахшы ат.

Шуни айтиш керакки, ўзбек адабий тилидаги ва бошқа қатор ўзбек шеваларидаги шаклдош сўзларнинг аксарияти қипчоқ шеваларида бундай хусусиятларга эга бўлмайди. Бу эса унлилар уйғунлиги ҳодисаси билан ҳамбарчас боғлиқдир. Масалан, **от(ўт)** сўзи аланга, олов ва тирик организмдаги **ут** маъноларида келиб, **от** деб икки хил кўринишда қўлланади.

Кўп маъноли сўзлар. Кўп маънолилиқ ўзбек тили лексикасининг ўзига хос белгиларидан биридир. Асосан, ўзбекча сўзлар кўп маънолик хусусиятига эга бўлади. Чунки бундай сўзлар ҳаётимизда узоқ йиллар давомида кўп қўлланила бериб, шу ҳолатга келиб қолгандир. Муҳим илмий-назарий фикрлар айтилиб ўтилган ўзбек адабий тилидаги бош. юз, қўз, оёқ, қанот, бел, тил, бурун, лаб қабилар лаҳжа ва шевалар материалларида ҳам турли кўринишларда қўлланилади ва кўп маънолик хусусиятига эга бўлади. Масалан, **баш**, **көз**, **көз**, **айақ**, **қанат**, **бэл**, **тил**, **бурун**, **лөп** каби.

Қипчоқ шеваларида: **өзийәм** **баш** дэп **көдини** көтәрип жургәнәкән-дә, уны экинчи биргәткә башлык қып қойдыбир **баш** жүзүм, жәззәм ишти көзини биләди, бул көзли күндәй кән, узукти көзи тушип қапты **каби**.

Кўп маънолилиқ ҳодисаси воқеликдаги бир нарсә-буюм хусусиятини, номини бошқасига кўчириш, ўтказиш орқали содир бўлади. Номини кўчириш қуйидаги ҳолатлар натижасида юз беради. Бу ўхшашлик асосида юзага келади. Ўхшашлик шакли, ранги, ички хусусияти ва сифати томонидан бўлиши мумкин. Масалан, **чәкмәк**, **сувға** **чөгипти(сувға чўкипти)**. **Эшмәт** **чөгипти(қариб қолибди)** **каби**.

Боғлиқлик асосида пайдо бўлади. Боғлиқлик **вакт**, **пайт**, **макон** ва **мантик** нуктаи назаридан юзага келади. Масалан, **учмақ >ушмақ**: **қуш** **ушти**, **сәмәлут** **ушти**, **хәлгинчәк** **ушти** **каби**.

Номини кўчириш вазифаси жиҳатидан бўлади. Масалан, **баш**: **ынсандын** **башы**, **сувдин** **башы**; **қанат**: **қуштын** **қанаты** **узилип** **тушты**, **сәмәлутты** **қанаты** **мәккәм//мәккәм** **ишләннән**; **ләв**: **адамды** **ләви**, **хәвизди** **ләви**, **арықты** **ләви**, **сайды** **ләви** **каби**. Сўз маъноларининг яқинлашиши натижасида кўп маънолилиқ ҳосил қилинади: **тил**: **тили** **чучи**, **тилини** **билади** **каби**.

Кўп маъноли сўзларнинг қандай шаклда бўлиши ва қайси йўл билан юзага келишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирида асосий бошланғич маъно, асл маъноси мавжуд бўлади, Шу маъно асосида бошқа маънолар келиб чиқади. Буни учмоқ сўзи мисолида кўриш мумкин. Унинг маъноси канот силкиш билан ҳавода ҳаракатланиш ҳисобланади. Бу маъно қушларга қарата айtilган бўлиб, кейинчалик унинг маъноси ўзгариб ва тараққий этиб борган. Натижада, паррандалан бошқа нарсасу буюм ва ходисаларга татбиқ этила борган. Афсоналардан эса учмак сўзининг отта(учар ат — тез чопар маъносида), гиламга (учар гиләм), самолётга(сәмәлут учип кәтти), ер йўлдошига (жәрдин жолдашы учти) кўчирилганини кўрсатиш мумкин. Демак, училарнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда умумий бўлган маънони билдиради, Лекин бирибир қушнинг учили бириинчи ҳаракат, самолёт ва ернинг йўлдоши кабиларнинг учили эса кейинги ҳаракат ҳисобланади.

Сўзларнинг кўп маънолилиги ўғуз лаҳжасида ҳам қўлланади: хурлықка каптар волып учиб(п) гәләди-дә, бир силкиниб адам волады. Навы дысан, ит қыстағда бит қыстағ этәвәрмә, кырсылдаб учиб гурсилдаб чушкийсан (қарғиш маъносида).

Ўзининг хусусиятлари ва маънолари билан кўп маъноли шаклдош сўзларга яқин ва ўхшашдир. Лекин уларни ажратиб турадиган фарқлар ҳам мавжуд. Бундай фарқларнинг асосийларидан бири сўз маъноларининг ички боғланишга эғалиги ва эға эмаслигидир. Агар сўзлар ўзаро бир-бирлари билан ички боғланишга эға бўлса, кўп маъноли ҳисобланади: баш, тиш, көз, тил, йәр кабилар. Аксинча, уларнинг маънолари бир-бири билан ички боғланишга эға бўлмаса, шаклдош саналади: ат, жуз, тур, йәш, эч каби.

Зид маъноли сўзлар. Лаҳжа ва шева материалларидаги лексика ҳам маълум уринни эғаллайди. Бу сўзлар маънолари жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши бўлган тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топган бўлиб, нарсас, ҳодисас ва уларнинг белгиларини солиштириб кўриш, бир-бирига қарама-қарши кўрсатиш, фикрларни таъсирчан ифодалаш вазибаларини бажаради. Зид маъноли сўзлар лаҳжа ва шеваларда ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар бирлигини ифода этиш билан услубий восита сифатида қўлланади. Қорлуқ лаҳжаси материалларида: йәхшә-йәмән, қәлән-йүкә, узун-қысқә, эз-коп, дос-душман, тоғры — әгрә, бәй- көмбәгәл.

Ўғуз лаҳжасида: сўжи-ажы, әк-қара, йахшы-йаман, алыс — яқын, уллыгенжә, қары-йәш, узун-қысқә.

Қипчоқ лаҳжасида: көттә-киччи, қалын-қыламық, бәлән(т)-пәс, кәчәкундуз, аччы-чуччи, алыс-жақын, узун-қысқы, ыссық-сувук, кунчығышкунбатыш, қатты-бош. Мисоллар: уны қолы балан кәлди, быйыл хава пәс болды, қар қалын жавупти, қыламық кырав тушкән ва бошқалар.

Жуфт ҳолда қўлланилиб, қарама-қарши маъноли сўзлар умумий бир тушунчани ва тасаввурни ҳам ифодалаб келади. Бундай ҳолда бир сўздек қўлланилади. Зид маъноли сўзлардаги бундай хусусиятлар улардаги сўзларнинг кўчмас маънода қўлланилиши билан изоҳланади.

Қипчоқ гуруҳ шеваларида ҳам хусусият аққол кўзга ташланиб туради: бәлән-пәс гәпирмә- уйлаб гапир, яхши гапир; ыссық-сувық қылдырыптыдори-дармон билан даволанибди.

Зид маъноли сўзлар категория сифатида катта аҳамиятга эгадир. Уларни кўпроқ қўллаш борасида шевалар, жумладан кипчоқ шеваларининг ўрни каттадир.

Эски сўзлар. Сўз ифодалайдиган буюм ва тушунча ҳаётда йўқолиши билан, сўзнинг ўзи ҳам аста-секин унутила боради, яъни эскириб қолади. Эскирган сўзлар икки турли бўлади: кадимий сўзлар, тарихий сўзлар.

Қадимий сўзлар. Қадимий сўзларнинг ҳозирги вақтда фаол сўзлар қаторидаги шаклдошлари ҳам мавжуд бўлади. Бунда ҳозирги ҳаётда мавжуд бўлганнарсани англатадиган камда икки сўз бўлиб, бири фаол қўлланади, бошқаси эса эскириб қолган сўз бўлганлиги учун, айрим услубий максадлар-тарихий даврини очиб беришда нутққа кўтаринки руҳ бағишлаш каби максадлар учун ишлатилади. Масалан, адабий тилимиздаги сўзлар ўзбек лаҳжа ва шеваларида ҳам турлича шаклларда ишлатилади: *ғўз-ғўзот-ғўзвот-уруш, шор- кишлоқ кенгаши райси; эрч –араванинг бир қисми шоти; тўвушхон –қуён, тўскен – кўнгирок; тўқй – дўппи; чўрсу –белбоғ.*

Бундай сўзларнинг луғат бирлиги бирор жихатдан эскириб, ўз ўрнини бошқа бир луғат бирлигига бўшата бориши натижасида пайдо бўлади. Бу жараённинг воқе бўлишига, турли-туман сабабларга олиб келади.

Баъзан ижтимоий ҳаёт тараққиёти ва тарихий шароит даврида айрим сўзларнинг маънолари бир-бирларига жуда ҳам яқин ёки бир неча вақт уларнинг маънолари бир хил бўлиб қолади. Лекин бундай ҳолларда маънолари бир хил бўлиб қолган сўзларнинг бири истеъмолдан чиқиб кетяди. Масалан, муҳр ва печёт, мэрисэ ва дэклэт каби сўзлар бир хил маънони ифода қилганлари ҳолда қўлланилиб келинади. Сўнгра 90-йилларгача рэвалутсийэ, савит, пэчэт, дэклэт сўзлари деярли шаклдош сўзлар сифатида қўлланиладиган бўлиб қолди. Шора, ынқылап, муғр сўзлари ўзбек тилининг фаол сўз бойлигидан чиқиб кетди ва маълум даврда эскирган сўзларга айланиб қолди. Ҳозирги пайтда эса, аксинча, 90-йилларгача эскирган сўзлар қаторидаги сўзлар яна фаоллашиб кетди. Демак, мажбурийлик сиёсати ҳам, вақтинча бўлса-да, тилнинг луғат бойлигига таъсир этар экан.

Тарихий сўзлар. Тарихий сўзлар ўтмишда мавжуд бўлган нарса ва тушунчаларнинг номини билдирган, аммо ҳозир эскириб қолган тилимизда ишлатилмай қолган сўзлар ҳисобланади. Чунки жамиятда илм-фан, маданият, санъат адабиёт кабиларнинг тараққиёти, умуман ҳаёт талаби билан боғлиқ ўзгаришларни акс эттириш вазифасини адо эта олмаган сўзлар истеъмолдан чиқиб кета бошлайди. Бундай сўзлар ўрнини эса яқин сўзлар ва тушунчалар эгаллайди.

Тарихий сўзлар йўқ бўлиб кетган нарса-ҳодиса ва тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида уларнинг шаклдошлари бўлмаган. Масалан, *кўзъ, дэмлэ, ройъс, элэм, муптъ, ьмэм* сўзлари эскириб қолиб, ишлатилишдан чиқиб кетган. Бундай сўзларнинг баъзи бирлари эса янги маънога эга бўлган. Масалан, илгариги вақтда одамлар орасида мусулмон динининг қонун қоидаларини тарғиб қилувчи киши *дэмиллэ – дэмүллэ–дэмлэ* деб ишлатилган ва адабий тилда домла деб бирмунча ихчам олинадиган бўлган. Шундай қилиб, *дэмлэ* шаклида бу сўз ҳозирги пайтда фаннинг маълум бир соҳасини эгаллаган мутахассис олим,

илмий ходим ва баъзан ўрта мактабда дарс берувчи ўқитувчи маъноларида қўлланилади.

Тарихий сўзлар ўзи англатган воқеликнинг ягона атамаси бўлиб, ҳозирги вақтда лаҳжа ва шеваларда ҳам, адабий тилда ҳам, ўша нарсани, тушунчани, дунёқарашни аниқ англатувчи сўз ҳозирги даврда бўлмаганда, ўтмишни тасвирлашда тарихий сўзларга мурожаат қилиш ўз-ўзидан зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолни турли лаҳжа ва шевалардан ёзиб олинган тарихий намуналарда очик кўриш мумкин. Шоир-ёзувчиларимизнинг тарихий асарларида ҳам историзмларни қўллаб учратамиз. Буни очикроқ тасаввур этиш учун А.Қодирийнинг "Мехробдан чаён", "Ўтган кунлар", Ойбекнинг "Қутлуг кон", С.Айнининг "Қуллар", Ғ.Ғуломнинг "Кўкан" каби асарларини мисол келтириш мумкин.

Янги сўзлар. Янги сўзлар тилда пайдо бўлган янги сўз, янгилик бўёғи ҳисобланади. Жамиятда, ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар, янги воқеа-ҳодисалар, фан ва техника, санъат, иқтисод, кишлок ҳўжалиғи соҳасидаги янгиликлар янги сўз ва тушунчаларни ҳам майдонга келтиради. Бундай сўзлар ҳар бир тилда, жумладан ўзбек тилида ва унинг лаҳжа ҳамда шеваларида ҳам ўз сўз бойлиғи асосида юзага келади.

Янги сўзлар деб аташ нисбий тушунча бўлиб, маълум вақт ичида, даврда пайдо бўлган сўзлар фақат ўша давр шароитида янги сўз ҳисобланади, маълум вақтдан сўнг эса ўзидаги ана шундай хусусиятни йўқотади. Масалан, шанбалик, аэроплан, йўқсил, шўро, калхус, сапхус сўзлари 20-йилларда; беш йиллик, шпал, сеялка 30-йилларда; стахановчи, трахтир, машийна 30-йилларнинг охириларида; чўлкувар, чўл лочини занғари кема, дала маликаси 50-йилларда; занғари экран, касманавут 60-йилларда янги сўзлар сифатида қабул қилинган ва ўша даврда неологизм вазифасини бажарган 90-йилларга келиб ҳаким, вилоят, туман, акция, банк, репититор, тест каби сўзлар фаоллашди.

Табу ва эвфемизмлар. Маълумки, ҳозирги тилимизда ишлатиладиган эвфемистик сўз ва ибораларнинг илдизи маъно жиҳатидан энг кадимги даврларга бориб такалади. Эвфемизмлар энг кадимги ибтидоий одамлар тилида бўлган ва ҳозир ҳам айрим қолдиқлари сақланиб қолган табу ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Эвфемизм ибтидоий халқларнинг диний тақиқлар (табулар), жумладан, тил табулари билан, яъни ибтидоий кишиларнинг диний тақиқларга асосланган ва шунга биноан айрим сўзларни талаффуз этиш қўрқинчли бўлган ҳодисалар билан боғлиқдир.

Бу сўз этнографияда халқларнинг урф-одатларида тақиқ этилиши системасини англатувчи атама сифатида қабул қилинган, Аммо тилшуносликда бу атама урф-одат натижасида қўлланилиши мумкин бўлмаган, айтиб бўлмайдиган диний тушунча сўзларини билдирадиган атамалардир.

Табу этнографик атама бўлиб, полинезия халқлари орасида бидъат, ирим сифатида намоён бўлиб келган. Умуман олганда, табу – тақиқ, қўл тегизиб бўлмайдиган демакдир.

Табу сўзи айрим вақтларда карама-қарши маънога, яъни "лаънат", "қарғиш" каби маъноларга ҳам эга бўлиши мумкин, Бу икки хил маънода ишлатилади. Биринчи маъносида, у жамиятда баъзи бир нарсалар, ҳаракат-

ларни ман этишни ифодаласа, иккинчи маъносида лингвистик атама сифатида тилда баъзи бир сўзларни маълум шароитларда ман қилиш ҳодисасини ифодалайди.

Табу сўзларнинг келиб чиқишида у ёки бу халқнинг иктисодий шароити, урф-одатлари, эътиқоднинг аҳамияти катта бўлганлигини таъкидлайди. Масалан, ҳали фан-техника ривожланмаган жамият тараққиётининг дастлабки даврларида, тўғрироғи, ибтидоий жамоа ва феодализм даврида баъзи халқлар ўртасида жин, арвоҳ ва шунга ўхшаш илоҳийлаштирилган нарсаларга ишониш жуда кучли бўлган.

Табу ҳодисаси қипчоқ шеваларида ҳам қадим замонлардан учраб туради. Айрим йиртқич ҳайвонларнинг номини тилга олиш (аксари ҳолда кечалари) ман этилган. Масалан, қишлоқларда илон сўзини кечаси ётиш олдида айтиш ман қилинган, унинг ўрнига аргамчи, қамчидаста чилбир деб атайди. Эрхотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасида ҳам қадамда учраб туради. Маълумки мусулмон Шарқида хотинларнинг эрларини ўз исми билан чақириши ман этилган, бу ҳурматсизликни билдиради, деб ҳисобланган. Оқибатда, табу сўз вужудга келиб, хотинлар эрини ўз катта болаларининг номи билан атаб чақирганлар.

Эвфемизм сўзининг луғавий маъноси яхши гапираман, хушмуомалилик билан гапираман, бир нарса ёки ҳодиса тўғрисида юмшоқ, силлиқлаб ва пардалаб сўзлайман деган маънони билдиради. Тилда эвфемизмларнинг пайдо бўлиши маълум сабабларга боғлиқдир. Эвфемизм, афтидан, сўзларни ишлатишда таъсир этиш доираси (даражаси) қонунининг натижаси ўлароқ вужудга келган бўлиши мумкин. Биз бу ерда сўзларнинг таъсир этиш доираси деганда, маълум даражада ижобий таъсир этувчи сўзларни қўллашни кўзда тутамиз, кенг маънода эса бу қонун қисман шаклдошлар, вульгаризмлар, эвфемизмларни ишлатишни ҳам ўз ичига олади.

Эвфемизм ҳар қандай вазиятда, ҳар кимга, ҳар нарсага нисбатан қўлланилавермайди. Жумладан, душманга нисбатан ҳеч қачон эвфемизм қўлланилмайди. Эвфемизмлар бадий адабиётда муҳим услубий восита сифатида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, баъзи фанларда, масалан, тиббиётда эвфемизмларни қўллаш фактлари тез-тез учраб туради.

Қипчоқ шеваларида эвфемизмлар ахлоқ-одоб нормаларини ифодалаш, маданий сўзлаш ва ҳоказо сабабларга кўра қўлланилишини кўрамиз. Масалан, “ўлиш”, “ўлди” деган сўзлар дилга ханжардек ботади. Бу совуқ хабарни қилишлар шеваларда тамам болды, ўзилди, жан берди, қаза қылды, дунйдан өтти, напайт болды тарздаги эвфемизмлар билан ифода этадилар. Булардан напайт болды, кўпинча, болаларга нисбатан ишлатилади.

“Бўғоз бўлмоқ” бирикмаси ўрнида лаҳжада ҳамиладор бомоқ, авур айақлы бомак, авур жуқлы бомак, эккат сингари сўзлар ишлатилади.

Эвфемизмлар тузилиши жиҳатидан қуйидагича бўлади: 1. Якка эвфемизмлар. 2. Бирикмали эвфемизмлар.

1. Якка эвфемизмлар битта сўздан ҳосил бўлган эвфемизмлардир: лапашанг-бўш, ўзилди-ўлди.

2. Бирикмали эвфемизмлар икки ёки ундан ортик сўзларнинг бирикишида ҳосил бўлади: ҳақорат қилди-сўқди, турмуш ўртоғи-хотини.

Эвфемизмлар шаклдошлик қаторини ҳам ташкил қилиши мумкин. номусига тегмоқ. Бу ибора қизларга зўрлик қилинган пайтда ишлатилиб, шу мажбурлашни пардалаш натижасида келиб чиққандир. тырناقқа //тыннаққа зар – бу ибора фарзандсиз кишиларга нисбатан ишлатилиб, боласиз, боласи йўқ маъноларида қўлланади.

Шундай қилиб, табу ва эвфемизмлар ўзбек тилининг бир қисми бўлган лаҳжалар ва шевалар тараққиётининг узок давом этган натижаси бўлиб, шеваларда ҳозирги пайтда табуларнинг йўқолиб бораётганлиги кўзга ташланса, эвфемизмлар кўпайиб борапти. Улар гапларни чиройли, силлиқ, таъсирчан қилиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қалам аҳли учун ҳам умуман ҳар бир маданиятли киши учун ҳам муҳим лексик услубий восита вазифасини бажаради.

Фразеология. Фразеология деб нутқимиздаги турғун ва барқарор сўз бирикмаларига, ибораларга айтилади. Бундай иборалар узок йиллар хатто асрлар давомида қўлланилавериш, бўлинмайдиган бир қолипга тушиб қолган бўлади. миси чикди, иштаҳаси очилди, босди-босди бўлиб кетди каби.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида ҳам жуда кўп фразеологик иборалар учрайди. Улар қўлланиши, тузилиши ва таъсирли бўёғи билан ҳам хилма-хилдир.

Қорлуқ лаҳжасида: қора дев кэп кэсэ сөнийэм, мөнйэм эспэлэсөлгьгэ жөнэтэ – қора дев келиб қолса сени ҳам, мени ҳам еб қўяди(Тошк.); мерча мийсн жувсн коринади – нозик хотин кўринади (Сам.), кэллй сз:эрдэ туру вэпть – барвақт турибди (Жизз.), этгэн, йашлык кыпсан – аттанг, тушунмаб сан (Анд.), димөгы куймэк – хафа бўлмоқ, думи хуржинга – чалкаш, йер каттик, эсмэн баланд – иложи йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган (Бух.), эйсгынэ хинэ қойгэммисэн, тез-тез йур – нега аста юрасан, тез-тез юр (Шахрисабз, Китоб).

Қипчоқ лаҳжасида: көрпэна карап айағ узат- ҳисоб-китоб билан иш тут, тамнан тараша түшгэндэй – тўсатдан гапириш, ўйламай гапириш; ай чыхсэйым сэнэ чыхсын – ҳамма нарса сента бўлсин; атаңнбар, энэнэбар – сарсон қилиш, овора қилиш, барды-кэлдиси жоқ – алоқаси йўқ; чымчыхан корққан тары экмэс – қўрқоқ киши.

Ўғуз лаҳжасида: айды этэк минэн йавып бомас – камчиликни яшириб бўлмайди; гэгчинэн қазасы йессэ, қассапты сүвэди – эчкининг ўлғиси келса, қассобга ҳазиллашади (Янгибозор); чопы бош түссэн қолыны кэсэди –чўппни бўш ушласанг, қўлингни кесади (Богот).

Мисоллардан кўринадики, лаҳжа ва шевалардаги фразеологизмлар ўтмиш тарихи, урф-одатлар, фольклор материаллари, топишмоқлар, мақоллар, хикматли сўзлар билан боғлиқдир. Лекин улар ҳар бир шеванинг ўз хусусиятлари ҳисобланади.

Шеваларга хос бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари. Ўзбек шеваларининг лексик таркибда традицион лексика асосий ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ шевалари традицион лексикасида пайдо бўлиши жиҳатидан турли тарихий даврларга хос бўлган лексик қатламларни учратамиз. Масалан, шеваларнинг традицион лексикасида шундай сўзларни учратиш мумкинки, уларнинг маъно хусусиятларига кўра пайдо бўлиш илдизлари жуда қадимий даврларга – уруғчилик даврларига бориб тақалади. Бундай сўзларга, аввало, қариндош-уруғ номини билдирувчи сўзлар киради. Бу сўзлар орасида

этә//ад.-орф. ота, энә//ад.-орф. она, оғыл//ул//ад.-орф. уғил, кыз//ад.-орф. киз каби умумдиалектга хос сүзлар, шунингдек, шакл ва маъно жиҳатдан фарқли, айрим шеваларгагина хос бўлган қариндош уруғ номини билдирувчи сүзлар ҳам бор. Масалан, Анд. кәтәтә//кәт:ә (<кәттә Этә) ~ Тошк. бувә//ад.-орф. бува; Анд. кәтәнә (<кәттә енә) ~ Тошк. бувь//ад.-орф. буви; Анд.әкә ~ Тошк. әкә//ад.-орф. ака (қипчоқ шеваларида ота, амаки маъносида ҳам ишлатилади). опа (қипчоқ шеваларида она маъносида ҳам ишлатилади); бөлә//ад.-орф. бўла(айрим шеваларда амакивачча маъносида ҳам ишлатилади); Тошк. элэкь, тэгә, әмәкь, әммә, х'әлә, келън, куйэв, джъйән, қәйнәнә, қәйәнәтә, қәйнънъ, қәйнъ-съянғъл, қәйнәгә, қәйнәгәчъ//ад.-орф. опоки, тоға, амаки, амма, хола, келин, куёв, жиян, қайнона, қайнота, қайнини, қайнсингил, қайнаға, қайнәгәчи.

Юкоридагидек, қариндош-уруғ билдирувчи сүзларни деталлаштириб фарқлаш, уларни пайдо бўлиши ҳамда маъноларига қўра айрим хусусиятлари (ака-ота, амаки маъносида; опа-она маъносида каби), шубҳасиз, одамлар орасидаги муносабатларнинг кон-қардошлик алоқаларига асосланган даврларига бориб тақалади ва асл маъносини сақлаган ҳолда ўзбек шеваларининг лексик таркиби традицион катламида сақланиб келмоқда.

Ўзбек шеваларининг традицион лексикаси ҳозирги кунда, асосан, кекса авлод тилини характерлайди..

Диалектал сүзларнинг семантик гуруҳлари жуда кўп бўлиб, улардан айримларинигина келтирамыз.

Дехқончиликка хос атамалар: оқ арьк, корак, көсәк, чувъмә, джоҳаръ, ашкәди – қэвәк – қэвәғ.

Чорвачиликка хос атамалар: эт//ат сьгър//сийир - ьнәк//ьнәй хотук – кур рә тайхар, кулун – той, улак – чувъч.

Ов, балиқчиликка хос атамалар: тор, тузәк, зәғра балык, кайәз.

Бинокорликка хос атамалар: уй//ой, маданг, равак, моръ, қасава, пәйдевор, устун, синч, көшәк, вәсәә, әстәнә – босаға.

Уй-рузғор буюмлари атамалари: қозон// қазон, товок//табак, пәкър-сатыл – челек// челәй ва х.

Ўзбек адабий тилида ва шевалардаги айрим сүзларнинг маъноси баъзи шеваларда ўзига хос маъно ўзгачаликларига эга, уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

а) айни бир предмет ва тушунчалар шеваларда турли сүзлар билан юритилади:

чакалэ (Тошк.)-бувек (Фарғ.) -бәлә (Шим.)

шотъ – Тошк. арава қисми; шотъ – Фарғ. нарвон, арава қисми.

тухум – Тошк. тухум, майәк; тухум – қипчоқ лахжасида уруғ; йъмърта (Хор)

пәшшә – Тошк. Пашша; пәшшә –Фарғ. чивин.

оғър Тошк. – кәлъ (шим.) –со:къ (Хор.)

чумәлъ Тошк – морчә (Сам) – қарънджа (Хор)

чопчәй (Тошк.) –мәтәл (Сам) – ертәй (Хор);

б) айни бир сүз шеваларида турлича маънога эга бўлади:

шотъ – Тошкентда арава қисми номи, Фарғонада норвон.

бувъ – Тошкентда ота-онанинг онаси. Фарғонада она маъноси.

пәшшә – Тошкентда чакмайдиган хашорат, Фаргона ва шимолий ўзбек шеваларида чақадиган хашорат;

в) нарса ва буюмлар айна бир вазифани бажарса-да, уларнинг нимадан ясалганлиги ва ҳаракат натижасига кўра турлича номланиши мумкин.

нәһпәр – куш ва парранда патидан ясалади (Сам.), чәкчә – ёғоч ва симдан ясашиб, уриш, яссилаш маъносини ифода қилади (Тошк.) дукъ – дук тақлидий сўздан олинган (шимолий ўзбек шеваларида) шунингдек, айрим шева вакили айна бир предметни бошқа ходисаларга ўхшатиш асосида ифодалаши мумкин: туйнәк (шимолий ўзбек шеваларида)//дуйнән (Хор.) – сәлсә//гепчә (жл.). – бу эндиgina палакда пайдо бўлган, пишмаган қовунни билдиради. Биринчи сўз тугмок феъли тушунчасидан келиб чиққан, иккинчиси эса соп, ушлаш мумкин бўлган предмет тушунчаси билан боғлиқ. Ўзбек шеваларидаги барча лексик ўзига хосликни ўрганиш луғат бойлигимизни, тил имкониятларимизни кенгайтиришимизга ёрдам беради ва шу билан адабий тилга бундай сўзларни қабул қилиб бориш ҳам зарур.

Шуни айтиш лозимки, диалектал сўзларни жаргонлардан фарқлаш зарур, диалектал сўзлар барча шева вакиллари учун тушунарли бўлади. Жаргонлар эса диалектал характерга эга бўлмайди, балки маълум бир тоифа кишилари учунгина тушунарли бўлади. Масалан, савдогарлар тилида коки (доллар), ялпачилар тилида отар (тўй), якан (пул) ва х.о.

3. Ўзбек шевалари лексик таркибида туб ва ўзлаштирилган сўзлар.

Ўзбек шевалари ўзбек тилининг маҳаллий кўриниши сифатида ундаги бўлган аксарият катламларни ўзида бирлаштиради, бинобарин, ўзбек тили лексик катламлари қуйидагича бўлади.

1. умумтуркий сўзлар;
2. ўзлашган сўзлар:
 - араб тилидан ўзлашган сўзлар;
 - форс тилидан ўзлашган сўзлар;
 - рус тили ва у орқали ўзлашган сўзлар;
3. ўзбек тили шароитида яратилган сўзлар;
4. шеваларга хос бўлган сўзлар.

Умумтуркий сўзлар аксарият туркий тилларда ва шеваларда қўлланади ҳамда улар ўзбек шеваларида адабий тилдаги талаффузини сақлаши ҳам мумкин. Бунга йер, сув, ош, иш ва бошқа турли соҳаларга оид сўзлар тааллуқлидир. Шевалар луғат таркибининг салмоқли қисмини умумтуркий сўзлар ташкил этади.

Араб, форс-тожик, рус тилидан ўзлашган сўзлар шеваларда, асосан, фонетик қулайлаштирилган ҳолда истеъмолда бўлади. Илмий – тадқиқот ишлари натижалари шуни кўрсатадики, шевалар луғат таркибида форсча-тожикча сўзлар кўпроқ, арабча сўзлар унга нисбатан камроқ, рус-байналминал сўзлар жуда кам учрайди. Бу эса бундай сўзларнинг ўзлашиш жараёни кўпроқ вақт талаб қилиши билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Ўзбек тили тарихий тараққиёти давомида туркий ва туркий бўлмаган тил унсурлари негизда янги сўзлар ҳам ясалган. Бу айниқса фан-техника, бозор иқтисоди билан боғлиқ сўз ва терминларнинг ясалишида кўринади. Уларнинг асосий қисми бошқа тилларга, лекин ясовчи унсури ўзбек тилига оид бўлади ва ясама сўз ўзбек тилидагина қўлланади, масалан, ишхона, бизнесчи,

тасвирчи ва бошқалар. Булар, албатта, шеваларда ҳам айрим фонетик ўзгаришлар билан қўлланади ва шева мулки бўлиб қолади. Шеваларга хос бўлган сўзларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) ўзбек адабий тилида учрамайдиган, фақат шеваларда қайд қилинадиган сўзлар. Бундай сўзлар бадиий адабиётларда шева кслоритини бериш жараёнидагина қўлланади, бу тоифага аксарият ҳолларда қариндош – уруғчиликка оид сўзларни киритиш мумкин: кэли:н би:йъ – келин ойи, нагачъ – тоға, эчэ-ойи. Шунингдек, бошқа тилдан ўзлашган сўзларнинг шевада кўчма маъно касб этиши ҳам шевага хос сўзларни ташкил этади: вэдж – нарсa, предмет (аслида вaж – айтилган сўз), зат – нарсa (аслида келиб чиқиши маъносидa), қасa – пиёла (аслида косa овқат қўйиладиган идиш) вa х.к.;

б) кучли фонетик ўзгаришга учраган сўзлар: дышап – ташқари, йорпақ–турпақ, кэвни – кўнгли, қъх – қирқ вa бошқалар.

Сурхондарё қипчоқ шеваларига хос айрим сўзларни келтирамиз:

адарғы – ўрмакчилик асбоби
ағжал – кексариб, эси кирмаган одам
айраны эчъмайди – бепарво
басалқа – олдин – кейин туғилган болалар.
бэды – олифта
бежэғым – жанжалкаш
быламык – қуюк атала
бурди (кетди) – омади кетмок
вар – ўрганиш, одат
дэдэри – дайди
гэзэр – ўғри, йўлтўсар
гомик – она сутидан тўймай ўсмай қолган бола, кўзи, улок.
кангшырык – тумшук
касир – таъсир
катик – камтик
келбэт – туриш, сумбат
книйит – сарупо
котэрмэ – ҳовлиқма
кунилэмэк – кўролмаслик
қақырык – балғам
қайрангнамок – гижингламок
қайқимок – адашмок
кэрув(ли) – кучли
қичамок – қистамок
қор – бойлик (ҳали қоры коп)
котармок – сипқармок
кумартқы – аччиқ (шароб)
қулқа – ҳилқиллок, ҳалқум
манжа – сўрича
мановсираш – алахсираш, ўзини билмаганга солиб гапириш
мандымок – ривожланмок
момай – гиж-гиж
мангқа – пучук

молтымоқ — кулоч отмасдан сувда сузмок
мыйдай — кафтдай
минэз — одат
мокки — чармдан тикилган оёк кийими
минисэк — хотин кизлар халати
нэжэпи — нозик
пайхасламоқ — сезмок
пешэ — таъна (килмок)
писи — хафсала (писи куриди)
пичи — оз
пучча — бир кулоғи йўк мол ёки одам
чукири — равоч
салбар — оғир
сарилмэк — интизор булмок
сергимэк — куриш арафасидаги хўл нарса
син — гавда (фигура)
сирри — бетайин, ҳардам хаёл
сувүти — ишэкмас
солмэк — бошанг
тайпак — саёз
тэ:за — роса, жудаям
такал — бахона⁴⁴
тэмиз — мазмун
тэ:ни — ҳеч
тымраймак — аразламок
тир — тенг
толэ — қўзихона (ердан ковланган жой)
тувәннэмак — ҳисобламок
тувлыкмок — аксланмок
туйир — мазмун
туңулмак — умид узмок
тусэмак — истамок
турум (гапининг туруми йўк) — ёлғончи
үйрим — гирдоб
үлэлэ — ҳақ
урт — лунж
харымтал — дангаса
ҳакка — сезгир, хушёр
харба — зарба
интик — интизор, умидвор
қыйык — рўмол
нэпрэмэч — сандиқ
урчук — ип йигирадиган асбоб
нэшвэти — нок
бодомча — тоғда ўсадиган ёввойи мевали дарахт
чукури — равоч
омров — қўкрак

ком — от ва эшакнинг устига эгарнинг ўрнига кўйиладиган
(ёпиладиган) от анжоми

(оёқларини) кулликлэмак — жуфт қилиб боғламоқ

(эшакни) мэтэмак — олдинги икки оёғини жуфт қилиб боғламоқ

котан — мол ётадиган жой

төмән — пастлик

гәзә— пастлик ёки тепалик

чағат — тошлок, баландлик, қирлик жой

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Сурх.— Сурхондарё, Тошк.— Тошкент, Фарғ.— Фарғона, Сам.— Самарканд,
Анд.— Андижон, Нам.— Наманган, Бух.— Бухоро, уйғ.— уйғур, ф.т.— форс —
тожик, ўзб.— ўзбек, жл.— ж-ловчи шевалар, йл.— й-ловчи шевалар

АДАБИЁТЛАР:

1. Аванесов Р.И. Очерки русской диалектологии ч. 1. М.: 1949.
2. Аширбоев С. "Ўзбек диалектологияси" (Лекция матни) —Тошкент, 2000.
3. Аванесов Р.И. Лингвистическая география и история русского языка. //Вопросы языкознания № 6, 1952
4. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг қипчоқ шеvasи (Ўзбек диалектология сидан материаллар). —Тошкент, 1957.
5. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. —Тошкент: Фан, 1978.
6. Абдуллаев Ф.А. Хоразм шевалари.1. — Тошкент, 1961.
7. Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир//Тил ва адабиёт институти асарлари. — Тошкент, 1949.
8. Алиев А.Ю., Ражабов Н. Ўзбек диалектологиясидан программа. —Т., 1992.
9. Алиев А.Ю., Назаров К.Н., Эназаров Т.Ж. Ўзбек диалектологияси. Ўқув дастури. "Университет таълими учун ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастурлари. —Тошкент, 1992.
10. Алиев А.Ю. Ўзбек диалектологиясидан методик кўрсатма. — Тошкент: Университет, 1980.
11. Алиев А.Ю. Уйчи шеваси лексикасидан материаллар//ЎТАМ, №4, 1959.
12. Алиев А.Ю. Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари хақида (Ученые записки Наманганского Государственного педагогического института), вып 2. — Наманган, 1957.
13. Ахмедов А. Жўш шевасининг баъзи бир морфологик ва лексик хусусиятлари (СамДУ асарлари) 129- янги серия. —Самарқанд, 1963.
14. Баскаков Н. А. О проекте единой фонетической транскрипции для тюркских языков. М., 1959.
15. Батмонов И.А. Вопросы классификации узбекских говоров (Проблемы языка) вып. 1. —Тошкент, 1934.
16. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.—Тошкент: Фан, 1979.
17. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.—Тошкент: Фан, 1979.
18. Данияров Х. Опыт изучения джекаующих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. —Ташкент: Фан, 1975.
19. Дониёров Х.. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. — Тошкент, 1976.
20. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек лаҳжаси. —Тошкент: Фан, 1977.
21. Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. — Тошкент: Фан, 1979.
22. Жуманазаров Ю. Ўзбек тили жанубий хоразм (ўғуз) диалектининг син тактик тузилиши. —Тошкент: Фан, 1984.
23. Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. — Тошкент: Фан, 1969.
24. Махаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси.— Тошкент: Фан, 1983.
25. Назаров К. Қипчоқ шевасида эгалик аффикслари (Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари). V китоб. —Тошкент: Фан, 1963.
26. Набиева Д.А. Ўзбек тилида лисоний бирликларининг инвариант-вариант муносабати. НДА. —Тошкент, 1998.

27. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. — Тошкент, 1978.
28. Решетов В.В. Узбекский язык. — Ташкент, 1959
29. Решетов В.В. К вопросу о транскрипции (применительно к особенностям узбекских народных говоров). Ученые записки Таш ГПИ им. Низами, вып. 1. — Ташкент, 1947.
30. Ражабов Н., Валиев М. Ўзбек шевалари диалеклексикасидан материаллар. — Самарканд: СамДУ, 1976.
31. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. — Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
32. Раҳимов С. Ўзбек шевалари лугати. — Тошкент, 1995.
33. Русская диалектология. — Москва, 1972.
34. Туробова М. Ўзбек шевалари синтаксиси. — Тошкент, 1984.
35. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараккиёти босқичлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
36. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи//Ўзбек тили ва адабиёти, №3, 1969.
37. Шерматов А. Лингвистик география нима? — Тошкент: Фан, 1981. — 49-53-б.
38. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тил ва халқ шевалари. Т.: 1962.
39. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Ўқитувчи, 1980.
40. Шоабдурахмонов Ш. Карлукское наречие узбекского языка. — Ташкент: Фан, 1983.
41. Шералиев Э. Лексика узбекских говоров северо-восточного Таджикистана. АҚД. — Ташкент, 1974.
42. Эназаров Т. Ўзбек диалектологияси фанидан амалиёт. — Тошкент: Университет, 1996.
43. Ўзбек диалектологиясидан материаллар I-II жилд. — Тошкент, 1957, 1961.
44. Ўзбек диалектологиясидан материаллар I-II жилд. — Тошкент, 1957, 1961.
45. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. — Тошкент: Фан, 1984.
46. Ўзбек шевалари лексикаси. — Тошкент: Фан, 1966.
47. Ўзбек шевалари лексикаси. — Тошкент: Фан, 1991.
48. Ўзбек халқ шевалари лугати. — Тошкент, 1972.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Кириш.....	4
Транскрипция.....	19
Лингвистик география.....	24
Ўзбек адабий тили ва диалектлари.....	31
Ўзбек шеваларининг диалектал бўлиниши.....	37
Фонетика	
Ўзбек халқ шеваларининг вокализми.....	44
Ўзбек халқ шеваларининг консонантизми.....	58
Морфология	
Ўзбек шеваларининг морфологик хусусиятлари.....	71
Ўзбек халқ шеваларида сўз туркумлари.....	84
Шеваларнинг синтактик хусусиятлари.....	92
Лексика	
Ўзбек шевалари лексикаси.....	99
Адабиётлар.....	116
Мундарижа.....	118

Файзиева Х.Ч.

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2011 йил 28 февралдаги 7- баённомаси
билан нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир: А. Омонтурдиев
Техник муҳаррир: Р. Бозорова
Мусахҳих: Ў.Холиёров

Теришга берилди: 25.04.2011. Босишга рухсат этилди: 15.05.2011.
Бичими 60x42. 7, 0 босма тобок. Адади 300 дона.

ТермДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси компьютер
марказида терилди ва чоп этилди.
Ф.Хўжаев кўчаси, 43.